КУЁШ ЙЎЛЛАРИДА ҚАДИМ КАРВОНИМ, ИСТИҚЛОЛ МУБОРАК, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

اوزبیکستان ادبیاتی وصنعتی

МУСТАҚИЛ ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

1992 ЙИЛ, 28 АВГУСТ, № 35 (3191) ЖУМА

Содиқ МАҲКАМОВ суратлавҳаси

Истиқлол — ўзбекнинг оқил боласи,
Озод келажакка вакил боласи.

Бамисли чиғаноқ ичра марварид,
Кунба-кун, ойма-ой топар парварриш,
Унинг муродидан ўзга ком йўқдир,

Юрт ўғлига бундан яхши ном йўқдир.
Тангри қабул этмиш асрий нолангни,
Элим, асра энди маъсум болангни!

Комил ЯШИН

ОЛТИН КЎПРИК

Саҳар ховар шаҳи чарх узраким ҳайлу ҳашам чекти,
Шиъоий хат била кўхсор уза олтин алам чекти.

Юртим, Навоий ҳазратлари каромат қилиб айтган қуёш — олтин байроқ бугун сенинг бошингда ҳилпираб турибди!

«Кўкларга салом берган», ёвларга қаддини эгмаган юксак тоғларинг, яхшиларга сахий, меҳрибон, босқинчиларга қарши ғазабининг чеки йўқ Аму, Сир дарёларинг, чарақлаб, тилла киприклари билан имо-ишора қилаётган осмон тўла юлдузларинг сени шонли сана билан муборакбод қилмоқдалар!

Ҳа, мустақиллик байрами куни она заминимизда, муборак Тошкентнинг Мустақиллик майдонида қўшноғоралар, карнай-сурнай садолари қуёш сари ўрлаяжак. Ўзбекнинг машҳур хонанда ва новзандалари, пари пайкар раққосалари байрам базмини тонготар қилиб, бир майдон одамнинг эс-ҳушини олиб, ўзлари ҳам зўр ҳаяжон, чексиз завқ-шавқдан оламга сиғмаслар. Ахир, шунча умр кўриб бир маротаба ҳам тушимизга кирмаган улуғ байрам бу!

Энди бир-биримизга чап қарамаеадан, бир-биримизни кечирадиган, нуқсон-хаталаримиз бўлса тавба-тазарру қиладиган, пайғамбаримиз ҳадисларига суяниб бир-биримизга кин-адоват сақламайдиган кун бу!

Бинобарин, мен барча барҳаёт теңдошларим, ҳамкасбларим, шунингдек, 60 йиллик умр йўлдошим, санъаткорлар онахони Ҳалима Носирова номидан президентимиз Ислом Каримовни ва халқимизни дил-дилдан улуғ байрам билан қутлайман. Қисқа фурсатда Президентимиз раҳбарлигида халқимиз талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб талай ишлар амалга оширилди. Миллий урф-одатларимиз, емирилган масжид-мадрасаларимиз, байрамларимиз қайтадан тикланди. Аввало, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Минг-минг йиллардан бери ривожланиб келиб, замонлар зайли билан сандиқларга қамалган касб-корлар, юксак қадриятларга қайта жон кирди.

Ёшлигимда кўрганим жилолар, пор-пор ёнган камалак ранглари яна кўз олдимда жилваланди. Ўзбек халқининг ўзига хос ақлу заковатига, назокатига, диди ва бетакрор илоҳий илҳомига шу кунларда жаҳон яна тан бермоқда. Бунга сабаб Шарқ қуёши 313 тоғ орқасидан чиқиб Туркистонга зар нисор этмоқда! Шунинг учун ҳам зарбоб, зардўзи, заркокил, зарафшон каби сўзлар минг-минг йиллардан буён Шарқ бозори тилидан тушмайди, бу зарга ўралган сўзлар, ибора, атама, сифатларга яна барака кириб, авж пардаларда жарангламоқда. Неча ўнлаб чет давлатлар билан иқтисодий, маданий дўстлик алоқа борди-келдиларимиз кун сайин ривожланмоқда. Дунёдаги барча тараққийпарвар давлатларнинг маданият, санъат-адабиёт аҳллари ўртасида дўстона борди-келди алоқалари, мулоқотлар, нашриёт, таржима ишлари ҳақида муҳокамалар янада изчил давом этказилиши керак. Бу савоб ишларни амалга оширишда Президентимизнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» деб номланган сермазмун китобида қайд этилганидай, давлатимиз мустақиллиги олтин кўприк бўлади, албатта!

Бинобарин, шу мухтасар қутлов сўзимни Ватан соғинчида ёниб ўтган аллома шоиримизнинг бир рубоийси билан тугатмоқчиман:

Жонимда менинг ҳаётн
жоним сен-сен,
Жисмимда менинг руҳи
равоним сен-сен,
Бобурнинг сенингдек ўзга
йўқ ёрн азизи,
Алқиссаке умри
жовидоним сен-сен.

ВАТАНДОШЛАР ҚУТЛОВИ

Ватанпарвар ватандошларим, миллий ғуруримиз, шоншавкатимиз, асл моҳиятимизнинг ифодаси бўлган мустақиллигимизнинг бир йиллик тўйи қутлуғ бўлсин. Бир йиллик вақт тарих учун қисқа муддат, салкам бир ярим асрлик қуллик зулмини тортган Туркистон халқларининг ўзларини тўла намоён қилишлари учун оз фурсат. Лекин шунга қарамай қадим юртимиз дунё кўз ўнгида ўзининг нималарга қодирлигини, халқимиз кимлигини намоён қила олди.

Оллоҳга минг қатла шукрлар бўлсинким, 1991 йил Туркистон халқлари учун озодлик йили бўлиб тарихга кирди. Бу кунни аждодларимиз, ота-боболаримиз қанчалар кутган эдилар. Эндиликда Туркистон олдида яна бир улуғ вазифа — туркий халқларнинг бир бўлиб бирлашиши турибди. Иншоолоҳ, эркини, ҳуқуқини, маданиятини, тарихини таниган оға-ини халқлар бир-бирлари билан янада яқинлашадилар.

Собир САИХОН

Туркия

●

Дунёда инсон учун ҳамма нарсадан юксак ғоят улуғ туйғу бор, бу — эрк туйғуси, мустақиллик саодатидир. Халқимиз яратганнинг амри билан ўтган йил ана шундай бахтга мушарраф бўлди.

Халқлар орасида юрт қадрини мусофирдан, эрк қадрини қулдан сўра деган гап бор. Бунга ортиқча изоҳ керак эмас. Юртимизнинг қадри ҳам, эрки ҳам биз хориждаги туркистонликлар учун аён. Ахир биз яқиндагина Нью-Йорк кўчаларидан «Мустамлака халқлар ҳафталиги»да мазлум Туркистон байроғини кўтариб ўтар эдик. Энди эса юртимиз байроғи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти олдида мағрур ҳилпираб турибди. Халқимиз яқиндагина Шўро империясининг қули эди, эндиликда уни дунё халқлари танимоқда. Буларнинг бари бахт эмасми? Бундай бахт юртимга, халқимга ҳамиша йўлдош бўлсин.

Камол ТОШКАНДИЙ

Америка Қўшма Штатлари

●

Ўз юртидан узоқ бўлган одамнинг кўнглида ҳамиша бир армон бўлади, бу — юртни кўрмоқ, уннг дийдорига тўймоқ армони. Якинда мен онлам билан ана шундай бахтга муяссар бўлдим. Фақат мен эмас, кўпларнинг юрт билан дийдорлашмоқ армонлари ушалмоқда.

Мустақилликка ҳеч бир юртда осонликча эришилмайди, у курашлар эвазига қўлга киритилади. Шунинг учун ҳам бу мустақилликни халқимиз ғойибдан келган бахтдай қабул қилган бўлса-да, унн юртдошларимизнинг юзлаб йиллар давомидаги курашлари натижаси деб қарамоқ керак. Истиқлол олган юрт эса бирданига ҳамма имтиёзларга эга бўлмайди, у эркинликнинг қийин йўлини босиб ўтмоғи тайин. Шу сабабли республикамизнинг мустақиллигини мустаҳкамлашдек, қийин, лекин шарафли ишда халқимизга сабот тилайман.

Абдулла ҚУЁШ

Америка Қўшма Штатлари

●

Ўзбекистон ўз мустақиллигини, азалий жон қўшнилари бўлган — Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Қурия каби Шарқ мамлакатлари билан ҳамкорликлардан бошлаётганидан беҳад хурсандман. Ахир халқимиз «Узоқдаги қариндошдан яқиндаги ёт яхши», деб бежиз айтмайди-ку. Қолаверса, бу мамлакатлар ўртасида азалдан борди-келдилар давом этиб келган, бир-бирининг аҳволини яхши тушунганлар.

Мени, Ўзбекистон республикасининг Президенти Ислом Каримовнинг Покистонга ташрифи айниқса, ғоят қувонтирди. Ўйлайманки, бу ташриф мамлакатлар ҳамкорлигидан ташқари аждодлар ўртасида бир пайтлар мавжуд бўлган алоқаларни тиклашга ҳам хизмат қилади.

Бугун дунё мамлакатлари раҳбарлари собиқ Шўро империяси таркибидан мустақил бўлиб ажралиб чиққан давлатлар орасида Ўзбекистон номини алоҳида ҳурмат билан тилга олмоқдалар. Бунинг боиси бор, уруш, қирғинлардан чарчаган дунё учун тинчликни қадрлайдиган ва унга амал қилиб яшайдиган давлатнинг пайдо бўлиши бахтдир. Ўзбекистон дунё кўз ўнгида ана шундай юрт бўлиб кўзга ташланмоқда.

Шунинг учуҳ улуғ байрам арафасида юртимни истиқлол ва тинчлик барқарор бўлсин деб қутлайман.

Ҳ. КАРИМИЙ

Покистон

МАХСУС ХАБАРНОМА

«...Бугун ҳар қандай истагу манфаатлар тарих деворига урилиб чил-чил синди. Биз энди синган парчаларни термаймиз. Бизнинг яхлит, бутун уйимиз — Ўзбекистонимиз бор. Шуни ҳис қилган кундан озодмиз. Озодлик муҳри бўйинга тақиб юрадиган дур, мунчоқ эмас, озодлик юракда кечади, юракда яшайди».

Ушбу сатрлар республика истиқлолининг бир йиллигига бағишлаб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан чиқарилган махсус хабарномадан олинди. Саккиз саҳифалик мазкур хабарнома «Мустақиллик» деб номланган. Унга ёзувчи Ғажабой Ота Турк бош муҳаррирлик қилган.

Хабарнома Президентимиз Ислом Каримовнинг «Кечаётган ҳар бир кунимиз мустақиллик дарси бўлсин», деган сўзлари билан очиладн. Хабарномадан, шунингдек, Султонмурод Олим, Аҳмаджон Жалилов, Шерали Турднев, Амина Қоднрова, Музаффар Мирзо ва бошқа ижодкорларнинг жумҳуриятимиз мустақиллиги, тарихи ва озодлигига бағишланган қатор қизиқарли асарлари ҳам ўрин олган.

МУСТАҚИЛЛИК ВА АДАБИЁТ

25 август куни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ижодкорлар иштирокида «Мустақиллик ва адабиёт» деб номланган адабий анжуман бўлиб ўтди.

Узбекистон Ёзувчилар уюшмаси биринчи котиби Жамол Камол анжуманни олиб борар экан, йиғилганларни республикамизнинг мустақиллик байрами ҳамда бу тўй арафасида уюшма учун шаҳар марказидаги биноларидан бири берилганлиги билан қутлади.

Шундан кейин Узбекистон Республикаси бош вазирининг ўринбосари Эркин Самандаров мустақиллик байрами муносабати билан республикада амалга оширилган ишлар ҳамда ижодкорлар олдида турган вазифалар хусусида маъруза қилди.

— Адабиёт мустақиллик учун курашда ҳамиша олдинги сафда бўлиб келган, — деди у. — Бунга юзлаб мисоллар келтириш мумкин. Мана, аждодларимиздан Нажмиддин Куброни олайлик. Мўғуллар бу зотга кураш майдонидан чекилиши учун нималар ваъда қилмади: мукофотлар, амал, бойлик... Лекин бу улуғ инсон ўз кураш йўлидан қайтмади ва шу йўлда қурбон бўлди. Ёки тарихда нисбатан бизга яқин, бу йил 200 йиллик тўйи нишонланадиган Нодирабегим тақдирини олиб қарайлик. Ахир, булар ижодкорларнинг ҳамиша зулмга қарши курашиб келганлигини кўрсатмайдими?.. Шунинг учун ҳам истиқлол биз учун ҳамиша қадрли, ардоқли бўлиб келган.

Шунингдек, нотиқ истиқлол байрамини нишонлаш учун шаҳар ва қишлоқларда амалга оширилаётган ишлар хусусида ҳам тўхталди.

— Истиқлол учун кураш бундан 130 йил илгари, қўзғолон кўтарган ўзбек деҳқонлари генерал Черняев томонидан Тамбов губерниясига сургун қилинган кунлардан бошланган эди. Мана шундан бери мустақиллик ҳам халқнинг, ҳам ижодкорларнинг орзуси бўлиб келди. Бу кунги эркинлигимизнинг қадр-қиммати аждодларимиз, авлодларимиз ниятларининг ҳам ушалганидадир, — деди шоир Шукрулло ва истиқлолга бағишлаб янги ёзган шеърини ўқиб берди.

Шундан кейин ижодкорлардан Шукрулло, Иззат Султон истиқлол адабиёти ва мафкура, Пиримқул Қодиров адабиётда тарихни ҳаққоний акс эттириш, Бахтиёр Назаров адабиёт ўқитиш ва унда истиқлол мавзуини ёритиш, Бегали Қосимов жадид адабиётида мустақиллик мавзуи, Баҳриддин Насриддинов Хуршид ижодида истиқлол темаси тўғрисида гапирдилар.

Олмониялик ватандошимиз Зиявуддин Бобоқурбон ва афғонистонлик юртдошимиз Шарўий Жузжоний ўз хотираларидан ҳикоя қилиб, шеърларидан ўқиб берди. Шоирлардан А. Суюн, Ҳ. Муҳаммад, Моҳигул, С. Фахриддинова, Қ. Носирова ва бошқаларнинг мустақилликка бағишланган мушоирасига Маҳкамбой Умаровнинг ўлани қўшилиб кетди.

Санъаткорлар иштирок этган мустақиллик тўйи базмида ижодкорларга ош тортилди.

Ўзбекистон Адиблар иттифоқи республиканинг мустақиллик тўйи муносабати билан Ҳамза театри биносида «Истиқлол ва адабиёт» деб номланган адабий анжуман ўтказди.

Анжуманни Адиблар иттифоқининг раиси шоир Эркин Воҳидов қисқача кириш сўзи билан очди.

— Истиқлол халқимизга кутилмаган бахтдай насиб этди. Аслида у кутилмаган бахт эмас, юзлаб йиллик курашлар мевасидир, — деди у. — Шунинг учун бу бахтни ардоқлашимиз, унинг қадрига етишимиз керак. Биз истиқлолнинг эндигина бир йиллигини нишонлаяпмиз. Шу бир йил ичида кўп ишлар қилинди. Лекин қиладиган ишлар ундан ҳам кўп. Хусусан, ижодкорларимиз унинг бор моҳиятини асарларида акс эттиришлари, халққа етказишлари зарур.

— Биринчи сентябрь халқимиз тарихида унутилмас кун бўлиб қолади. Унинг қадрини биз ҳозир баъзи иқтисодий қийинчиликлар оқибатида теранроқ англай олмаётган бўлишимиз мумкин. Лекин ҳар жиҳатдан тўкисликка эришадиган келажак авлод учун бу байрам ниҳоятда қадрли бўлади, — деди кечада биринчи бўлиб сўз олган адиб Асқад Мухтор. — Мустақиллик муқаддас сўз. Унинг муқаддаслиги халқимизга берадиган меваларн билан ўлчанади.

Бугунги кунда халқимизнинг истиқлол ҳақидаги қарашлари ғоят юксалиб кетмаётганлиги, бизнинг унга қандай тарихий шароитда етиб келганимизга боғлиқдир. Ахир ўйлаб кўрайлик, республикамиз ўнлаб йиллар давомида собиқ марказга ўз бойликларини бериб келди. Хўш, мустақиликка эришгач, бу бойликларимиз эвазига марказдан нималар олдик? Ҳеч нима. Аксинча, республикамизни Гдлян ва Иванов каби марказнинг малайлари таладилар, халқимиз орасидан кўпларни қамоқларга тиқдилар. Бу ҳам етмагандай марказдан республикамиз раҳбар органларига ташланган «десантчи»лар ҳам юртимиз иқтисодиётига, маданиятимизга катта зиён етказдилар.

Истиқлол ана шундай кунларда қўлга киритилди. Оқибатда халқимиз ҳалигача ўзўзини ўнглаб ололгани йўқ. Лекин у бир кунмас бир кун оёққа туриб кетади, деб ишонаман. Шу кунлар яқин.

Кечада шоирлардан Ҳалима Худойбердиева, Эшқобил Шукур, Муҳаммад Юсуф, Рауф Парфи, Абдували Қутбиддин, Яҳё Тоға, Зебо Мирзаева, Салим Ашур ва бошқаларнинг истиқлол ҳақидаги шеърий сатрларига Ўлмас Расуловнинг наволари, қашқадарёлик санъаткор Салим Каримов, Достон Убайдуллаевнинг қўшиқлари, Ҳамза театри артисти Толиб Каримовнинг чиқишлари қўшилиб кетди.

Кечада Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Усмон Азимов қатнашди.

Барот БОЙҚОБИЛОВ

ҲУРРИЯТ КИТОБИ

Истиқлол насиб қилиб Ўзбекистон туғёнда,
Оллохдан ваҳий келиб дориломон туғёнда.

Ваҳийни нозил этган Юртбошими ё улус,
Ё Пайғамбар сийлаган зотми, жаҳон туғёнда.

Мустақиллик Китоби Қуръони карим каби
Осмондан тушдими ё еру осмон туғёнда.

Тўрт халифа сингари битур ё аҳли ўзбек,
Жумлан жаҳон ўқиб жисм ила жон туғёнда.

Ҳар сураси бир жаҳон, ҳар ояти мулки жон,
Ҳар жузда Ўзбекистон, эркли инсон туғёнда.

Ҳар калима жонсўзу ҳар каломи оташин,
Самарқанду Бухоро ҳам Андижон туғёнда.

Ҳар танга бериб дармон, ҳар дилга бахш этиб жон,
Сайҳун ила Жайҳуну ҳам Зарафшон туғёнда.

Бу муқаддас Китобга бир калом этсам иншо,
Умримда қолмас армон, Барот комрон туғёнда.

НАФАҚА ВА МАОШЛАР ОШАДИ

Жумҳуриятимиз президенти Ислом Каримов Мустақиллиқнинг бир йиллик байрами муносабати билан нафақалар, стипендиялар ва бюжет ҳисобидаги ташкилотлар ходимларининг иш ҳақини ошириш юзасидан фармон чиқарди. Фармонга кўра, 1992 йил 1 сентябрдан эътиборан, энг оз ойлик нафақа ва яшаш миқдори 1250 сўм бўлади, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва ногиронлари ойига камида 1600 сўмдан нафақа оладилар. Бюжет ҳисобидаги муассасалар ва ташкилотлар ходимларининг иш ҳақи 25 фоизга, олий ўқув юртлари талабаларининг, техникумлар ҳамда кийим-бош ва овқат билан таъминланмайдиган ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари эса 1,5 бараварга кўпаяди.

ЭЗГУЛИККА ДАХЛДОР ФАРМОН

Истиқлол кунининг байрам қилиниши ёш авлодни маънавий камол топтиришда беқиёс аҳамиятга эга. Жумҳуриятимиз президенти яқинда ана шуни назарда тутиб ва илм даргоҳлари жамоаларининг истакларини ҳисобга олиб, ҳар йили 1 сентябрда Узбекистон ўқув юртларида «Мустақиллик куни»ни ўтказиш тўғрисидаги фармонга имзо чекди. Унда барча мактабларда, ҳунар-техника билим юртларида, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида «Мустақиллик куни» мавзуида махсус машғулотлар, сабоқлар, маърузалар, тантанали йиғилишлар, учрашувлар, турли танловлар, кўриклар, ижодий беллашувлар, спорт мусобақалари, бадиий томошалар ўтказиш лозимлиги таъкидланган.

Фармон ёшларни юксак ватанпарварлик ва эл-юртга садоқат руҳида тарбиялашга, уларнинг ижодий қобилиятларини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

ЯНГИ ФИЛЬМ

Ҳужжатли кино режиссёри Даврон Салимов «Узкинохроника» студиясида «Истиқлол» деб номланган янги фильм яратди. Унда Мустақилликнинг дастлабки йилида жумҳуриятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз берган энг муҳим воқеалар ўз ифодасини топган. Янги фильм 31 август куни пойтахтимиздаги Нодирабегим марказий кинотеатрида илк бор томошабинлар эътиборига ҳавола қилинади.

УзАО ахбороти

Жамол ҚАМОЛ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биринчи котиби

ШАКАРПАРИЁНДА экилган чинор

Тингладим, мен бу диёр овозини,
Халқ дилидан янграган ҳур созини.
Кўп баланд тоғлар ошиб эсган шамол
Қўзғатар ёш туйғулар парвозини...

ОЙБЕК

ТАЙЁРАМИЗ ҚАНОТЛАРИ ОСТИДА ОППОҚ БУЛУТЛАР оқади. Тоғ-тоғ, баҳайбат булутлар... Пастда, нақ жаҳаннам чуқурлигида тоғлар кўзга ташланади Ҳиндиқуш тоғлари... Мен кўз тикиб, нигоҳим билан чўққидан чўққига сирпаниб, ўша маълум ва машҳур Ҳайбар дарасини излайман... Хўш, нега Ҳайбар дарасини, дейсизми? Гап бор.

Гап шундаки, бундан уч ой аввал, аниқроғи, шу йилнинг 20—24 апрель кунлари биз бир гуруҳ ўзбек зиёлилари — академик Пўлат Ҳабибуллаев, профессор Тошмирза Холмирзаев ва камина Покистоннинг Пешовар шаҳрида ўтказилган ёзувчилар ва олимларнинг халқаро анжуманида иштирок этдик. Анжуманга Туркия, Эрон, Афғонистон, Америка Қўшма Штатлари, Олмония ва Хитойдан вакиллар келишди. Қозоғистондан Аёнбек Қурманбоев, Тожикистондан Асқар Ҳаким ва Мунира Шаҳидий қатнашдилар. Мавзу: Марказий Осиёда жойлашган давлатлар, миллатлараро анъанавий маданий, сиёсий, иқтисодий алоқаларни тиклаш ва мустаҳкамаш...

Пешовар — Покистоннинг энг шимолий шаҳри. Бу ер билан Афғонистон чегараси — бир қадам. Чегарани Ҳайбар дараси ажратиб туради. Бир куни бизни ўша ёққа бошлаб боришди Икки тарафда тикка кўтарилган баланд чўққилар. Ўртада баҳайбат қилич билан шарт кесилгандек чуқур дара. Дара тубида Жалолободга ўтадиган йўл... Бир қарашда ўзимизнинг Жиззах билан Самарқанд ўртасидаги Темур дарвозасини эслатади...

— Темур дарвозаси, дейсизми? — деб сўрайди мендан ҳамроҳим, Афғонистон Ёзувчилар уюшмасининг ранси Расул Амин. Сўнг сўзида давом этади. — Кўриб турганингиз ана шу дарз ҳам — дарвоза.. Ҳиндистон дарвозаси... Бобонгиз Амир Темур ҳам ана шу дарвозадан ўтганлар...

Ҳайбар дараси — Ҳиндистон дарвозаси!

Бу ердан Амир Темурдан олдин ҳам, кейин ҳам кўплар ўтишган. Масалан, Искандар Зулқарнайн ўтган, Чингизхон ўтган, Маҳмуд Ғазнавий ўтган, Уистон Черчилл ўтган... Кўп қонлар тўкилган... Ўтганлар бари ортига қайтган. Бу ердан ўтиб, тиригида ортига қайтмаган — ёлғиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур... Бошқалар келиб, босқилаб, талонторож этиб, бойлик-ўлжа йиғиб, қайтиб кетишган. Фақат Бобур қайтмаган, қайтолмаган, қайтмас бўлиб келган. Унинг қайтиш йўли кесиқ, чиқиш дарвозаси берк эди. Шунинг учун азоб-изтироб чеккан, сўнгсиз соғинчлар қўйнида яшаб, дардли ғазаллар, ҳасратли рубоийлар битган.

Ўз ихтиёрим бирла келдим бу юртга,
Лекин боруримга ихтиёрим йўқдир! —

деб фарёд солган... Бобурни эрта қаритган, унинг умрини қисқартган ана шу чексиз соғинч дарди бўлса, ажабмас... У бор-йўғи эллик икки йил умр кўрган... Лекин Бобурдан ажойиб китоблар қолди... Бобурдан бирлашган Ҳиндистон қолди... Бобурдан инсоф билан айтганда, Покистон қолди...

Тайёрамиз Ҳимолайни ҳам, тоғ-тоғ булутларни ҳам ортда қолдириб пастлай бошлади. Қанотларимиз остида Покистон пойтахти — Исломобод. Оппоқ иморатлари қуёш нурларида кўз қамаштириб ярқираган яшил шаҳар. Мамлакатнинг халқаро аэропортида фахрий қоровул саф чекиб турибди. Денгиз, пиёда ва ҳаво қўшинлари аскарлари. Покистон президенти Ғулом Исҳоқхон, Бош вазир Навоз Шариф жаноблари Ўзбекистон президентини қучоқ очиб, қарши олишди. Олий меҳмон ташрифини шаҳарга овоза қилиб, тўплар гумбурлайди. Фахрий айвон устида Ўзбекистон ва Покистон байроқлари. Айвон остида олий меҳмон ва олий мезбонлар... Жанговар музика. Қаёққа боқманг, инглиз ва ўрду тилларида: «Яшасин Покистон — Ўзбекистон дўстлиги!», «Хуш келибсиз, президент Ислом Каримов!» деган шиорлар... Зобитларнинг гурс-гурс қадам ташлашлари... Бир сўз билан айтганда, тантанали кутиб олиш маросими. Бир ёнда саф тортиб хорижий элларнинг элчилари туришибди. Бир ёнда — покистонлик аъёну акобирлар ва уларга туташиб тизилишган, севинчдан лаблари титраб, кўзларидан дув-дув ёшлари оқкан хорижий ватандошларимиз — ўзбеклар, тожиклар, туркманлар, қозоқлар... Улар президентимиз билан йиғлаб-йиғлаб кўришишди, пойига қучоқ-қучоқ гуллар сочишди...

Саллаларига узун жига, попилдириқлар қадаб олган суворийлар бизни Президент саройи — Айвони Садрга бошлаб боришди. Адл қоматли, бўйи нақ икки метр, балки ундан ҳам баландроқ, новча қоровуллар орасидан ўтиб, олтин қандиллар билан безатилган, нурафшон, муҳташам залга кирамиз. Чуқур жимжитлик чўкади. Қарийб беш соат чамаси ерда ва ҳавода кечган суронли сафардан сўнг биринчи жимлик. Сўнг сукунатни бўлиб, таниш, ўктам овоз янграйди. Президентимиз овози: —

Муҳтарам Президент жаноби олийлари!
Муҳтарам Бош вазир жаноби олийлари!
Хонимлар ва жаноблар!..

МЕН ҒАЛАТИ БЎЛИБ КЕТДИМ. Томоғимга бир нарса келиб қадалгандек бўлди. Покистон Президенти саройида ўзбекча нутқ, туркий калом, она сути билан менинг жонимга сингган, жондан азиз, она тилим!... Ҳамроҳим Абдували Ғуломмаҳмудовга кўз қиримни ташлайман — у ҳам ғалати бир аҳволда... Секин кўз югуртириб ҳозир бўлганларнинг юз ифодаларини кузатаман. Бу ерда Покистон давлат ва жамоат арбобларидан ташқари Америка, Хитой, Франция, Япония, Индонезия каби ўнлаб мамлакатларнинг элчилари ҳам қўл қовуштириб туришибди. Улар нималар ҳақида ўйлашаётган экан? Туркий, туркистоний каломни шундай тантанали вазиятда биринчи бор эшитишаётган бўлса, ажабмас. Тилимиз қулоқларга, қалбларга тўқиниб, қандай ҳиссиётлар қўзғаяпти экан? Шуларни билгим келади... Шу куни покистонлик мезбонларнинг сўзини тинглаб, яна ўйларга толдим... Беихтиёр Туркияга қилган илк сафарим ёдга тушди. «Туркистондан галмиш — она юртдан галмиш!» деган сўзлар юрагимга нақшланиб қолганди ўшанда. Ажабо, бу ерда ҳам шундай дейишяпти. Туркистон — бободаримиз юрти, динимиз бир, дилимиз бир, тилимиз, томиримиз туташ, дейишяпти... Маккаю Мадинадан сўнг биз учун муқаддас шаҳарлар — Самарқанду Бухоро, дейишяпти... Кечқурунги зиёфат устида бу гапларнинг чинлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

— Бу овқатни сизда нима дейишади? — деб сўрадим.

— Шўрва, — дейишди.

— Бунисини-чи?

— Палов.

— Бу-чи?

— Қийма.

— Бу-чи?

— Қовурма.

Сўнг қошиқни қўлга олдим.

— Буни нима дейсизлар?

— Қошуға...

Беихтиёр кулиб юбордим... Сўнгра «хоним» деб сўз бошлаган эдим, тўхтатишди:

— Бизда «хоним» эмас, «бегим».

Ё тавба! Буниси чиндан ҳам ошиб тушди. Бир зумда шунча муштарак сўзларга дуч келдим, синчиклаб ўрганилса, уларнинг адади мингдан ошса, ажабмас. Дарвоқе, Покистон миллати туркистонликлар билан ҳиндистонликлар қўшилишидан таркиб топган, дейиш мумкин. Ана шу қўшилиш жараёнида ҳиндий, форсий, туркий лаҳжалар чатишиб, ўрду тилини дунёга келтирган. Биласиз, «ўрду» — туркий сўз бўлиб, «қўшин» деган маънони билдиради. Ўрду тили — қўшин тили демакдир. Асрлар давомида бу юртда қўшиннинг кўпчилигини ўзимизнинг ўрта осиёликлар ташкил этишган. Ва бунинг натижаси ўлароқ, тиллар чатишиб, томирлар туташиб кетган. Асрлар бўйи Туркистон ва Хуросондан мен ўша юқорида айтганим Ҳайбар дараси орқали Ҳиндистон минтақасига одамлар оқиб келаверган... Аввал келганлар маҳаллий халқ билан қуда-андалашиб, уларга сингиб кетишган. Кейин келганлари ҳали ўзлигини — ўзбеклигини, тожиклигини, туркманлигини, қозоқлигини сақлаб туришибди. Ўшаларнинг вакиллари бугун президентимизга пешвоз чиқишди. «Хуш келибсиз!» деб унинг бўйнига осилиб, йиғлашди. Айримларини танидим, улар билан Пешоварда учрашганман...

Мустақилликнинг илк йили жонажон Ўзбекистонимизнинг жаҳон миқёсида қад ростлаши билан боғлиқ тарихий воқеаларга бой бўлди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хельсинкида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик шартномасига имзо чекди. ЎзА фотохроникасидан олинган ушбу суратда ана шу муҳим воқеа акс этган.

Баҳорда Пешоварда ўтказилган халқаро йиғиннинг сўнгги куни покистонлик ёзувчи Муҳаммад Саид мени секин имлаб, ташқарига чақирди.

— Нима гап?

— Юртдошларингиз келишибди...

Эшикка чиқдим. Соқол ўстириб, салла ўраган уч-тўрт киши «Ассаломалейкум, ҳамшаҳар!» деб қарши олишди. Танишдик. Пешовар яқинидаги муҳожирлар қароргоҳидан келишибди, ғўлабирдан келган йигит Абдулборий қароргоҳ бошлиғи экан.

— Бизнинг «Хуросон» қароргоҳида юз минг муҳожир яшайди, — деди у. — Ҳаммаси ўзимизнинг элат: ўзбеклар, тожиклар, туркманлар, қозоқлар... Ўзбекистондан ёзувчилар келишибди, деган хабарни эшитибоқ, бу ёққа югурдик... У ёққа сизни кутиб туришибди. Бориб, жамоатга сўз айтмасангиз, бўлмайди...

ФУРСАТ ОЗ, ВАҚТИМИЗ ЗИҚ ЭДИ. Шуни айтиб, узр сўрамоқчи бўлдим. Йўқ, бўлмади. Абдулборий оёғини тираб олди. Ниҳоят, қозоқ дўстим Аёнбекни олиб, қароргоҳга жўнадик. Қонли уруш туфайли уйи бузилиб, Покистонга сурилган афғонистонлик муҳожирлар бу ерда иккита қароргоҳ қуришган. Паштунларнинг қароргоҳи — «Ориёна», ўзбек, тожик, туркман, қозоқлар қароргоҳи — «Хуросон». «Хуросон»га кириб бордик. Тартиби, услуби Самарқанд, Бухоро қишлоқларини эслатувчи катта қишлоқ, йўқ, қишлоқлар тизмаси. Ариқларда сувлар оқиб ётибди. Катта гузар. Гузарнинг икки чеккасида турли дўконлар, темирчилик расталари. Кўча-кўйда юрган кишилар ҳам ўзимизнинг одамлар... Юрагим увишиб кетди... Тақдир шамоли бу шўрликларни ўз тупроғидан узиб, мана, қаёқларга келтириб ташлабди!..

— Мактабимиз бор, стадионимиз бор, — деди Абдулборий кўларинки бир руҳ билан. — Байрамларда анави майдонда улоқ чопамиз...

Мактаб ҳовлисида чамаси тўрт юз киши тўпланиб туришган экан. Дуою тилаклар айтиб, қарши олишди. Кўзларда ёш, лабларда табассум, юракларда «Ватанни бир кўрсам, тупроғини кўзга сурсам» деган бир орзу, бир илинж, бир армон...

Айримларнинг елкаларида автоматлар... Кўплар билан қучоқлашиб кўришдим. Ширин гаплар айтиб, сингган кўнгиллар, чўккан юракларни кўтаришга уриндим. Ниҳоят, Абдулборий жамоатни тинчитиб, менга сўз берди.

— Туркий гапирайми, форсий? — сўрадим мен.

— Гапираверинг! — дейишди гуриллаб.

— Тушунасизларми?

— Тушунамиз!..

— Унисини ҳам, бунисини ҳамми?

— Унисини ҳам, бунисини ҳам!..

Бошда бир оз форсий, сўнг ўзбекчага ўтдим.

— Ватан озод бўлди! — дедим овозимни баланд қўйиб. — Халқимизга истиқлол насиб этди... Биродарлар, бугун она юртимиз Ўзбекистон — мустамлака эмас, мустақил давлатдир!..

Ҳамма бирдан жунбушга келди. Кимдир «Такбир!» деб қичқирди. Халойиқ уч карра «Оллоҳу акбар!» деб ҳайқирди. Автоматлардан тириллатиб, ҳавога ўқ узишди...

Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлгани, мустақил давлатимизни юздан ортиқ давлатлар танигани, Тошкентда ўнлаб хорижий элчихоналар очилгани, Тошкент — Истанбул, Тошкент — Жидда, Тошкент — Исломобод ҳаво йўлларида тайёралар қатнаётгани, миллий қўшинимиз тузиллаётгани ҳақида сўзладим. Яна чайқалиш, яна «Оллоҳу акбар!» деган ҳайқириқлар, яна қулоқни батанг қилиб, автоматлардан ҳавога ўқ узишлар... Шу кейингиси ортиқча туюлди. «Ўша қуриб кетгурларни отманглар!» дея илтимос қилдим. Рози бўлишди, кейин отишмади.

Мана, ўша ватандошларнинг вакиллари бугун Президентимизни гулларга кўмишди. Айвони Садрда ўтказилган қабул маросимида пайпоқ фабрикасининг эгаси асли олмослик Абдулҳай билан суҳбатлашдик. Пешовардаги юртдошларни эслашдик: Тошкентнинг Бадирвой маҳалласидан бўлмиш Хайрулла Субутой, шаҳрисабзлик Нуриддин Бухорий, хоразмлик Неъматулло Рўзимуҳаммад, самарқандлик Абдураҳим Абдулкарим ўғли, марғилонлик Саидаҳмад Носирбой ўғли, бухоролик Муҳаммад Юсуф, андижонлик Абдулшукур Ҳожиабдул Фаттоҳ ўғли, яна бухоролик Аминжон Ҳазратқул ўғли, қўқонлик Худоёрхон Абдураҳимбек ўғли, фарғоналик Саидаҳмад Муҳаммадносир ўғли ва бошқаларни...

— Имкон беришса, Наманганда замонавий пайпоқ фабрикаси очардим, — деди суҳбатдошим кўзлари чарақлаб.

— Бунинг йўли осон, — дедим ва уни ҳайъатимиз аъзоси, Наманган вилояти ҳокими Бургутали Рафиқалиев билан таништириб қўйдим... Шу куни бош вазир саройида музокаралар бўлди, маданий иқтисодий алоқаларга доир битимлар имзоланди.

Эртаси, 14 август куни Покистон парламенти олдидаги майдонда ўтказилган Покистон Мустақиллик байрамида иштирок этдик. Каттакон майдонни тўлдирган халойиқ олий меҳмон — Президентимизни оёққа туриб, олқишлар билан қарши олди. Байрам маросими Қуръони карим — тиловати билан бошланди. Ёшлар хори Покистон давлат гимнини берилиб куйлади. Қўғирчоқдек ясанган-тусанган қизалоқлар байроқчаларни силкитиб, қўшиққа жўр бўлишди. Ҳофиз Жаландҳарий қаламига мансуб мазкур мадҳияни эшитиб, ҳайрон қолдим. Оҳанги дилрабо, сўзлари аниқ ва даҳиқ бу қўшиқни тушуниш қийинмас. Арабчадан, форсчадан бир оз хабардор бўлсангиз кифоя. Таржимасини келтирмайман, ўзингиз ўқиб, мушоҳада қилиб кўринг:

Пок сарзамин шод бод,
Кишвари ҳассин шод бод.
Ту нишони азми олийшоҳ,
Арзи Покистон!
Маркази яқин шод бод!
Пок сарзамини низом
Қуввати ақуввати авом.
Қавм, мулк, салтанат,
Поянда, тобанда бод,
Шод бод манзили мурод!
Парчами ситораву ҳилол,
Раҳбари тараққию камол
Таржимони мозийшони ҳол,
Жони истиқбол!...
Соянй Худойи зулжалол!..

Ёшлар Покистон ва унинг истиқлолию истиқболи ҳақида яна қўшиқлар куйлашди. Маросим охирида Бош вазир Навоз Шариф табрик нутқи сўзлаб, давлат байроғини кўтарди. «Покистон, зиндабод!» деган хитоблар янгради. Ўзбекистон вакилларига алоҳида иззат-эҳтиром кўрсатишди.

ИСЛОМОБОД — ЗАМОНАВИЙ, МОДЕРН ШАҲАР. Кўчалар — кенг, топ-тоза ва кўкаламзор. Йўллар ойнадек силлиқ, машина «қилт» этмайди, сирпаниб, шамолдек учади. Ҳар қадамда анвойи гуллар, ғаройиб дарахтлар... гулбела, гулоб, чамбели, нотия, деҳлия, малта, кипу, банана, нашвати, олуча, амруд дейишди номларини... Муҳаммад Али Жинна, Мирзо Ғолиб, Муҳаммад Иқбол, Мустафо Камол Отатурк хиёбонларидан ўтдик. Қайси кўчадан юрманг, узоқдан тўрт буюк минора ярқираб кўзга чалинади. Шоҳ Файсал масжиди. Замонавий жаҳон меъморчилигининг асл дурдонаси. Саудия Арабистони подшоси ҳадя этган пулга, турк меъмори лойиҳаси асосида покистонлик бинокорлар бунёд этишган. Шоҳ Файсал масжидига улкан кутубхона ва ислом дорилфунуни туташиб, яхлит буюк мармар иншоотни ташкил этган... Мўъжиза масжид ортида ям-яшил оғочларга бурканиб, Шакарпариён тепалиги қад кўтариб туради, тепалик устида фахрий боғча бор. Жаҳон давлатлари бошлиқлари Покистонга ташриф буюрганда ана шу боғчага келиб, кўчат экишади. Аҳмад Сукарно, Чжоу Энлай, Николай Косигин эккан кўчатлар ҳозир етук дарахтларга айланишган. Нурсултон Назарбоев эккан кўчат ҳали ёш. Ана шу қаторда Президентимиз ҳам яхши ният билан кўчат экдилар. Сўнг тепалик устида туриб, атроф-теваракни томоша қилдик. Пастда Исломобод ястаниб ётибди. Ҳар бир иморат, ҳар битта майдон худди кафтдагидек аниқ кўзга ташланади. Шаҳарнинг бир чеккасида — мовий кўл, у пойтахтни чучук сув билан таъминлайди. Мовий кўл этаги эса туманга бурканган Марғала тоғларига бориб туташади.

Исломободга илк бор келганимизда ўша кўл бўйига бориб, ўша тоғларга термулганмиз. Муҳтарам олимимиз, академик Пўлат Ҳабибуллаев ўз фантазияси билан бизни қойил қолдирган.

— Биласизми, — деган Пўлат ака ўшанда юзлари ёришиб. — Марғала тоғлари — Ҳиндиқушнинг бир тизмаси. Ҳиндиқуш Ҳимолайга, Ҳимолай эса Помир ва Тянь-Шанга бориб туташади. Хуллас, ана шу силсила бўйлаб, тоғма-тоғ ошиб кетаверсангиз, бир кун «лоп» этиб, Чотқолнинг устидан, Тошкентнинг тепасидан чиқиб қоласиз...

Чинданам ғалати фикр... Кўз юмиб, бир зум тасаввур этдим: тоғма-тоғ учиб-қўниб кетаётган какликлар ғаласи... Уларга эргашиб, чўққилардан ошиб, дадил одим отиб бораётган ҳормас-толмас йўловчи... Бир кун у Чотқолга етиб борадиг..

Карочи шаҳрига бориб, у ердаги бандаргоҳда бўлажак ўзбек савдо флоти учун ажратилган жойни кўрмоқчи эдик. Насиб этмади. Икки кун аввал қаттиқ сел ёғиб, шаҳарни сув босибди. Қурбон бўлганлар бор, дейишди. Карочи сафари кейинга сурилди. Аммо икки давлат ўртасидаги битишув, қарор қатъий: келажакда Ўзбекистон юк арвонлари Афғонистон орқали Покистоннинг Карочи портига чиқади. Сўнг у ердаги савдо кемаларимиз дунё океани бўйлаб таралиб кетишади...

Покистон Бош вазири қароргоҳи олдидаги улкан айвон остида Президентимиз ва ҳайъатимиз аъзолари билан катта учрашув бўлди. Учрашувга давлат ва жамоат арбоблари, хорижий дипломатлар, ишбилармонлар, мухбирлар келишди... Иссиқ!.. Дим, намчил ҳаво нафасни бўғади. Ҳар ер-ҳар ерга қўйилган, нақ одам бўйи келадиган, йирик елпиғич-парраклар тўхтовсиз ғириллаб, айланиб туришса-да жиндак саринлик, салқинлик беришдан ожиз... Яна устоз Ойбекнинг сатрлари ёдимга тушади:

Шундай иссиқ! Гўё ер-кўк оловлашир,
Ҳазил эмас, Ҳиндистоннинг қуёшидир...
Алангада пальмаларнинг соябони,
Қўтос сувда ҳарсиллайди куйиб қони...

Бир-биридан қизиқарли, қисқа-қисқа мулоқотлар бўлиб ўтди. Америка Қўшма Штатлари, Франция, Япония, Индонезия, Венгрия, Россия элчилари билан сўзлашдик... Дардингни олай, Мустақиллик!.. Ҳамманинг тилида — Ўзбекистон! Ҳамманинг мустақил Ўзбекистонга боргиси, у билан яқиндан ҳамкорлик қилгиси келади...

Ажабки, ҳаш-паш дегунча хайрлашиш соати ҳам етиб келди.

Биллоҳки, ёмондир ошнолик,
Ким охирида келур жудолик, —

деб бекорга айтмаган Фузулий... Исломобод аэропортида тантанали кузатиш маросими ўтказилди. Яна фахрий қоровул саф тортди. Яна икки дўст давлат байроқлари ҳавода ҳилпиради. Яна жанговар оҳанглар жаранглади. Ниҳоят, биз тушган, бикинига «Ўзбекистон» деб ёзилган тайёра ҳавога кўтарилиб, Тошкентга йўл олди.

Хайр, Покистон! Аммо қалбимизда қанчадан-қанча рангин таассуротлар, фикримизда не-не сезгин мушоҳадалар... Уларнинг ҳаммасини бир йўла қоғозга тушириб бўлмайди. Аммо санжоб этиб, хулоса қилиб айтиш мумкин.

Покистон — 120 миллион нуфузли, ҳар тарафлама тараққий этиб бораётган буюк мамлакат. У бизга, туркистонликларга жуда катта умид ва меҳру ихлос билан боқади. Бизни дунё халқлари даврасида, ўзи билан бир сафда кўрмоқ истайди. Ана шу умидни англаш, ана шу меҳру ихлосни оқлаш, Покистон билан яқин алоқалар боғлаб, уларни кучайтириш, мустаҳкамлаш лозим. Янги имзоланган битимлар ана шу алоқаларга хизмат қилади.

Менинг кузатишимча, Покистонда бойлар — жуда бой, нақ осмону фалакда, камбағаллар эса жудаям камбағал, тупроққа қоришиб ётишибди. Биз келажакда шунга эҳтиёт бўлишимиз, табақалар орасидаги масофани шу қадар еру осмон бўлиб кетишига йўл қўймаслигимиз зарур.

Биз Покистоннинг ўтмиш адабиётидан бироз хабардормиз. Чунончи, Муҳаммад Иқболнинг:

Мен бандан озодман, ишқдир имом менга,
Ишқдир имом менга, ақлим ғулом менга,—

мисраларини адабий йиғинларда айтиб юрамиз... Аммо Покистоннинг бугунги адабиётини яхши билмаймиз. Бас, икки ўртада мунтазам борди-келди қилиш, китоб айирбошлаш, таржима ишларини йўлга қўйиш — долзарб вазифамиздир.

ТАЙЁРАМИЗ ҚАНОТЛАРИ ОСТИДА ТОҒ-ТОҒ БУЛУТЛАР оқади. Улар тобора қуюқлашиб боради. Аслида тикка учганда Исломобод — Тошкент ораси икки соату ўн дақиқалик йўл. Аммо биз қонли можаролар кетаётган нотинч Афғонистонни четлаб, Эрон устидан учамиз. Олдинда — тўрт ярим соатлик йўл. Ортимизда — Покистон, Исломобод, Шакарпариён тепалиги ва ундаги фахрий боғчада экилган бир тут чинор...

Мен ўша чинорни кўрмоқчи бўлгандек, ойнакдан тикиламан ва беихтиёр шивирлайман: бошинг тошдан, насибанг қуёшдан бўлсин, чинорим!..

ҚУТЛОВ

«Табани» савдо-тижорат компанияси номидан Ўзбекистон Республикаси Президенти жаноб Ислом Каримовни, бош вазир жаноб Абдуҳошим Муталовни, бутун Ўзбекистон халқини республика мустақиллигининг бир йиллиги билан самимий муборакбод этамиз.

Покистон давлати бошлиғи Навоз Шариф жанобларининг Ўзбекистонга ташрифи, Ўзбекистон ҳукумат делегациясининг Покистонда бўлиши дилдилига яқин икки мамлакат халқлари ўртасидаги манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янада кучайтиришга хизмат қилади, деб ишонамиз.

Биз мустақиллик шарофати нла Ўзбекистонда бўлаётган ижодий ўзгаришларни кўриб чин дилдан қувонмоқдамиз. Бугунги иқтисодий қийинчиликлар ҳадемай ортда қолишига, Ўзбекистон жаҳон майдонида катта обрў-эътибор қозонишига ишонамиз.

Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азиз дўстлар!

Муҳаммад АББОС ХОН,
«Табани» компаниясининг Ўзбекистондаги бошқарувчиси

Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА:

ИЖОДКОРДАН ИЗ ҚОЛСА

Катта байрам — истиқлол тўйи арафасида кўплаб ижодкорлар республикамиз вилоятларида бўлиб, меҳнаткашларни улуғ айём билан қутлаб қайтдилар. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси котиби шоира Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА учрашувлардан олган таассуротлари ҳақида шундай дейди:

— Менинг шеърхонлар билан учрашувларда асосий мақсадим — шеър ўқиб, қаламкашликни намойиш қилиш эмас, ақл ўргатиш эмас, балки биринчи галда замондошим нафас олаётган ҳаводан баҳраманд бўлиш, замондош ўй-кечинмаларига ошно бўлиш, уларнинг оғриқларига имкон қадар малҳам излаш... Шунга кўра сўзлашдан ҳам тинглашни афзал кўраман.

Яқинда, биз — бир гуруҳ зиёлилар, ижодкорлар Бўка туманининг «Ачамайли» ва Зангиота туманининг «Ўзбекистон» жамоа хўжаликларида бўлдик. Тингловчиларнинг эндиги гап-сўзлари, саволлари бутунлай бошқача. Яширишга ҳожат йўқ бўлса керак: ҳамманинг тилида катта тўй тараддуди, кундан-кун ошиб бораётган нарх-наво, тобора ортаётган тақчиллик...

— Биз гуручнинг камлигига чидаймиз, — деди «Ачамайлилик» аёллардан бири. —Уннинг тортилганига чидаймиз. Ҳар ҳолда оч эмасмиз. Лекин совуннинг бу даражада анқонинг уруғи бўлиб бораётганига ҳайронмиз. Жон бошига бир одамга ойига ярим бўлак совун. Нимагаям етсин у...

Биз, зиёлилар даврамизда иштирок этаётган туман ҳокими ўрнибосарига «жавоб берасизми?» дегандай ялт этиб қарадик. Жавоб тайёр эканми, ўрнибосар дик ўрнидан туриб:

— Шу жамоа хўжалигининг ўзида сиз етиштираётган пахта чигитидан яқинда совун ишлаб чиқарувчи цех очамиз. Ана шунда бу тақчилликка чек қўйилади, — деди у.

Биз, гўё одамлар ҳожати шу дафъа чиқарилгандай қувониб кетдик.

Зангиотанинг «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида эса биз учрашув ўтказган 50 гектарлик гўзал боғ трамвай йўли қурилиши учун бузилиши лозим экан. Хўжалик аҳолисининг бормаган раҳбари, учрашмаган идораси қолмабди. Тўғри-да, трамвай йўли озгина нарибериданўтса, осмон узилиб ерга тушмас.

Биз ёзувчилар бу муаммони шаҳар раҳбарлари олдида яна бир бор кўтариш масъулиятини зиммамизга олдик. Зора, нафимиз тегиб қолса... Ахир ёзувчи бошқалардан кўра бир қадар безовта руҳ, бир қадар беором қалб, бир қадар куйгунчак юрак бўлмоғи даркор эмасми?. Ундан, қаерда бўлмасин, бирон-бир хайрли из қолиши лозим-ку.

Мен бу гапларни шунинг учун айтяпманки, «Ўзбекистон» жамоа хўжалигига босган пойқадамимиз зора хайрли бўлган бўлса, зора, шаҳар раҳбарлари хўжалик аҳлининг илтимосини ижобий ҳал қилишса.

●

Букун менга бокира дунё,
Букун куйган тилимда «оҳ» йўқ.
Ким кўринган фаришта гўё,
Ҳеч кимсада гўё гуноҳ йўқ.
Ярашмагай норизо сўзлар,
Кечирмагай куннинг шукуҳи.
Ахир, букун эл-юртим аро
Кезиб юрар истиқлол руҳи.

Учар экан энтикиб, кўрдим —
Озодлик бор от ёлларида.
Сенинг эркинг топташди, юртим,
Лубянканинг подвалларида.
Кўрганларинг энди нур бўлсин,
Юртим, мовий осмонларингда.
Фотиҳларинг чидолмай ўлсин
Гулчеҳранинг достонларида.

ТУРКИСТОН

«Шарқ машъали сен ўзингсан!» — дедилар,
Алдаб,алдаб, бўлиб-бўлиб едилар,
Куйганларинг ер остида эдилар,
Осмонимда кемтик ҳилол Туркистон,
Бирлаша қол, бирлаша қол, Туркистон.
Ҳолинг кўриб, йиғлай-йиғлай соч ёйдим,
Темур бобом изин излай мен қайдин?
Бўлинганлар бўлармикин ҳеч ойдин?
Бўлинишлар нурга завол, Туркистон,
Бирлаша қол, бирлаша қол, Туркистон.
Нидо қил! — деб менга боққан Барчиндир,
Тўзғин бўлдинг, оҳим саржин-саржиндир,
Сенгинамас, кўрсанг мен ҳам парчиндир,
Бўлинганинг — ёвларга бол, Туркистон,
Бирлаша қол, бирлаша қол, Туркистон.
Бўлмай-бўлмай битта ўрай сочимни,
Лочин бисёр. Бирдам кўрай лочинни.
Иўқса босқин боса берар очуни,
Зорланади мендай аёл, Туркистон,
Бирлаша қол, бирлаша қол, Туркистон.

ЛУҚМА

ТИШЛАНГАН ОЛМА

Феврал ойи эди. Ургут районидаги бир танишимизникига бордик. Гапдан-гап айланиб дастурхон устидаги ноз-неъматларга ўтилди. Шунда мен дастурхондаги олма, анор, майиз сингари ҳўл-қуруқ меваларни кўрсатиб уй эгасидан сўрадим: «Шулардан қайси бирини ўзингиз етиштиргансиз, қайси бирини бозордан олгансиз?» Маълум бўлишича, ҳаммаси бозордан фалон пулга сотиб олинган экан.

Яқинда йўлим тушиб яна ўша танишимизникига бордим. Салкам ярим гектарлик ҳовли жаннатга ўхшайди. Қип-қизил олмалар ости битта бўлиб тўкилиб ётибди. Анорларнинг навдаси ҳосилининг мўллигидан камалакдек эгилган. Сўридаги ва ер токдаги узумлар кўзни қамаштиради. Ноку шафтолининг ҳам уч-тўрт тури мавжуд. Мен буларни кўриб лол қолдим. Беихтиёр ўша суҳбатимизни эсладим-у, саволга тутдим.

— Шунча ҳосилни нима қиласиз?

— Болалар ейди.

— Жуда кўп-ку. Ортиб қолмайдими?

— Ярмидан кўпи ортиб қолади. Териб молга берамиз.

— Қўшниларга берсангиз бўлмайдими?

— Уларнинг ўзиники ҳам чириб ётибди.

— Бозорга олиб бориб сотсангиз-чи.

— Самарқанд узоқ. Машин топиш керак. Кун бўйи сарғайиб ўтириб сотиш лозим. Бунга вақт йўқ. Сотиш дейсиз, ўзимизни олиб ейишга ёки қишга сақлаб қўйишга, ҳеч бўлмаса териб молга беришга ҳам вақтимиз йўқ-ку.

— Нима иш қиласизлар?

— Тамаки сидирамиз, чизамиз. Етти ёшдан етмиш ёшгача тонг саҳардан бошлаб ярим тунгача шу билан овора. Жуда майда иш. Эртаиндин ёмғир ёғса далада қолиб кетади.

Шу пайт чамаси ўн яшар бола бориб тўкилиб ётган қип-қизил олмалардан бирини олдию қирс эттириб тишлади. Менинг ҳавасим келиб кетди. «Токчага олиб бориб қўй. Кечқурун қўлингни ювиб ейсан. Тамаки қолиб кетади», деб уришди отаси. У қайтиб бориб жойига ўтирди. Ўртага уюб қўйилган минглаб баргни бир-бир олиб игнага ўтказа бошлади.

Мен ухлаш учун соат ўн иккиларда меҳмонхонага кириб кетаётганимда улар ҳамон тамаки чизишаётганди. Кечқурун апил-тапил овқатланиб яна ишга шўнғишганди. Эрталаб турганимда қуёш энди чиқаётган экан. Улар аллақачон кечаги жойларини эгаллаб олишибди. Негадир токчага қарадим. Кечаги ярми тишланган олма жойида турибди. Тишланган жойи занглаган темирга ўхшарди.

Мен таажжубландим.. Нега заҳардек тамакини йиғиштириб олишга жонжаҳдлари билан киришишади-ю, асалдек олмалардан тўйиб ейишга, териб олиб қиши билан сақлашга ҳаракат қилишмайди улар. Нега?.. Ҳа, бахтларига Самарқанд бозори бор бўлсин!

Муталлиб СОДИҚОВ

ҚАТРАЛАР

БИР ПИЁЛА СУВ

РИВОЯТ ҚИЛАДИЛАРКИ, устод Иброҳим Мўмин бундан ярим аср муқаддам (1941) «Хегел диалектикасининг асл маъзи» мавзуидаги номзодлик диссертациясини ёқлар экан, Айний домла ишга расмий мутасаддилик қилган. Садриддин Айний тадқиқотчининг Абдулқодир Бедил фалсафасига муносабатига тўхталиб, деган экан: «Ёш илмий даъвогар Иброҳим Мўъмин, баъд акнун, мавлоно Мирзо Бедил фалсафаси уммонидан бир пиёла сув олиб ичибдур». Бу орада қанчадан-қанча сувлар оқиб ўтди...

Асаримнинг катта бир фасли жанобингизнинг академик Иброҳим Мўмин билан шахсий ҳамда хизмат юзасидан бўлган муносабатларимизга бағишланган. Ул зоти шариф билан менинг орамизда бўлиб ўтган паст-баланд воқеалар тасвири ҳам унинг тиниқ сийрати уммонидан бир пиёла сув, холос. Бу ерда ифтихор ҳам, армон ҳам бор. Муомала-муносабатларимизда инсоний самимият ила кескинлик, оталарча ғамхўрлик ила қаҳр-ғазаб, таъқиб ила марҳамат ҳам бисъёр. Ифтихор қилишга арзигулик муқаддас туйғулар билан бирга, мени ўша олтмишинчи йиллар адоғида оилам, учта ёш боламни тишимга тишлаб, кўч-кўронимни ортмоқлаб, шаҳарма-шаҳар дарбадар кезишга маҳкум этган талба хаёллару, дард-аламлар ҳам мажруҳ қалбимда таҳ-батаҳ...

Ўша даврларда Бухоройи шариф ва Самарқанд тоғлари сийнасидан сирқиб чиқиб, бора-бора шукуҳли пойтахт шаҳри Тошкандда салдам билан солланиб оқаётган азим дарёга айланмиш Иброҳим домла, етмиш тўртинчи йилга келиб, бир пиёла сувдай тўкилди-кетди...

ЭЗГУЛИККА СУИҚАСД

БАХТИМ ШУНДА ЭДИКИ, 1956 йилдан эътиборан, тақдир менга ўн уч йил мобайнида валломат, беназир инсон, покдомонлик тимсоли Иброҳим Мўминнинг назари остида бўлишни насиб этди. Устоднинг жонли қиёфаси, феъл-атвори, сахт-сумбати ҳали-ҳамон кўз ўнгимда гавдаланиб, токи ширин шевасигача қулоқларим остида жаранглаб туради. У маънавий бузруквор эди. Мен бу одамга ўзимнинг муносабатдошлигимдан, беш йил мобайнида Ўзбек Қомуси ишлари бўйича аввал мулозим, кўп ўтмай Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари бўлганим йўриғидан, у билан елкама-елка меҳнат қилганимдан беҳад хурсандман.

Афсус, умрининг сўнгги йиллари оғир кечди. Ҳайҳот, кажрафтор даҳри дун ундан ўзининг энг эзгу ишлари учун ўч олгандай бўлди. Эсизки, устод Қомус саҳифаларида феодал ўтмишни гўё маҳобатлаштиргани, Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сини чоп этишга қўшиш қилгани, Амир Темур Кўрагон ҳақида илк дафъа, munofiqona «дўстлик», «тенглик», «байналмилаллик» аталмиш зиндоннинг темир панжараларидан чиқиб, қисиниб-қимтиниб бўлса-да, жиндай рост гапни айтишга, «Темур тузуклари»ни босмадан чиқазишга журъат этгани учун шафқатсиз сазойи қилинди. Таъқибга дучор бўлиб, сурилиб қолганида, мен нотавон у билан ёнма-ён бўла олмадим. Чунки бу кўргиликлардан олдинроқ ўзим ҳам сурилиб кетган эдим...

ЙЎҚДАН БОР БЎЛАДИМИ?

ОЛИМЛАР БОРКИ, ЎЗ ДАВРИНИНГ ғоявий тамойилларига қулларча асир бўлиб яшайди. Булар илм-фаннинг кўпиги, маддоҳлар. Ўзига хос сиёсий «шарҳловчилар».

Маънавий турғунлик, инқироз, чириш деймиз. Дунёнинг олтидан бир қисмида жамиятни бу қадар танг аҳволга солиб қўйган ким? Албатта, бошқа сайёралардан келган сирли мавжудотлар эмас. Ўзимизнинг кўпсонли «доҳий» ва «доҳийчаларимиз», «ёғлик-ёғлик еган», «дунё маним деган» сиёсатдонлар ва уларнинг иродасини етмиш йил муттасил амалга ошириб келган жамиятшунос мафкурачилар.

Ўзбекистонда узоқ йиллар мобайнида ижтимоий-сиёсий ва ғоявий илмий мафкурани оммаининг онгига сингдириб келганларнинг йирик намояндаларидан бири академик Иброҳим Мўмин эди. Сир эмаски, унинг юзлаб йирик ва майда асарларида кўзга ярқ этиб ташланадиган калом ва таърифлар — Маркс, Энгельс, хусусан Ленин номлари билан боғлиқ.

Нима ҳам деймиз. Замон ўзи шундай эди.

Дейдиларки, Иброҳим ака «Материализм ва эмпириокритицизм» асарини олти маротаба мутолаа қилган экан. Хўш? Ундан ўзига керакли жавҳарни топа олдими? Ҳар қандай кас даҳрийликка қуллуқ қилган ҳолда, қалбида худоси, эиёси, иймон-эътиқоди бўлган жаҳон фани ва маданиятнинг чинакам буюк даҳоларини, жазава устида, «бачкана», «хурофот», «хаёлпараст», «алҳазар» деган сўзлар билан росмана ҳақорат қилган одамнинг 55 жилдлик иборат «Асарлар»идан ўзига керакли қандай малҳам топиши ҳам мумкин?

Бизнинг кўпмиллатли мамлакатимизда, ленинча миллий сиёсат натижасида халқлар ва миллий маданиятларнинг чинакам тенглиги таъминланди, деб дунёга жар солдик. Тенглик?.. Агар тенглик шу бўлса, тенгсизликни қандай тушуниш керак?

Мана, қўлимизда 1981 йилда Масковда чоп этилган «Шўро қомусий луғати». Унда Пётр I га — 907, Иван Грознийга — 639 белги ажратилган. Бизнинг соҳибқирон Амир Темуримизга (қанча деб ўйлайсиз?...) — бор-йўғи 226, Заҳириддин Муҳаммад Бобурга эса атиги 346 белги берилган. Балки тасодифдир? Ундай бўлса, давом этайлик: М. В. Ломоносов (1789 белги), Ибн Сино (532), К. А. Тимирязев (750), Абурайҳон Беруний (368); Д. И. Менделеев (1133), Улуғбек (369); Н. А. Некрасов (653), Алишер Навоий (566)... Бунга нима дейсиз? Шундай эътиборли бир нашрда Шарқ билан Ғарб маънавий қадриятларига ажратилган ўринлар таносиби ақл бовар қилмайдиган даражада ҳеч қандай муқоясага келмайди.

Бошқа, янада қабиҳ иллат. Номлари қайд этилган буюк сиймолар мисолида Ғарбу Шарқ қадриятларига берилган ҳажмлар йиғиндиси 8278 белгини ташкил қилади. Ҳолбуки, биргина Ленин таърифига 5733 белгидан иборат майдон инъом этилган. Бу рақамлар таҳлилга муҳтож эмас.

Йўқ, нарсани йўқ жойдан топиб бўлмайди. Иброҳим Мўмин шунинг учун ҳам ҳурматга лойиққи, у ўзларини «йўқсуллар доҳийси» деб билган зотларнинг бисотларидан аслида уларда йўқ нарсани ҳам топа олди. Чунончи, ўзининг ҳар бир асарида Ленининг номини беҳад улуғлади, уни боши узра қизил туғ қилиб кўтарди. Ва... фавқулодда ҳайратомуз мантиқ: рад эта олмасанг — қабул эт! Ёки: рад этиб қабул қилма, қабул қилиб рад эт!

Ленин асарларидан кундуз куни чироғ ёқиб ҳам мусулмон Шарқи фалсафасини топа олмайсиз. Унда: Шулятиков бор — Ибн Сино йўқ. Богданов бор — Ғаззолий йўқ. Ломоносов бор — Беруний йўқ. Некрасов бор — Низомий йўқ. Наполеон бор — Бобур йўқ... Нима қилиш керак? Марксча-ленинча бирёқлама, сўл оврупомарказчилик, манфур манқуртлик руҳида «тарбиялаётган» ва охир-оқибатда бизни ҳозирги аянчли аҳволга солган устивор таълимотга қандай муносабатда бўлиш лозим? Жумбоқ. Чигал тугун. Асло қабул қилиб бўлмайдиган маслакни рад этишнинг ҳам иложи йўқ. Нима деяпсиз?! Бу ҳақда ўйлашнинг ўзи том маънода ҳалокатли эди! Эси-ҳуши жойида бўлган қандай одам, жонидан тўйибдимики, ўз ихтиёри билан бошини кундага қўйса?!

ЗАМОН СЕНГА БОҚМАСА...

ИБРОҲИМ МЎМИН ЎЗИГА ЎЗИ қўл кўтармади, албатта. У оқилона тадбир, ўзига хос заковат билан нигоҳини Шарқ манбаларига қаратди. Дунёда «энг илғор таълимотнинг» асл маъзини эмас, балки... қобиғини олди.

Давр талаби шундай эдики, «буюк оғанинг» илм-фалсафаси ҳақида истаганча сафсата сотиш мумкин. Марҳамат. Бунинг учун, маблағ, қоғоз, мукофотларни аяшмас, фақат «Баракалла!» дейишарди. Аммо муаззам Шарқ фалсафасидан баҳс очсанг, уни моддиюнчилик руҳида талқин қилмасанг, дарҳол «миллатчи» ва «бидъатчи» бўлиб қолардинг. Бундай «шаккокликнинг» оқибати нима билан тугаши маълум...

Ҳурматли муштарий! Агар академик Иброҳим домланинг ўрис тилида нашр этилган «В. И. Ленининг фалсафий меросини чуқур ўрганайлик» (1973) деган йирик тадқиқотини варақласангиз, ҳайрон бўлманг. Китобнинг биринчи бетида Лекининг супрадай сурати ёпиштирилган. Кейинги саҳифаларда: Гераклит, Демокрит, Арасту, Эпикур, ИБН СИНО, АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ, УЛУҒБЕК, АЛИШЕР НАВОИЙ, ана ундан кейин... М. В. Ломоносов, А. И. Гертсен, В. Г. Белинский, Н. Г. Чернишевский, Н. А. Добролюбов ва Ҳегелнинг сиймолари тасвири келади. Булар орасидан ўзингизга керакли фалсафани топиб олаверасиз. Чунончи, Абулқосим Фирдавсий, Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад ал-Хоразмий, Ар-Розий, Ал-Киндий, Юсуф Хос Ҳожиб, Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид, Али Қушчилар ҳақида хийла ноёб маълумотлар билан таниншасиз. Жаҳон риёзиёти, ҳикмати, тиббиёти, набототи, кимёси, маъданшунослиги, фалсафаси, илми мантиқ, илми нужум соҳаларида ўзларининг беназир кашфиёлари ва тадқиқотлари, зижлари ва шарҳлари билан шуҳрат топган ўнлаб қомусий алломалар ҳақида маълумот берилади. Бироқ таъкидлаш керакки, муаллиф илмий ва маданий алоқалар тарихи ҳақида баҳс юритганда, Шарқ фалсафасининг шукуҳию улуғворлигини даъво қилар экан, буни Ғарб манбаларига асло зид қўймайди.

Иброҳим Мўмин барчага маълум шарқона ҳикматга амал қилди: замон сенга боқмаса, сен замонга боқ. Ва ўзидан қўшди: аммо замонга шундай боққинки, замон ҳам сенга боқсин.

СУҚРОТ

(Воқеий ҳангома)

ЎЗБЕКИСТОНДА ФАЛСАФИЙ фикр тараққиётида Иброҳим Мўмин мактаби қарор топгани маълум. Бу мактабнинг асосий тамойиллари: аҳлоқий поклик, мантиқий изчиллик, миллий теранлик ва даврий кўламдорлик. Домланинг шогирдларидан Музаффар Хайрулла, Саид Шермуҳаммад, Ҳайдар Пўлат, Омонулла Файзулла, Анвар Шариф ва бошқа таниқли олимларнинг хизматларини, уларнинг улкан амалий ишларини жумҳурият илмий жамоатчилиги яхши билади. Айни вақтда, ўз устозлари қолдирган теран, бой, гоҳо зиддиятли ва баҳсли маънавий меросниг туб маъно-моҳиятидан кўра, унинг қизил зирҳию, зоҳирий шаклинигина ўзлаштирганлар ҳам учрайди.

Бир куни уч-тўрт файласуф дўстлар билан гурунглашиб қолдик. Уша кезларда бир munaqqid олимнинг «Туркистон» газетасида босилиб чиққан «Суқротнинг қотиллари» мақоласи устида гап кетди. Ҳар ким ҳар хил фикр айтди.

— Адабий танқидчи бўлсанг, философияга бурнингни тиқиб нима қиласан! — дегувчилар ҳам бўлди.

— Рост-да, — унга қўшилди яна бир таниқли файласуф, академиянинг мухбир аъзоси, давлат мукофоти совриндори. — Айтгандай... Суқрот дегани ўзи ким?

Ҳангу манг бўлиб қолдим.

— Ким бўларди, ўзингизнинг бобонгиз-да, — жавоб қилдим мен.

— Қанақасига менинг «бобом» бўлсин, — араз оҳангида ғўлдиради димоғдор арбоб. — Менинг бобомни етти дада танийди: Фалончи хўжа!..

— Йўқ, тақсир, сизнинг бобонгиз — айнан Суқроти ҳаким, — дедим мен, кулиб юборишдан аранг ўзимни тийиб. — Худди менинг бобом ҳазрат Навоий бўлганлари сингари.

— Кўриниб турибди; кимлигингиз бобонгиздан маълум.

Баттар ҳайрон бўлдим. Нима бу? Таҳсинми ёки пичинг?.. Даврада ўтирганлардан бири менга кўз ойнаги остидан маъноли қараб, кўзини қисди. Билдимки, у сал «анақароқ»...

Мухбир аъзо ўзини фош этишда давом этди. Чамамда, Суқрот бобоси эмаслигини исботлаш учун ўзининг етти пуштини номма-ном санашга миясини пешлаётган эди.

Шу топда кимдир биров ишни бузди: Суқрот — бу... «Сократ» эканини эслатиб қолди.

— Э, шундайми ҳали! Ўзимизнинг Сократ денг!.. — худди Америкони кашф этгандай хитоб қилди у.

Мен яна Алишер Навоийга ҳавола қилиб, «Хамса»да Афлотун, Арасту, Файлақус, Лукмон, Буқрот, Хурмус, Фарфинюс, Суқрот сингари қадимги юнон ҳакимлари, кўплаб Ғарб-Шарқ асотирларининг қаҳрамонларига нисбат берилган фалсафа ва ҳикматлар тилга олинишини эслатувдим, ҳалиги дўстимиз негадир анграйиб қолди. Лекин ўзича сир бой бермаган бўлди. Эмишки, Навоий унинг учун «философ» сифатида «авторитет» эмас, гўё шунчаки бир «адабиётчи!» Хоҳ кул, хоҳ ўл. Унинг айтишича, ҳозир Навоий замони эмас, Ленин замони эмиш... Ана холос! Чиндан ҳам, эй ёронлар, айтинг-чи, қайси замонда яшаяпмиз, а?

Бир қариш чўкиб кетдим. «Лайли ва Мажнун»да Қайснинг, ёнидаги кучукка ишора қилиб айтган сўзлари ёдимга тушди шу топда: «Бул ит эрмас, итлиқ — менда!» (Кейин билсам, шу тўпори фан арбоби ҳам домланинг шогирдларидан бўлиб, Ленин фалсафасидан докторлик иши ёқлаган экан).

Биз ўзимизнинг ҳозирги ночор маънавий аҳволимиз учун нуқул собиқ марказ, қизил салтанат-табоқдан ўн тўрт жилдининг барча матбаа-нашриёт, сарф-харажатларию, катта маошлар билан таъминланган фармони олийшон, мана, қўлимда турибди. «Ҳей бадбин афандилар, кўраяпсизми, мана Ўрта Осиёда биринчи қомус!» деб телбаларча қичқиргим келарди. Мен учун кафтдаги қуёш эди бу. Шу бир парча қоғозда ўша машъум турғунлик йилларида ўзбек тилида қомусий нашрни орзу қилган, унинг тамал тошини қўйган одамохун, атоқли давлат арбоби, ёзувчи Шароф Рашид, ўзбек зиёлилари, фанимиз ва маънавиятимизнинг тоғдай таянчи, пири комил Муҳаммад ўғли Ҳабиб Абдулло, Обид Содиқ, Иброҳим Мўмин, Ҳоди Зариф, Нурулло Мурод, Аҳмаджон Ёқуб (худо раҳмат қилсин уларни) ва бошқа фозилларимизнинг сиймоси ёришиб тургандай. Юрагим ҳаприқарди. Камина, Мираҳмад Абдулло икковимиз бу хушхабарни етказиш учун собиқ пойтахтдаги «Масков» меҳмонхонасига елдай учиб борардик...

ОРЗУЙИМ? ОДАМЛАРНИ БАХТИЁР ОНЛАРДА УЧРАТИШ

ИБРОҲИМ ДОМЛА НИҲОЯТДА авзойи бузуқ, лоқайд, хомуш бир кайфиятда пинакка кетган эди. Бизга бутунлай маъносиз қийиқ кўз билан зарда аралаш қараб, пичинг қилди:

— Ҳим... Нима қилиб юрибсиз?

— Шундай.

— Юраверасиз...

Шу пайт олий давлат маҳкамасидан олган ҳужжатларимизни у кишининг олдига, стол устига обориб қўйдим.

— Бу нима?

— Қайдам... — дедим қитмирона.

У саҳифалар бетидаги «СССР Вазирлар Кенгаши» сўзларига диққат қилиб қолдию, айнакни илиб, бошқатдан лаблари ўсмоқчилаб пичирлай бошлади: «СССР», «Касабачилар Уюшмаси», «Меҳнат ва маош давлат қўмитаси», «Фалон нуфуз, маош, қоғоз, сарф-харажатларни»... «тасдиқ-лайди!» Асъасаю замзама билан чекилган кунгурадор имзолару, думалоқ муҳрлар.

Домла бир пасда бошқа одамга айланди-қолди.

— Ғайбуллавой! А бу зўр-ку!!

— Нимайди?

— Э қўйинг-э... Содда-муғамбир. Қани турінглар, кетдик...

Шу пайт у, ҳеч бир кутилмаганда, Мираҳмад билан мени ресторанга таклиф қилди. «Эриш» учун. «Қуюқ зиёфат» шундан иборат бўлдики, бир ликопчада хом пиёз, яна бирида шўр балиқ, қора нон, жиндай туз, ҳаҳ нимайди, бир шиша ароқ! Шишадаги «майни» қиррали истаконларга уч бўлиб қуйди-да, «олинглар!» деб амр қилди. Ҳеч қандай «нутқ ирод» этмай, заҳри қотилни даст кўтариб юбордик (фирқа котиби Мираҳмад ичмади).

ВАҚТ МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

МЕН, ФИРҚАГА АЪЗО БЎЛИШДАН сурункасига бош тортиб келган бир кимса, Марказқўмнинг маҳрига тушган (СЕКА номенклатурасидаги) нуфузли вазифани бошқариб турар эдим. Ўша вақтларда (1969) менинг ғайрипартиявийлигим жуда кўп маҳфий чайқовчиликларга сабаб бўлди. Ўзимни ҳимоя қилишдан ожиз эдим. Зотан, кимдан ёки нимадан ҳимояланишим керак? Эътиқодимданми?

Бовужуд, Бош муҳаррирни ҳар хил таънаю маломатлардан, қисман менинг «ёт маслагим» туфайли юзага келтирилаётган ўнғайсизликдан халос қилишим лозим, деган қатъий қарорга келдим. Қандай қилиб? Олдимда иккита йўл бор эди. Бири — жуда жўн: фирқанинг қизил чиптасини чўнтакка уриб, ўз мавқеимни сақлаб қолиш, наинки сақлаш, «ёғлик» лавозимлар пиллапоясидан янада юқорига кўтарилиб бориш... Иккинчиси — салкам ҳалокатли: партиясизлик мақомини сақлаб қолган ҳолда, ўз ҳаётимни бағишлаган севимли олий нашриёт ишидан... четлашиш. Ўзлатга чекиниш. Сазойи бўлиш. Ўзимни ўзим қувиб солиш. Балки юзтубан кетиш... Ақл нимани тақозо этади?

Иккинчи йўлни танладим. Турғунлик даврининг мантиқига кўра, оқимга қарши сузиб, терс йўлни ихтиёр қилдим. Мутлақо ноимконий бир нарса: Вақтни ўз изимга солмоқчи бўлдим. Вақт мендан аёвсиз ўч олди.

Бу вақтда камина иш излаб, Самарқанднинг паст-баланд кўчаларида тентираб юрар эдим...

СУНГГИ УЧРАШУВ. ЙЎҚ, СУНГГИ ЭМАС

ДАРЁ ЎЗ ЎЗАНИДА ортга қараб оқмайди. Минг тўққиз юз олтмиш тўққизнинг куз фасли. Асаблар таранг. Ишдан кетиш ҳақида Бош муҳаррир номига устма-уст икки маротаба ариза ташладим. Натижа йўқ, йўқ. Ниҳоят, учинчи топқир домланинг номига жуда қаттиқ мазмунда, афсус ва надоматлар бўлсинки, ҳақоратомуз телеграмма-ариза йўллаб, ўз вазифамдан соқит бўлганимни билдирдим.

Иброҳим Мўмин, шундай мунис ва мушфиқ инсон, катта ақл соҳиби, «доҳиёна» бир гапни тез-тез такрорлар эди: бизда алмаштириб бўлмайдиган одамлар йўқ.

А? Шундаймикан? Турғунлик даври келтириб чиқазган чиркин «фалсафа» бу. Одамлар шоҳмот тахтаси устидаги тошлар эмаски, ўйин чоғида айирбош қилинса. Йўқ, алмаштириб бўлмайдиган одамлар бор. Буни Иброҳим домла ҳам яхши билардилар-ку! Мавлононинг ўзларига тадбиқан айтганда ҳам гап шу. Ўз тафаккур қўлами, маънавий дунёсида ул зотни бошқа бирон шахс билан «алмаштириб» бўлдими?..

Эртасига барвақт, соат тўққизларда у мени ҳузурига чорлади. Хонага нечукдир иддао қилиб кирдим. (Истиғно — нечун?!) Тажангман. Ҳар бир ғиштини ўз қўлим билан қурган қадрдон Қомус диёри билан хайрлашиш учун. Алвидо! Жаноби устод билан бу сўнгги дийдор кўришиш эканн тушимга ҳам кирган эмас ўшанда. Эвоҳ, этагини кўзимга суртмайманми! Дарвоқе, мен бу алп инсонни яна уч-тўрт маротаба кўраман. Бири... Водариғ! Тобут узра. Бу беш йилдан кейин содир бўлади. Етмиш тўртинчи йил ёзида. Яна ва яна дуч келаман унга... Тушимда! Бир неча бор ҳар хил вазиятда, маҳзун, афтодаҳол, ҳазрат билан «учрашиб», дил армонларимни тўкиб соламан. У — хомуш. Сукут сақлайди. Баъзан — йиғлайман. Хўрсиниб-хўрсиниб.

Бу ҳол ҳануз давом этади...

ТОШКЕНТ — САМАРҚАНД — ТОШКЕНТ
1969 — 1992

ҒАЙБУЛЛА АРЁИ АЗИМ

Ғайбулла ас-САЛОМ

СУРАТДА: ўрта қаторда (чапдан ўнгга): Ойтўрахон Мўминова (Мусо Мўминовнинг рафиқаси), Мусо Мўминов, Араб. Мўминов (акалари), Қамбара Мўминова (синглиси), оналари Маърифат Мўминова, Абдумалик Мўминов (катта акаси), Иброҳим Мўминов, Талъат Мўминова (Иброҳим домланинг рафиқаси).

Юқори ва пастки қаторларда: Маннон Маликов, Расул Маликов, Моҳира Мўминова, Вафо Мўминов, Пўлат Мўминов; Акрамжон, Аҳтамжон, Мухторжон Мўминовлар ва бошқалар...

(Иброҳим Мўминов оиласи маънавий бисотидан. Сурат матбуотда илк марта эълон қилинмоқда.)

БИР ҒАЗАЛ МУАЛЛИФИ ҲАҚИДА

Атоқли ўзбек совет шоири, академик Ғафур Ғулом илмий иш билан ҳам кўп шуғулланди. Унинг адабиётимиз классиклари ҳақидаги тадқиқотлари адабиётшунослигимизга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди.

Шоир ижодининг муайян қисми Фарғона водийси, айниқса, унинг йирик маданий маркази—Қўқон билан боғлиқдир. Адибнинг «Хоқи саройи» шеъри, «Бўйдоқ» ҳикояси ва бошқа асарлари шу ерда яратилган.

Ғафур Ғулом Қўқонга кўп келган, бу ердаги адабиёт санъат аҳллари билан учрашиб, адабий, илмий суҳбатлар қурган, турли маданий тадбирларда, адабий анжуманларда фаол иштирок этган. У адабиётимизнинг машҳур намояндаси, халқчил шоир Муҳаммад Аминхўжа Мирзахўжа ўғли Муқимий ҳаёти ва ижоди тўғрисида ҳам таҳсинга лойиқ ишлар қилган. Масалан, олим Муқимий вафотининг 35 йиллиги муносабати билан 1938 йили Тошкентда «Муқимий баёзи»ни нашр эттирган. Мазкур тўпламдан шоирнинг 800 мисрадан иборат ижодий мероси ўрин олган. Унга тўпловчи — Ғафур Ғулом мухтасар сўзбоши ёзган, ҳар бир шеър остида тушунилиши қийин сўзлар луғати берилган.

Муқимий таваллудининг 140 йиллигига тайёргарлик кўриш жараёнида биз ана шу нашрга яна мурожаат қилдик. Тўпламдаги «Чойфуруш» сарлавҳали ғазал диққатимизни тортди. Унинг мақтаъида «Муқимий» тахаллуси йўқ. Ғазал мақтаъи нашрда қуйидаги кўринишда берилган:

Нисбат қилурға арзимагай ҳажв ҳам ўшал
Кетсин қўй эмди садқан ашъор чойфуруш.

Юқоридаги байтда тиниш белгиси — вергул қўйилмаганлиги учуғ мазмун мавҳумлашган. Бизнинг фикримизча, «Нисбат», «ўшал», «Кетсин», «эмди» сўзларидан кейин вергул қўйилиши керак. Ана шунда фикр ойдинлашади. Бу ерда «Нисбат» шоирнинг тахаллусидир. Ғазал муаллифи ўзига хитоб қилиб: «Нисбат, ўшал чойфуруш ҳажв қилурға ҳам арзимагай, қўй эмди, садқан ашъор кетсин», демоқчи. Шундан маълум бўладики, ғазал муаллифи мавлоно Нисбатдир.

ТАДҚИҚОТ * АХБОРОТ

«Нисбат», «Нисбатий» тахаллуси билан ижод этган мазкур шоир Муқимийнинг замондоши бўлиб, унинг таржимаи ҳолига оид маълумотлар жуда оз. Нисбати Хўқандий номи Фурқат, Муҳсиний асарларида ҳурмат билан тилга олинган. Адабий манбалардан маълум бўлишича, у ўз даврининг лирик ва ҳажвгўй шоири, моҳир хаттоти, олими бўлган. Инқилобгача тузилган қўлёзма ва тошбосма баёзларга шоир шеърларидан намуналар киритилган.

Фурқатнинг марғилонлик дўсти мулло Тошболту оҳундга ёзган манзумасидаги:

«Муқимий, Нисбатий ўлди», демишсан, ўлса ўлмишдур,
Малул ўлма, жаҳон холи қолурму ҳеч расолардин»,

байтидан маълум бўлишича, Нисбатий Муқимий сингари расотабъ шоирлардан бўлган.

«Муқимий баёзи»га киритилган «Чойфуруш» ғазали (мазкур тўплам, 25-бет) нашрларнинг эътиборсизлиги туфайли шоир асарларининг барча нашрларидан ўрин олиб келмоқда. Муқимийга нотўғри нисбат берилган бу ғазал ва шоирга алоқаси бўлмаган бошқа шеърлар Муқимий асарларининг навбатдаги нашрига киритилмаслиги керак.

Аҳмад МАДАМИНОВ,
филология фанлари номзоди
Абдуллатиф ТУРДИАЛИЕВ

ФИТРАТ

МИРРИХ ЮЛДУЗИГА

Гўзал юлдуз, еримизнинг энг қадрли тувғони!
Нега биздан қочиб мунча узоқларга тушибсен?

Тувғонингга нечун сира гапирмасдан турибсен?
Сўйла, юлдуз, ҳолинг надир? Нечук тондинг дунёни?
Бизнинг ерда бўлиб турган тубанликлар, хўрликлар
Сўйла, юлдуз, сенинг доҳий қучоғингда бўлурми?

Борми сенда бизим каби инсонлар,
Икки юзли ишбузарлар, шайтонлар.
Ўртоқ қонини қонмай ичган зулуклар,
Қардош этни тўймай еган қоплонлар?

Борми сенда ўксуз, йўқсилнинг қонин —
Гурунглашиб — чоғир каби ичганлар?
Борми сенда бутун дунё тузугин
Ўз қопчиғин тўлдирганн бузганлар?

Борми сенда бир ўлкани ёндириб,
Ўз қозонин қайнатгувчи хоқонлар?
Борми сенда қорин, қурсоқ йўлида
Элин, юртин, борин-йўғин сотганлар?

ЧЎЛПОН

БИЗНИНГ ВАТАН

Ер юзинда ўзга бир олам эрур бизнинг Ватан,
Бошқа ҳар бир ўлкадан кенг, ҳар диёрдан каттакон.
Ҳар томондан юксалиш сорига ташлаб зўр қадам,
Дашту саҳроси анинг гул-гул очилмишдир чаман!

Дарёси аввалгидек, ердан олиб қочмас ўзин.
Чунки пойига унинг маҳкам урилмишдир кишан.
Мунда меҳнат — ҳурлик олган, барча меҳнат
аҳли — ҳур!

Кимки меҳнат қилса — қувноқ, кимки меҳнат
қилса тан!

Фан билан меҳнат икковлон қўл беришкан, иттифоқ,
Эркин-эркин яйрашиб ижод этар меҳнат ва фан!

Янги жамият қуриб дунёга ўрнак бўлгани
Барча меҳнат аҳли бирга, ҳамма жон бир бадан!
Бу Ватанни жон билан сақлашга, Чўлпон, ҳозир ўл,
Кимки қасд этса анга кийсин пушаймондин кафан!

ВИЖДОН ЭРКИ

Ай тутқинлар, ай эзилган,
Ай қийналган йўқсил
эллар,
Ай умидсиз,
ай чизилган,
Дор олдига...
Оппоқ диллар!
Ай бевалар,
бечоралар,
Ай боғланган
кишанларга,
Ай эрк учун
оворалар,
Кўп ялинманг сиз
уларга!
Бўрилардан омон
кутмак —
Тентакларнинг
ишидир ул.

Ҳар монеъни ҳатлаб
ўтмак —
Турмушда энг тўғри
бир йўл!
Зулм олдида ҳар
бир нарса,
Эҳтимолки бўйин эгар.
Агар зулм авжга
келса,
Кўк бошида ерга
тегар.
Ҳайвонларга,
инсонларга,
Золим эга бўлмай
қолмас.
Фақат Эркин
виждонларга
Эга бўлмоқ —
мумкин эмас!

Усмон НОСИР

●

Дўстларим, хабар олинг. Кўнглим куяди:
Бир тараф — ёшлигимнинг шўхлиги мағрур,
Бир тараф — тажрибамнинг дарслари турур,
Икки ёқ сўғишади. Уруш қилади.

Кўнглим ёнади. Қийин. Қоним қўзғалур...
Ўзим ўзимга тинчлик берай деб агар:
«Бу кураш, оғир кураш, биттаси енгар...»
Десам, қўйсам... Охирда менга не қолур?

ОЙБЕК

СОЗИМ

Уйғонгач умрнинг илк баҳори,
Соз бўлди кўнглим самимий ёри.
Ҳамшира каби яқин ва дилбар,
Соз билмади ҳеч маҳал аразни,

Тонг юлдузидек умидга ундар.
Нурлатди юракни жонли базми.
Ул қўрқмади дуч келса тиканзор,
Офатли бўрон, қутурса сел — қор...
Гар эгса қаддимни чўнг машаққат,
Бир онда учирди — мисли ул пат.
Қишларни баҳор айлаган ул,
Ундирди боғимда хилма-хил гул.
Гулларнинг туси бағри қонимдан,
Маст нози севгининг тонгидан,
Мен у билан айладим тараннум,
Ҳар сўзда қўёш қилур табассум.
Дилларда чаман очар бу сўзлар,
Соф ҳис билан яшнамасми кўзлар?
Нур, ҳаққа чақирди халқни созим,
Халқимникидир сўзим — овозим!

Абдулла ОРИПОВ

ИЗҲОР

Қанча диёрларда сайр этиб юрдим,
Қанча манзилларда тузднм ошиён.
Ва буюк ҳикматга, ахир, юз бурдим,
Сийланган жойида азиздир инсон.

Юртим, сенда экан насибам тугал,
Сен ўзинг масканим, сен ўзинг шоним.
Сен онам, сен сиглим, ёримсан азал,
Эй жоним, жаҳоним Ўзбекистоним.

Иста, қисматимга ўзинг бер барҳам,
Иста, яхши кунда номим қилгил ёд.
Менсиз ҳам мукаммал экан бу олам,
Менсиз ҳам бахтга ёр экан одамзод.

Юртим, фақат сенинг қўлингдан тутиб,
Болангдай эргашиб кета олсам, бас.
Сен пирн комилсан, мен сенга муҳиб,
Сени танимаган мени ҳам билмас.

МЕН НЕЧУН СЕВАМАН ЎЗБЕКИСТОННИ

Мен нечун севаман Ўзбекистонни
Тупроғин кўзимга айлаб тўтиё.
Нечун Ватан дея еру осмонни,
Муқаддас атайман, атайман танҳо.
Аслида, дунёда танҳо нима бор,
Пахта ўсмайдими ўзга элда ё?
Ёки қуёшими севгимга сабаб?
Ахир қуёшли-ку бутун Осиё.
Мен нечун севаман Ўзбекистонни?
Боғларин жаннат деб кўз-кўз этаман.
Нечун ардоқларкан тупроғини мен
Ўпаман: «Тупроғинг бебаҳо Ватан».
Аслида тупроқни однл табиат
Тақсим айлаган-ку ер юзига тенг.
Нечун бу тупроқ деб йиғлади Фурқат
О, Қашқар тупроғи, қашшоқмиднинг сен?!
Хўш, нечун севаман Ўзбекистонни,
Сабабини айтгин десалар менга,
Шоирона, гўзал сўзлардан олдин
Мен таъзим қиламан она халқимга.
Ҳалқим, тарих ҳукми сени агарда
Мангу музликларга элтган бўлсайди,
Қорликларни макон этган бўлсайдинг
Меҳрим бермасмидим ўша музларга?
Ватанлар, Ватанлар,
Майли, гулласин,
Боғ унсин мангулик музда ҳам, аммо
Юртим сени фақат бойликларинг-чун
Севган фарзанд бўлса, кечирма асло!

Маҳшар ҳаётнинг ҳам чегараси бор,
Зулм занжиридан сўкилар тугун.
Информбюромиз башорат берар:
Муқаддас арафа кунлари букун,
Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак.
Боғимиз ҳуснида ҳазон офати,
Кўклам ели билан чечак отгуси.*
Бу хўрлик, ҳақорат, алам кулфати,
Жаҳаннам қаърига бориб ботгувси,
Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак.
Бугун савлатила алвон ёзилур,
Катта онлага лойиқ дастурхон.
Қадрдон дўстларга нома ёзилур,
Чунончи, бўлинг, деб, бизларга меҳмон,
Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак...
Рақслар бошланур, гўлўйин, гопак,
Ҳунарин кўрсатар қиз, жувон, хоним,

* Фузулийдан.

Ғафур ҒУЛОМ

БИЗНИНГ КЎЧАДА ҲАМ БАЙРАМ БЎЛАЖАК

Ширакайф қарсаклар, гулдурос чапак,
Улуғ айём кунидир, қолмас армоним,
Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак...
Ивирсиб базмга кечикиб қолсам,
Ғолиблар авф этсин — бир оз узрим бор:
Бисотда йўқ эмас, қийиқ, беқасам,
Бирор кун дам олсин азиз жомакор,
Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак.
Ғафлат ҳаммомида кирим қолади,
Енгил тортажакман мисоли пардек;
Кўринган дўстларим белим олади,
Ғолиблар белида олтин камардек,
Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак.
Жаранглаб червонлар ҳамёндан чиқар,
Қизларимга атаб хина оламан.
О, ранглар...
Ой туғиб, офтоб болқар,
Ҳақиқий ҳафтранг, ҳақиқий чаман,
Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак.
Қариндош, қондошлар халқасин қоқиб,
Эринмай айтарман: «Айём, муборак!»
Авф этсин оламнинг посбони эрлар,
Авф этсин ғолиблар, кечиксам андак,
Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак.
Қиёмат кунининг ҳам сўнгги бор ахир,
Бўлмагай бу зулмат билониҳоя.
Ватаним тонг тўйи ғоятда яқин.
Енгажак мутлақо инсоний ғоя,
Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак.

Эркин ВОҲИДОВ

ВАТАНДИН ЯХШИ ЁР БЎЛМАС

МУХАММАС

Жаҳонда мен туғилган
Ўлкадек ҳеч бир диёр бўлмас,
Бу янглиғ боғу гулшан
Ҳам бу янглиғ гулзор бўлмас,
Ватан севмакдин ортиқ
Менга оламда шиор бўлмас,
Ватан ишқида ёнган қалб
Билингки, асти хор бўлмас,
Ватан севган муродига
Етур, ҳеч дилда зор бўлмас.

Саодатга макондир
Қай чаманга сен қадам қўйсанг,
Ўзингни бахтли бил юртда
Яшашнинг завқини туйсанг,
Чин одамсан, чин ўғлонсан
Юракдан элни чин суйсанг,
Ватан севмоқ саодатдир,
Агар наслингга сен куйсанг,
Ватанни севмаган инсон
Жаҳонда бахтиёр бўлмас.

Тўйиб боққил бу юрт ҳуснигаким,
Кўнглингни чоғ этгин,
Бу элнинг ўғлиман, деб
Қил ғурур, кўксингни тоғ этгин.
Ватан ҳар зарра тупроғин
Кўзингга сен қароғ этгин,
Боболар маскан этган
Бу азиз тупроқни боғ этгин,
Ярашгай ифтихор этсангки,
Ортиқ ифтихор бўлмас.

Зулоли тааъмини топмам
Сира болу шакарларда,
Ватан ёди эрур қалбимда
Бўлсам мен сафарларда,
Жамолига тўёлмасман
Кезиб қишлоқ, шаҳарларда,
Қизил гул баргида булбул
Каби сайраб саҳарларда,
Яна шоир қилур такрор,
Ватандин яхши ёр бўлмас.

ЗУЛФИЯ

КЎНГИЛ ТОҒ ЎЛДИ, ТОҒ ЎЛДИ

(Увайсийнинг ўз таваллудининг 200 йиллигида айтган сўзлари)

Аё дўстлар, бу не даврон, кўнгил тоғ ўлди, тоғ ўлди,
Асрлик зулм уйи вайрон, кўнгил тоғ ўлди, тоғ ўлди.
Улус обод ҳама шодон, кўнгил тоғ ўлди, тоғ ўлди,
Ки ҳайрат ҳам ўзи ҳайрон, кўнгил тоғ ўлди, тоғ ўлди.

Бу янглиғ бахт-саодатдан кўнгил тоғ ўлди, тоғ ўлди.
Билурмен, ҳасрату ғам таҳ-батаҳ бизнинг ғазалларда,
Нечунким, эл учун зиндон эди дунё азалларда,
Ҳақиқат ҳам, адолат ҳам очардн юз масалларда,

Жафо тахт йўқ, қаро бахт йўқ ҳамма офтоб назарларда,
Бу тенглик, бу камолатдан кўнгул тоғ ўлди, тоғ ўлди.
Синибдур гумбази зулмат, ҳуррият, барқарор охир,
Тасанно, биз аёл аҳлига шаън-иқбол шиор охир,

Саодат шеваси солмиш кўнгилга шавқ-шараф охир,
Яловдир, шеър, кел эй, хушнуд дилингни эт нисор охир,
Бу эҳсондан, бу давлатдан кўнгил тоғ ўлди, тоғ ўлди.
Икки юз йил суронидан омон чиққан саботдурман

Ватан бир бахт, менам бир бахт, нкки нурли
қанотдирман,
Ажаб толе замон ичра тағин бул кун ҳаётдирман,
Каломим бирла номим парпироқ мангу баётдирман,
Бу эъзозу бу ҳикматдан кўнгил тоғ ўлди, тоғ ўлди.

Дилимни намъ қилиб эрдим, бу даврон, минг чароғ ўлди,
Ўғил-қиздан жудо эрдим, менга авлод қароғ ўлди,
Ки рўзғорим хароб эрди, элим бошга паноҳ ўлди,
Не сўз айтдим, қаро ўтмишни фош этган яроғ ўлди,

Замон берган бу қудратдан кўнгил тоғ ўлди, тоғ ўлди.
Бир ёнда Нодирабегим, бу ён Маҳзуна лутф этса.
Назмгўйлик тузар бўлсак, кўнгил торин қувонч чертса,
Умидни шеър этиб сочсак, туман дилга бориб етса,

Неча Гулчеҳралар озод, куйингга жўр бўлиб кетса,
Бу хил мумтоз шуҳратдин кўнгил тоғ ўлди, тоғ ўлди.
Увайсий, боқ бугун юртда назм — толе, зако қонун,
Муҳаббатга адо қонун, садоқатга вафо қонун,

Ки булбул чах-чахи янглиғ қушиқларга садо қонун,
Ташаккур, қадру ардоғга, сенга умри бақо қонун,
Ажаб камёб бу қисматдин кўнгил тоғ ўлди, тоғ ўлди.

Мақсуд ШАЙХЗОДА

ТЎЙЧИ ЭЛГА!

Ер юзида шуҳрат топган ўлкадир ўлкам,
Ўзбекистон дейилдими, қитъалар қойил.
Нега доим бу диёрнинг дилида кўклам?
Чунки эрклик қушиқлари шодликка мойил...

Кўп ширидир тили, инжудек гаплар,
Балки қўёш хандасидан ясалган лаблар.
Қадим тупроқ башар тонгин гувоҳи бўлган,
Чол асрлар йил санашда ундан машқ олган.

Шунча қадим китоблари, шаҳарлари бор:
Инсон олов ёқиб олган кундан хабардор,
Аммо янги даврларнинг саноғи янги,
Кўп зинани босиб қалқди, баландга чиқди,

Ўзбекларнинг қутлуғ эли шундай Ватанки,
Уфқларида истиқболнинг машъалин ёқди.
Энди ўлкам чаманининг гули зийнати
Замонамиз ғазалининг байти — ҳуснидир,

Корхоналар нафасида тезлик суръати
Республика достонининг чопқир вазнидир.
Ҳа, баралла ҳайқирамиз: билсин коинот!
Йигирманчи юз йилликнинг нақ ўртасида,
Ер юзида Ўзбекистон яшнамоқда шод!

Омон МАТЖОН

ЖАВОБ

Ёмонликка ўргатмайман болаларимни,
Мижозимга юртпарастлик, тарафкашлик ёт.
«Биз ўзбеклар ундай халқ, мундай халқмиз!» деб
Сўзларимга уламайман кибрдан қанот.

Юртимизни мафтун кезиб юрсак ҳар доим
Болаларим менн тинмай кўмар саволга.
Наманганда, дейлик, учрар Искандар қўрғон
Дарҳол таъриф берилиши шарт фотиҳи золга.

Бухорода яхши маълум Арабон қалъа,
Хоразмда — Чингизтепа, булар жуда кўп.
Тарихдаги қони қотган яралар булар,
Булар юртга ҳуснбузар, кўзга тушган чўп.

Болаларга эрмак энди бу харобалар,
Уюм хокдир бир пайтдаги дабдабалари.
Тепаларни тепкилашиб ўйнар болалар
Ҳайвонларга қўнган митти қушлар сингари.

Минг бола ҳам бир бола-да! «Нега?», «Ким?» «Қандай?»
Кабн бир хил саволларга асирдир улар:
Билиши шарт — дўст деб кимга айтилишини
Билиши шарт — босқинчи деб кимга айтилар.

Сир эмасдир, тупроғимда истилолардан
Неча минг бор қайтарилган қиёмат, маҳшар,
Қақнус қушдек, парларидан оҳанг таралиб,
Ўз кулидан тиклангандир халқим ҳар сафар.

Мен шуларни боқинчи ё келгинди, десам,
Ўйлайманки, миллатчи деб сўкмас бировлар.
Ёмонликка ўргатмайман болаларимни
Ҳар бир юртни тинч қўйсинлар фотиҳлар, ёвлар.

ХУШНУД КУНЛАР — С. МАҲКАМОВ суратга олган

Эътибор ОХУНОВА

●

Азиз юртим, аёзларинг бўлсин ёз,
Дардларингни ювсин абри найсонлар.
Олиб кетсин дарёларга оқизиб,
Тиконлар ўрнида унсин майсалар.
Онажоним, руҳинг бўлсин баландда,
Паноҳ бўлсин бизнинг тоза муҳаббат.
Ўзбекистон аталган салтанатда
Юрт сўрасин, меҳр ила мурувват.
Ростлик ҳукмдоринг бўлсин юрт аро,
Азиз бўлсин инсон борки қаро кўз.
Азиз бўлсин ғазал, аҳли шуаро,
Азиз бўлсин ваъда, элга берган сўз.
Она, сенга тилайдирман мумтозлик,
Ўзим, майли, гадо бўлай илкингда.
Сенга насиб айласин сарфарозлик,
Гадолар шод бўлсин сенинг мулкингда.

Рауф ПАРФИ

ОНА ТУРКИСТОН

Абдулла ҚОДИРИЙ хотирасига

1. Хотирамнинг қаър-қаърида тарих
Доим сўзлаб турар эзгин ҳикоя.
Тутқин қуш сингари қолурман ғариб
Руҳимга булутлар ташлайдир соя.
Бот-бот хаёлимдан чекинди мубҳам,
Фикримдан юлқинди Ватан қораси.
Олисда милтираб сўнаётган шаъм
Кўҳна ҳасратимнинг машъум яраси.
Кишанбанд қилинар қўлларим гўё,
Тупроққа қўшила бошлайди таним.
Шу қадар юраги тормидир — дунё.
Наҳот фарзандига — ўзига ғаним,
Ўзи юрагига жо бўлди, аммо
Нечун сиғдирмади, нечун Ватаним?
2. Кўрингиз, тарихни, эй туркий халқим,
Кўзимда эртанинг севинчи холос.
Ул Турондир, Туркистондир? У балким
Ичимни кемирган қадимий қасос.
Кўрингиз тарихни. Кўз олдим парда,
Қўлимдан учмоқда бу ер, бу Ватан...
Ошно тутинардим пўлат ханжарга...
Жанг майдони сари отилардим ман..
Ватан, айланарман бир кескир тошга,
Қошингга ўқ каби учиб борарман...
Наҳот тил бошқадир, наҳот дил бошқа?
Йўқ! Фармон кутарман, энг сўнгги фармон,
Шаклланиб қарарман қалққан қўёшга,
Барибир, қасос, деб ёнарман ҳамон.
3. Умр деганлари ўтмакда шошқин,
Тилла баргларини элаб йўлимга.
Сенинг мангулигинг берадир таскин
Эрта узилгувчи менинг умримга.
Оҳ, Она Туркистон, куйлайин ёниб,
Дунё журъатини бердинг қўлимга.
Мен энди англадим туркий дунёни,
Мана, энди тайёрман энди ўлимга...
Эй, менинг заҳматкаш, эй қутлуғ халқим,
Бергил фақат куйиб куйламак ҳаққин.
Ортиқ масъул этар топилган бу Бахт.
«Ишқ сўзидан куйдқ булбул масканн»,
Тил билан куйланмас она-Ватанним,
Мен сени куйламак истайман фақат.

Азим СУЮН

АСЛ ТУЛПОР ЭРУР ЎЗБЕКНИНГ ОТИ!..

Қаердадир боғ қизи — булбулнинг «чаҳ-чаҳ»и авжига чиқди: «Тонг отаяпти, бир ажойиб тонг отаяпти. Одамлар ухлайверасизми, турингилар, тонг ҳуснига тўйинглар!»

Қаердадир дашту адирлар ўғли — тўрғай осмону фалак бағрига сингди, шундай куйлаб бердики, оппоқ булутлар паҳмоқ қулоқларини «динг» қилиб тинглади. Уни фақат ғафлат босган одамларгина эшитолмади.

Ҳақиқуш бу тун охирги марта «оҳ» урди: «Ҳақ...». У бир умр ҳақни излайди, ҳақиқат излайди. Аммо тағин тополмади. Одамларга илтижо қилди: «Ҳақ... Ҳақни топинглар! Одамлар турингилар!»

От тўрт оёқда туриб ухлайди. У хўрознинг дарғазаб қичқиригидан сесканиб кетди: «Тўрт оёқда туриб ҳам ухлайверасанми? Бепоён яйловларга чиқ, чоп, югур, қувна, яйра, сойлоқларга туш, шаталоқ от!»

Тонгдан қўрқмаганлар бирин-кетин кўзларини уқалашиб, керишиб, патирлашиб, ўз тилларида чуғурлашиб тура бошладилар.

Бу дунёда тонг сеҳридек куч бормикин? Тонгдек қудрат бахш этгувчи салоҳият топилармикин? Тонгдек руҳ яйратувчи афсун, дуо, наво қайда бор? Одамлар айтинглар!

Қуёш, бу жодугар, унинг нурлари
Шомда нурлар эмас — ғафлат иплари.
Тонгги нурларига ишонгил фақат,
Ул нурлар тириклик, ул нурлар ҳаёт,
Инқилоб ясайди танингда бари.

Ҳа, тонг — борлиқда Инқилоб ясайди! Ҳар куни шундай. Ундан фақат бедорларгина хабардор. Ундан фақат кўзи очиқларгина эмас, қалби уйғоқлар баҳраманд!

Она диёримизда тонг отди! Мустақиллик — истиқлол тонги бу! У буюк инқилоб ясаяпти! У мана, бир йилдирки халқимизнинг асрий армонларини рўёбга чиқармоқни ваъдалаяпти! Озод, эркин ҳаёт бахшида этмоқчи бу тонг! Зеро, Озодлик, Эркинлик — Инсоннинг ўз қалбини, ўзлигини ўзига қайтарувчи мўъжизавий қучдир!

Хон хонга келиб йиғлар, хон келиб хотинига йиғлар, деган замонлар ўтди, деб ишонгим келаяпти. Сўзнинг отаси — бирлик, онаси — чинлик. Чин сўзимизни айтадиган давру давронлар келди, деб умидланаяпман. Инсоннинг жамиятдаги тутган ўрнини фақат унинг ҳаракатдаги фаолиятигина белгилайди. Халқимиз заҳмати, меҳнати қўмга синган бир томчидай самарасиз, беиз йўқолмас, дегим келаяпти. Энди Гул супурги бўлмас, ахир!

Тил ўзимизники бўлди. Бу тириклик аталмиш ҳаётда энг муҳими шу эмасми? Ўзга тилда чала мулла бўлиб, ярим-ёрти кимса бўлиб юришдан ҳам ортиқ даҳшат, ваҳшат борми дунёда?! От аяган — от минар. Тилингни аяганинг рост бўлсин халқим! Энди уни тараққий этган жаҳон тиллари мақомига кўтар халқим! Ўшанга арзийди бу улуғ тилинг!

Асли ўзи тил, эл, эрк, ер дахлсиздир! Тангрим асли шундай яратган ўзи! Лекин яратганни ҳам тан олмайди бу одамзот...

Туркиядаги ватандошларим менга бир нақл айтди. Эмишки, тангри таоло башарни — халқларни яратиб, уларга ер бўлиб бераётган экан, нима бўлибдию... ўзбекларга ер етказолмай қолибди. Шунда ўйлаб-ўйлаб ҳозирги ерини — Туркистон — Ўзбекистон заминини берибди. Асли у жаннат учун ажратилган ерлар экан... «Воҳ...» — деб юбордим мен бу нақлни эшитиб, Туркистоннинг забт этилганлиги ҳақидаги хушхабар Сенат мажлисида (Санкт-Петербургда) эълон қилинган пайтда Россия империяси молия министри Вишнегородский жаноблари «Туркистон — ўрус тожидаги энг нодир гавҳардир!», деб ҳайқириб юборганлиги бежиз эмас, ахир!

Бу келимли-кетимли очунда жаннатни истовчилар ошиб-тошиб кетган, ҳозир ҳам мўлкўл, бундан кейин ҳам хоҳлаганингча топилади. Еринг дахлсизлигига ҳушёр бўл, халқим! Қотил пичоғи ҳамиша қинсиз!

Ў, йўл ва йўлдош, деган гап бор, дунёда! Аввало шуни айтай. Халқим, сенинг ўз йўлинг — Ўзбекистоннинг ўз йўли бўлмоғи керак! Унинг йўлидан, бунинг йўлидан кетамиз, деган гаплар бекор. Ҳеч бир халқ ҳеч бир мамлакат тап-тайёр йўлдан кетолмайди. Тарих тақазоси, табиат зарурияти бу! Албатта, тараққий топган давлатлар тажрибаси, йўл-йўриғи, дастурларидан ижодий фойдаланиш бошқа гап!

Халқим, ўз тутимингда, Ўзбекистон йўлида йўлдошингга ҳушёр боқмоғинг, «ишону шубҳа қил» нақлига амал қилмоғинг жоиз. Йўлдоши ёмонни ёв олар, дея китобларга битиб қўйгансан ўзинг?! Чунки мустақил давлатинг энди оёққа турояпти. Учган ўқнинг ақли йўқ! Шамол бир куни ўнгдан эсса, бир куни сўлдан эсади. Ҳаммомдан оқиб чиққан оқава ҳам ўзини сув санайди. Гўёки сенга маслаҳат бериб, чўнтагингга кўз тиккувчилар оз эмас, дейман. Чироқ соясини, қозон куясини кўрмас экан. Тез-тез тарихингга, кечмишингга боқиб йўлни давом етказсанг овинг юради — ишончим комил. Ови юрганнинг эса дови юради! Истиқлолинг — Мустақиллигинг, Нонинг, Эркинг, Еринг бутун бўлсин-да! Тараша чала ёнса тутуни кўзни кўр қилади! Сичқон нариги омборга ўтаман деб, ерни ўйиб ковлаб-ковлаб мушукнинг олдидан чиққан экан... Шундай бўлмасин, дейман, халқим!

Хамма бало-қазо ҳаракат тўхтаб қолган жойда. Куйган бута тез кўкаради. Куйиб-куйиб бўлгансан, ҳаракатинг билан кўкарасан! Бу йўлда даврон сарбонлари, йўлбошчиларинг донишманд, йигитларинг, орли, жасур, аёлларинг тўқ назар бўлсин! Аллоҳ, душманнингни ҳам ақли билан яратган бўлсин! Бенидроқ мухолифларга эса улуғ Амир Темур бобомиз айтиб қўйган экан: «Дарё қушин ёмғир билан қўрқутма!»

Халқим! Отга мингансан. Умидим шулки, бир кун келиб аҳли жаҳон. «Асл тулпор экан ўзбекнинг оти!» («Алпомиш»дан) деяжак!

Кекса журналист, жангчишоир Назармат Эгамназаров яқинда муҳарририятимизга ўз қўлида салкам ярим асрдан буён асраб-авайлаб сақлаб келаётган бир рўзномани олиб келди. Бу уруш кезлари жанггоҳларда ўзбек тилида чиқиб турган «Фронт ҳақиқати» газетасининг 1944 йилги 24 декабр сони эди. У тўлиғича Ўзбекистоннинг 20 йиллик тўйига бағишланган. Жумладан, биринчи саҳифада собиқ СССР партия ва ҳукуматининг жумҳурият юқори раҳбарлик идоралари номига йўллаган табриклари, уруш қаҳрамонлари Собир Раҳимов ва Жўра Усмоновларнинг суратлари, шунингдек, Назарматнинг «Салом, Ўзбекистон!» бағишлов шеъри эълон қилинган.

«Салом, Ўзбекистон!» гарчи 48 йил муқаддам битилган бўлса-да, бизнинг назаримизда, бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Зеро, истиқлол умиди, юртга садоқат руҳи, ўтмишимиз қандай кечганидан қатъий назар, қаламкашларимизни ҳамиша илҳомлантириб келган. Улар энг оғир, энг таҳликали дамларда ҳам жумҳуриятимиз келажагига ишонганлар. Шеърни ўқиб, мутолаа қилгач, сиз ҳам фикримизга қўшиласиз, деган умиддамиз.

НАЗАРМАТ

САЛОМ, ЎЗБЕКИСТОН!

Салом, Ўзбекистон, севимли диёр,
Салом, нур қўйнида гуллаган баҳор.
Салом, ерларида олтин ўсган эл,
Салом, азиз она, меҳрибон кўнгил.
Ингирма баҳорнг тантанасида,
Улуғ кун, шонли тўй маъракасида
Бахтингни намойиш қилган чоғингда,
Тўйингга, улғайган ҳур қучоғингда,
Кўз қоранг, фарзандинг салом ёзади,
Севиниб сенга у калом ёзади.
Яшнаган ҳуснингга гард тушмасин деб,
Жангларда олган эрк—шам ўчмасин деб,
Муқаддас онт ичиб сенга — Ватанга,
Ўпиб тупроғингни қўзғалдик жангга.
Она эл, меҳрингни кўнгилга тугиб,
Жангларда душманни тутдайин тўкиб,
Сақладик эркингни, ёв бўлди яксон,
Ёвга нафратингни қилдик намоён.
Тўйингни жангларда нишонлагаймиз,
Сени ўғаларга ишонмагаймиз.
Душмандан олган ўч бўлур армуғон,
Тўйингда йўл босур, ўғлинг ғарб томон.
Салом, Ўзбекистон, севимли диёр,
Салом, нур қўйнида гуллаган баҳор.
Салом, кенгликлари жаннати диёр,
Салом, қуёш эли, йўллари баҳор.

1944 йил, декабр

Польша

Биз яқин-яқингача республикамизнинг мустақил бўлишини, бошқа мамлакатлар билан ҳамкорликлар ўрнатишни, борди-келдилар қилишини, турли давлатлар билан элчилар алмашишини, халқаро анжуманларда ўз юртимиз номидан иштирок этиб, умуминсоний муаммоларни ҳал қилишда қатнашишини орзу қилар эдик. Не бахтки, эндиликда орзуларимиз ушалмоқда. Истиқлол қисқа вақт — бир йил ичида юртимизга, халқимизга катта имкониятлар очиб берди. Бугунги кунда республикамиз мустақиллигини бир юз йилгирмадан ошиқ мамлакат тан олди, ўнлаб давлатлар юртимиз билан турли соҳаларда ҳамкорликлар ўрнатиш мақсадида шартномалар имзоладилар, дунёвий масалалар кўтарилган турли анжуманлар минбаридан халқимиз вакилларининг овозлари эшитила бошлади. Тошкентда ўнлаб давлатларнинг элчихоналари очилди.

Табийки, қилинган бу ишлар катта тўй арафасида халқимиз қувончига қувонч қўшади, келажакка умид, ишонч туғдиради. Лекин истиқлолнинг бир йилликлари, ҳаётимиздаги ўзгаришлар бошқалар — аймуваффақият ва ташвиштайлик, чет элликлар назарида қандай баҳоланади? Улар Ўзбекистоннинг бугунги ҳаёти, халқимиз қадриятлари, бошқа халқларга нисбатан муносабатлари, юз бераётган янгиланишлар ҳақида фикрлари қандай?

Шу маънода редакциямизга Америка Қўшма Штатларининг республикамиздаги элчихонасида маданият ишлари бўйича маслаҳатчи бўлиб ишлайдиган Ярослав Вернерни таклиф қилдик. Газета бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоевнинг меҳмон билан суҳбатни муштарийлар эътиборига ҳавола этамиз.

— Жаноб Вернер, агар мумкин бўлса, аввало, ўзингизни муштарийларимизга таништирсангиз.

— Мен асли тарихчиман. Турли халқлар тарихини ўрганишга ғоят қизиқаман. Лекин тақдирим шундай кечдики, тарих мутахассислиги унвонига эга бўлсам-да мендан тўла маънодаги тарихчи эмас, дипломат чиқди. Мана, 35 йилдирки, шу соҳада фаолият кўрсатиб келмоқдаман. Дунёнинг турли давлатларидаги мамлакатимиз элчихоналарида ишладим. Ҳозирча олтита тилни биламан ва мулоқот қила оламан. Гапнинг рости, Тошкентга ишга келишимдан олдин, сизларнинг тил билан айтсам, пенсияга чиқиш ниятим бор эди. Бунинг учун анча ҳозирлик ҳам кўргандим. Лекин дўстларим яна озроқ ишлашимни таклиф қилишди. Аввалига кўнмадим. Кейин улар Ўзбекистонда янги очилаётган элчихонада ишлашимни айтгач рози бўлдим. Бунинг баъзи сабаблари бор. Аввало, мен юқорида айтганимдек, тарихчиман. Шарқ мамлакатлари, айниқса, Ўрта Осиё ҳудудидаги республикалар ғарбликлар учун ҳам, дунё олимлари учун ҳам очилмаган қўриқ ҳисобланади. Бу ерни кўриш, халқлари ҳаёти билан танишиш ҳар қандай одамни ҳам қизиқтириши табиий. Қолаверса, бу ўлкаларнинг қадим тарихи ҳам одамни бефарқ қолдирмайди. Хуллас, ана шундай сабабларга кўра бу ерда бироз муддат ишлашга рози бўлдим. Кўриб турибсизки, камина хизматингизда.

— Тўғри, айтдингиз, биз анча муддат — дастлаб Чор Россияси мустамлакаси остида, кейин Шўро империяси зулми остида оламдан узилиб яшадик. Аниқроғи, бизга дунё билан бўйлашганн имкон беришмади. Натижада дунё учун очилмаган қўриқ бўлиб қолдик. Очиғини айтсак, биз туркистонликлар, Қўшма Штатларни ҳали-ҳануз яхши билмаймиз. Океан ортига доир билимларимиз собиқ қизил мафкура таъсирида шаклланган: осмонўпар бинолар, судхўр капиталистлар, ишсизлар, очлар, ялангочлар... Бизни яқин-яқингача ҳам бутун дунёдаги сиёсий тангликларнинг бош сабабчиси, бу — Америка деб ишонтириб келишди. Айтингчи, америкаликларнинг Ўрта Осиёга нисбатан билимлари қай даражада? Сизларни ҳам худди бизлар каби нимагадир ишонтиришган бўлишлари керак-ку!

— Аввало, шуни айтишим керакки, Америкада ва америкаликларда дунёнинг бирор мамлакати ҳақидаги тасаввур маълум бир мафкура орқали шаклланмайди. Бу ўша мамлакатнинг ва унинг халқининг ўзини халқаро миқёсда қай даражада намоён қила олишига боғлиқ. Шу маънода америкаликларнинг Ўрта Осиёга нисбатан қарашларини уч қатламга бўлиш мумкин. Биринчи қатламда — оддий одамлар Ўрта Осиё халқи ҳақида умуман тасаввурга эга эмаслар. Иккинчи қатламда — у-бу ишлардан хабардор зиёлилар тасаввурида Ўрта Осиё Россиянинг қолоқ чекка ўлкаларидан бири ҳисобланади. Учинчи қатлам — олимлар, шарқшунослар, тарихчилар назарида эса бу ўлка қадим маданиятга эга, улуғ алломаларни етиштирган юрт, ўз анъаналарига эга бўлган халқ деб, айни пайтда эса Россиянинг мустамлакаси сифатида қараларди. Умуман олганда, америкаликлар назарида бу ер эътибордан четда қолган ўлка ҳисобланарди. Лекин бундан Америкада Ўрта Осиёни яхши билишмас экан-да, деган фикр келиб чиқмаслиги керак. Йўқ, яхши биладиган, у ҳақда илмий тадқиқотлар олиб борадиган марказлар, Ўрта Осиё халқлари тиллари ўқитиладиган университетлар мавжуд. Афсуски, булар жуда кам. Шунинг учун бугунги кунда бу юртга ва унинг халқлари ҳаётига қизиқиш катта.

Айни пайтда, америкаликлар ишбилармон, бозор қонун-қоидалари асосида иш кўрадиган халқ, шу сабабли улар ҳар қандай мафкуравий фикрларга кўп ҳам ишонавермайди, амалий ҳаракатларни ёқтиради. Ўйлайманки, Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликлар ҳар икки мамлакат халқларининг бир-бирлари ҳақидаги қарашларини тубдан ўзгартиради.

— Қайсидир бир китобдан «Америкаликни таниш қийин эмас. Чунки у америкалик бўлганидан ҳамиша мағрурланиб юради», деб ўқиган эдим. Бордию бу гап рост бўлса, ўзбекларни ҳам таниш қийин эмас. Чунки Ўзбекистон билан фахрланмайдиган ўзбек топилмайи. Бу заминнинг алломалари умумбашарий маданият тараққиётининг йўлчи юлдузлари бўлганлар. Ливиядан келган бир улуғ меҳмон «Биз араблар она тилимизга бўлган буюк муҳаббат туйғусини сизларнинг аллома ватандошларингиз асарларидан олганмиз», деб айтган эди. Ислом маданиятининг нодир дурдоналари, миллий архитектура ёдгорликлари, адабиёт ва санъат асарлари... Бироз ҳаяжон билан бўлса-да айтайин, мен бу бойлик бизнинг ўндан нега узилиб қолганимиз сабабларини тушуниб етишларини истайман...

— Дарҳақиқат, Ўрта Осиё жаҳон маданиятига улуғ алломаларни берган юрт. Бугунги кунда фан соҳасидаги кишилар Хоразмий, Беруний, Улуғбек, Ибн Сино, Алишер Навоий номлари ва асарларини, Амир Темур ва Бобурнинг буюк давлатчилик тарихидаги ишларини яхши биладилар. Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти орқали уларнинг тўйлари ҳам ўтказилганидан хабардорман. Табийки, бундай алломалар вояга етган юртда жаҳонга кўз-кўз қилса арзийдиган бошқа маданий бойликлар, тарихий ёдгорликлар бўлиши ҳам шубҳасиздир. Мен республикангизга келганимдан бери Хоразм ва Фарғонага бордим. Ҳақиқатан ҳам бу ўлка қадим маданият ўчоқларидан бири эканлигини ўз кўзим билан кўриб амин бўлдим. Биласизми, агар Америкада 2500—3000 йиллик тарихга эга бўлган шаҳарлари, ёдгорликлари бўлганда нима қилишарди? Жаҳонга жар солишарди, ҳаммага кўз-кўз қилишарди. Шу маънода сизнинг ўкинчларингизни тушунаман. Тўғри, бу бойликлардан дунё халқлари хабардор, ҳатто бахраманд бўлишлари ва шу билан бирга сизларнинг тарихдаги хизматларингизга муносиб баҳо берилиши керак. Лекин бу ишларни ким қилиши лозим? Ахир шу халқнинг ўз фарзандлари эмасми? Ҳаётда ҳеч қаерда айтилмайдиган ва ёзилмайдиган бир ҳақиқат бор — бир халқ вакили бошқа бир халқ тақдири учун ҳақиқий курашга қўшладими? Алтабатта, йўқ! Шунинг учун ҳар бир халқнинг қадриятини унинг ўз фарзандлари кўтармоғи керак.

Тўғри, Ўзбекистон узоқ йиллар мустамлака зулми остида эзилиб келди. Унинг жаҳонга чиқиши учун йўллар берк эди. Эндиликда бу йўлларнинг очилди. Ўйлайманки, шу халқнинг илғор зиёлилари бор ҳақиқатни барча халқларга етказа оладилар. Гап менимча, бу ерда ўтмишдаги маданий бойликларни кўз-кўз қилишдагина эмас, Ўзбекистонни бугунги кунда энг тараққий этган мамлакатлар қаторига қўшиш учун олимлар, ижодкорлар яратган бойликларни ҳаётга татбиқ қилишдадир. Республиканинг эса бу борада маданий, моддий бойликлари кўп. Унинг келажаги шулардан қай даражада фойдалана олиши билан белгиланади.

— Ҳафталигимизни Америкада яхши билишади, десам ишонаверинг. Ўзбеклар ҳаётига қизиқаётган кўплаб ватандошларингиз, у ерда истиқомат қиладиган бизнинг ватандошлар билан алоқаларимиз анча мустаҳкам. Сиэтллик олима Ильза хоним Сиртаутаснинг айтишларича, у кишининг талабалари ўзбек тилини ўрганишда газетамиз мақолаларидан фойдаланишар экан. Мана бир неча йилдирки, ўзбек олими, ҳамюртимиз Хайрулла Исматуллаев Индиана университетида дарс бермоқда. У кишининг мухбиримиз сифатидаги ўнлаб мақолалари ҳафталигимиз саҳифаларида эълон қилинди.

Яқинда шу университет олимлари профессор Муҳиб Назиф Шаҳроний ва Мими Дои Ўзбекистонга келиб биз билан амалий мулоқотда бўлдилар. Харвард университетидан Алисе Пелед исмли олима, Индианадан Мубин Шуриш ташриф буюрмоқчи. Бундан ташқари, Америкада истиқомат қилаётган ватандошларимиз ҳурматли Рўзи Назар, Булоқ Боши, Абдулла Қуёш, Камол Тошкандий, Ғиёсиддин Насафий ва бошқалар биз билан доимий мулоқотда бўлиб турибдилар. Ўз навбатида санъатимизнинг кўплаб ёрқин юлдузлари, олимлар, шоиру ёзувчиларимиз Америкада бўлиб қайтишди. Бундай мулоқотлар янада кенгайиши керак. Бизда ҳавас қилса арзигудек бадиий ҳаваскорлик жамоалари, тасвирий ва амалий санъатимизнинг нодир усталари, асарларида мозий руҳини кўз қорчуғидек асраб келаётган халқ ҳунармандлари мавжуд...

ЭРКИНЛИК МЕВАЛАРИ



— Фикрингизга қўшиламан, халқларимиз ўртасидаги алоқаларни кучайтириш учун, аввало, иқтисодий, ижтимоий жабҳада ҳамкорликларга йўл очмоқ керак. Бугун Ўзбекистон Америка билан, Америка Ўзбекистон билан ҳаво йўллари орқали туташмоғи лозим. Шу пайтгача давлатларимиз ўртасидаги бўлган борди-келдиларнинг аҳамиятини рад қилмйман, лекин улар ниҳоятда расмий тусда эди. Қолаверса, бу борди-келдилар Масков орқали амалга оширилади.

Бизнинг бир-биримизни яхши танимаслигимиз меҳнатсевар халқларимизнинг бир-бирини билмаслиги оқибатидир. Тўғри, бугун Америкада Ўрта Осиёни кўриш, билиш, бу ердаги халқлар тилларини ўрганишга алоҳида қизиқиш пайдо бўлмоқда. Айни пайтда шундай қизиқиш ўзбекистонликлар ўртасида ҳам борлиги кўзга ташланмоқда. Шунинг учун, биринчи навбатда, санъаткорлар, ижодкорлар ўртасидаги ҳамкорликлар йўлга қўйилиши зарур.

Шулар қаторида яна бир нарсани таъкидлаб ўтишни истардим.

Ўзбек халқи тасвирий ва амалий санъат бобида ғоят беназир экан. Айни пайтда, ҳар бир жойнинг ўзига хос санъати, ўзига хос услуби мавжуд. Масалан, Хевада мен амалий санъат намуналарининг, шаҳарсозлик қурилишининг бутунлай янги қирраларини кўрдим. Фарғонада кўрган санъат кошоналари эса улардан бутунлай фарқ қилади. Одамлари характерлари, санъатга муносабатларида ҳам шундай ўзига хослик бор. Бир халқнинг турли жойларда яшайдиган вакиллари унинг маънавий бой оламини ўзича намоён қиладилар. Иккита вилоятни кўриш билан Ўзбекистонни тўла кўрдим дея олмайман, лекин бу халқнинг маданияти биз ўйлагандан ҳам юқори эканини англатади.

Америка Қўшма Штатларида ҳам турфа халқлар яшайдилар. Уларнинг ҳам ҳар қайсисининг ўзига хос санъати, маданияти бор. Айтайлик Калифорния штатидагиларники Техас штатидаги ҳунармандлар, усталарникидан кескин фарқ қилади. Демак, халқларимиз маданий ҳаётида ҳам ўхшашликлар мавжуд. Хўш, нега биз ана шундай санъат дурдоналаридан иборат кўргазмалар алмашишимиз мумкин эмас? Мумкин, бунинг учун ҳар икки давлатдан бу борада жонкуяр одамлар керак. Буларсиз халқлар ўртасига чинакам кўприклар солиш қийин.

— Яқинда Қўшма Штатларнинг Москвадаги элчихонаси юборган «Диалог—США» журнали ҳамда «Демократия нима?» тўпламини олдим. Ҳар иккаласида кўплаб қизиқарли мақолалар, хабарлар эълон қилинган. Хусусан, журнал Америка Қўшма Штатларининг Конституцияси матнини, йиллар давомида унга киритилган 26 та тузатишни чоп этган. Айтингчи, жаноб Вернер, бундай тўпламлар ўзбек тилида ҳам чоп этилиши мумкинми?

— Кези келганда шуни айтиб ўтишим керакки, мамлакатимиз Конституцияси дунёдаги кўп йиллардан бери амал қилиниб келаётган Асосий қонунлардан биридир. Бу йил Конституциямиз амал қила бошлаганининг 200 йиллиги байрам қилинади. Шу икки юз йил давомида унга бор-йўғи 26 та ўзгариш киритилган, холос. Бу ҳам Конституциянинг ғоят муқобил қилиб тузилганини кўрсатади. Унда инсоннинг туғилгандан бошлаб эркин, озод яшаши, меҳнат қилиши ва бахтли ҳаёт кечириши белгилаб қўйилган. Энг муҳими, қонунлар мамлакат тепасига келган ҳар бир раҳбарнинг хоҳиш-истагига қараб ўзгаравермайди, балки мамлакатда оддий одамдан тортиб президентгача ана шу қонунлар асосида фаолият кўрсатади. Ким агар уни бузса, қилмишига яраша жазоланади. Буни таъкидлаб айтишимнинг боиси шундаки, ҳар бир мустақиллик йўлига қадам қўйган давлат, энг аввало, Асосий қонунни пухта қилиб яратиш ҳамда унга қатъий амал этиб яшаши лозим. Бу оддий ҳақиқат фақат бизнинг мамлакатимиз конституцияси мисолидагина эмас, бошқа авлодлар қонунлари мажмуалари мисолида ҳам ўз тасдиғини топмоқда.

Энди юқоридаги журнал ва тўплам масаласига келсак, ҳақиқатан ҳам улар рус тилида нашр этилади. Бироқ улар Масковда эмас, Венада босмадан чиқарилади. Уларда мамлакатимиз ҳаётига оид энг катта воқеалар, бошқа давлатлар тараққиётидаги илғор тажрибалар, турли хил янгиликлар бериб борилади. Уларни ўзбек тилида ҳам чоп этиш тўғрисида ўйлаб кўрдик. Лекин, афсуски, журнални рус тили орқали эмас, бевосита инглиз тилидан ўзбек тилига ўгирадиган ҳам ижтимоий-иқтисодий масалалардан хабардор, ҳам бадиий тафаккури кучли бўлган етук таржимонлар топа олмаганимиз сабабли бу ишни вақтинча тўхтатиб турибмиз.

Ҳозирча айрим одамларнинг саъй ҳаракатлари, туфайли «Демократия нима?» тўплами ўзбек тилида нашрга тайёрланмоқда. У яқин кунларда чиқиб қолса ажабмас. Шунда ўзбек ўқувчилари ҳам бизнинг мамлакатимиз билан кенгроқ танишиш имконига эга бўладилар.

— Қайта қуриш авжига чиққан кезлари бу сўз дунёдаги кўпгина халқлар тилларига таржимасиз кўчди. Ушанда бизни ҳатто «қайта қуриш мураббийлари» деб атай бошладилар. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, америкаликларни «демократия мураббийлари» деб аташ мумкинми! Ёки сизларда ҳам демократиянинг ўзига хос муаммолари мавжудми?

— Мен сиёсат соҳасида кимнидир устоз, кимнидир эса шогирд деб ҳисоблашларига бутунлай қаршиман. Устоз-шогирдлик, эҳтимол, фанда, тарбияда ўзини оқлар, лекин сиёсатда бундай гапни ишлатиб бўлмайди. Ҳақиқатан, қайта қуриш деган термин Совет Иттифоқида дунёга келди ва унинг ҳаётида муҳим ўзгаришлар ясади. Лекин бу дегани руслар ҳамма мамлакатларда қайта қуришнинг асосчилари бўлдилар, деган фикрни англатмайди. Унда сиз, ахир қайта қуриш бошқа мамлакатлар сиёсий ҳаётига ҳам таъсирини ўтказди-ку дерсиз. Тўғри, ўтказди ва шундай бўлиши табиий ҳам эди. Чунки руслар ўз сиёсатларини маълум қадар ўзгартирар эканлар, унга нисбатан бошқа давлатларнинг муносабатлари ҳам ўзгариши, ички ва ташқи сиёсатда янгиланишлар бўлиши заруратга айланганди. Шу маънода собиқ Иттифоқни «қайта қуриш мураббийлари» деб атовчи ҳовлиқмалар бўлгандир.

Лекин биз америкаликлар мамлакатимизда демократия қай даражада барқ урмасин ўзимизни демократия мураббийлари деб ҳисоблай олмаймиз. Чунки демократия шундай нарсаки, ҳар бир халққа, мамлакатга, у қандай яшамоқчи бўлса, шундай имконият берилишини талаб қилади. Хўш, бизнинг демократия йўлимиз бошқа халқлар учун маъқул келадими? Келмаса, биз демократия мураббийларимиз дея уларга ўз йўлимизни мажбурлаб тиқиштиришимиз керакми? Йўқ, албатта! Ўзни ҳар ким ўзига хос демократия йўлидан бориши лозим, унда тайёр схемалар, устоз-шогирдлар бўлмайди.

— Мулоқотимиз бошида айтганимдек, бизнинг Америка ҳаёти тўғрисидаги тасаввурларимиз деярли нисбийдир. Бир вақтлар ҳамкасбларим Песков ва Стрелниковнинг «По дорогам Америки» номли рисолаларини ўқиб ёқамни ушлаб қолганман: «Америка — эта сплошная одноэтажная страна...» Шундан фикрим жиддий ўзгарган. Тасаввуримда америкаликлар бағри кенг одамларга айланган. Улар халқ равнақи йўлида ҳеч нарсани аяшмайди. Дунёнинг нариги чеккасида бирон бир талант соҳибига кўзлари тушиб қолишса, уни Америкага таклиф қилишади, шу билан халқининг ундан баҳраманд бўлишини истайди...

— Тўғри, Америка ҳар жиҳатдан бой мамлакат, у ўз бағрида бўй кўрсатган ҳар қандай истеъдод учун кенг имкониятлар очиб беради. Лекин бу, бойликларни, имкониятларни бекорга совурмайди. У эртага ўша истеъдоддан бойлик ўн ҳисса ошиқ бўлиб қайтишини билгандан кейингина сарфлайди.

Ўзбекистонда ҳам истеъдодлар биздагидан кам эмас, бу ҳар соҳада ўзини намоён қилиб турибди. Фақат уларга имкониятлар керак. Ўйлайманки, бу имкониятни уларга юртингиз истиқлоли очиб беради.

— Жаноб Вернер, мана Сиз анча пайтдан бери Ўзбекистондасиз. Биздаги ўзгаришларни кузатиб бораяпсиз. Яқин кунларда истиқлолимизнинг йиллигини нишонлаймиз. Хўш, Сиз ҳорижлик арбоб сифатида бир йиллик мустақиллик фаолиятимиз хусусида нималар дея оласиз?

— Мустақилликка эришиш ҳеч бир мамлакатда осонликча кечмаган. Ҳатто Америкадай катта давлатнинг мустақиллик йўли ҳам ғоят қийинчилик билан бошланган. Бу ўринда, айниқса, бир мамлакат мустамлакасидан қутилиб чиқиб ўз мустақил йўлини бошлаш одатдаги истиқлол йўлига нисбатан икки-уч ҳисса оғирроқ кечади. Ўзбекистон ана шундай мураккаб шароитда ўзининг эркинлик йўлини бошлаганига қарамай, ўтган бир йил ичида катта муваффақиятларга эришди. Собиқ Иттифоқнинг турли нуқталарида баҳслар, урушлар, жанжаллар давом этаётган бир пайтда ўзида тўла даражада тинчликни сақлаб қола олди ва дунёдаги барча мамлакатлар каби ҳамма халқаро ташкилотларга аъзо бўлди. Шунинг учун ҳам кўплаб давлатларнинг ишбилармонлари ўз корхоналарини Ўзбекистонда қуришга интилмоқдалар.

Айни пайтда шу вақт ичида ўзбекистонликлар ғоят меҳнатсевар, кўнгли очиқ, меҳмондўст эканлигига ҳам амин бўлдим. Шу сабабли ҳам бозорлари маҳсулотларга сероб, халқ истиқлол даврининг рўй бериши аниқ бўлган иқтисодий қийинчиликлари олдида эсанкираб қолмаган. Буларни раҳбарларнинг оқилона, шарқона тафаккур асосидаги ишлаб чиққан режалари натижаси деб қараш лозим.

Мен ҳатто ўзбекларнинг тўйларида — наҳорги ош тортишидан тортиб, кечқурунги базмларида ҳам ана шу эркинлик меваларини кўрдим. Ўзим ҳам ана шу тўйларда фаол иштирок этдим.

Табийки, истиқлол ҳамма соҳада бирдай муваффақиятларга эришиши қийин. Баъзан эскича қарашлар, эскича иш тарзлари ўзини намоён қилаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Масалан, шу ўринда ўзим гувоҳи бўлган бир воқеани айтиб ўтишни истардим. Яқинда Фарғонага бориш учун тайёрада учмоқчи бўлдик. Самолётга чиқдик. Бизга «Ўзбекистон авиакомпанияси»нинг ҳаво лайнери хизмат қилар экан. Ундаги хизмат ҳам шарқона лутфда, хурсанд бўлдик. Лекин бир нарса ажаблантирди. «Ўзбекистон авиакомпанияси»га тегишли Тошкентдан Фарғонага учадиган бу самолёт негадир Москва вақти билан учар экан. Бир пайтлари шундай бўлгани табиий. Хўш энди-чи? Ёки Ўзбекистоннинг ўз вақтини кўрсатадиган соати йўқми?

Авиакомпания фаолиятидан яна бир мисол. Мен дунёнинг турли мамлакатлари тайёраларида учиб кўрганман. Ҳеч бир мамлакат тайёрасида самолётни бошқарувчилар йўловчиларни узоқ кутдириб қўйиб, улардан кейин кабинага кўтарилмайдилар. Аксинча, улар йўловчилардан олдин жойларини эгаллаб, самолётларида меҳмонларни кутиб оладилар, хизмат кўрсатадилар. Шунингдек, самолётдан тушишда ҳам учувчилар ва уларнинг капитани йўловчилардан олдин ҳаво кемасини тарк этмайдилар. Ва менимча, бу чинакам ахлоқий мезонни белгилайди, йўловчиларга нисбатан ҳурматни кўрсатади. Лекин аэрофлотда ва республика авиакомпанияси самолётларида эса бунинг тескарисини кўриш мумкин...

Бир қарашда бу гаплар майда нарсаларга ўхшайди. Лекин ана шу майда нарсалардан йиғилиб катта нарса пайдо бўлади. Ана шундай ҳолатлар меҳмондўст ўзбек халқига хос бўлмаган характерни кўрсатади. Кўриниб турибдики, бундай камчиликларни тузатиш қийин эмас. Сўзимни қутлов билан, ўзбекистонликлар сизларга истиқлолдек қутлуғ айёмнинг йиллиги муборак бўлсин, дея тугатишни истардим.

— Ташрифингиз ва қизиқарли суҳбатингиз учун ташаккур, жаноб Вернер. Мулоқотимиз бундан кейин ҳам давом этади, деган фикрдаман.

— Албатта.

ЎЗЛИГИНИ АНГЛАЁТГАН ЮРТ

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ БИРИНЧИ ЙИЛИ: ЮТУҚЛАР ВА САБОҚЛАР

Вақт нақадар югурик. Жумҳуриятимиз президенти И. Каримов Ўзбекистоннинг мустақиллигини эълон қилганда, залда ўтирган депутатлар гап нима ҳақида бораётганини билолмай бир мунча вақт жим қолишгани гўё куни кеча эди. Бугун эса жонажон Ўзбекистонимиз миллий истиқлолга эришганининг бир йиллигини катта шодиёна билан байрам қилаяпмиз. Ҳозир қайси қишлоқ-шаҳарга борманг гарчи бозор иқтисодига ўтиш жараёнидаги хато-камчиликлар, иқтисодий етишмовчиликлар ва танқисликлар ҳамюртларимизни анча чарчатиб қўйган бўлса-да, ўзгача шукуҳ, ўзгача руҳ ҳукмронлигининг гувоҳи бўласиз. Бизнинг қувончимизга дунёдаги кўплаб эрксевар халқлар, тараққиётга эришган миллат ва элатлар ҳам шерик бўлаётирлар. Истиқлол йўлимизнинг янада ойдин ҳамда равон бўлишига ишонч ва самимий тилак билдираётирлар.

Албатта, бир йил тарих учун ниҳоятда қисқа муддат. Аммо бу вақт ўзлигини таниётган халқ учун нималар бериши мумкинлигини англаш учун жуда катта аҳамиятга эга. Ўзбекистон шўролар тузуми шароитида барча масалада «марказга» бўйсунгани, мустамлакачи «қизил империя» таъсирида бўлгани ҳаммага аён. Лекин тарих ҳар қандай мустабид тузум ҳам боқий эмаслигини, у вақтисоатги келиб барибир инқирозга учраши муқаррарлигини исботлади. Зўравонликка, халқлар эркини бўғишга асосланган 74 йиллик тузум ҳаёт синови талабларига бардош беролмади. Собиқ СССР таназзулга учради, унинг таркибидаги жумҳуриятлар ўз йўли ва ўз эркига эга бўлди.

Хўш, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда қандай ўзгаришлар рўй берди?

Бу саволга мен биринчи навбатда кишилар сиёсатлашди, маънавий ожизликдан ҳур фикрлиликка эриша бошладилар, деб жавоб берган бўлардим. Негаки, бугун қайси даврда бўлмайлик, қайси соҳа вакиллари билан суҳбатлашмайлик, мавзу битта — у ҳам бўлса, жамиятда юз бераётган ўзгаришлар ҳамда уларнинг пировард натижаси. Шубҳасиз, бу жараёнда ҳаётга турлича қарашлар, фикрлар хилма-хиллиги сезилиб туради. Лекин ҳар қандай ҳолда ҳам эришилган катта бир ютуқ киши кўнглига таскин-тасалли беради. Бу халқимиз асрлар бўйи орзу қилиб келган, кези келганда, қурбонлар берган истиқлол дея аталмиш, улуғ бир неъматдир. Зеро, эндиликда марказ деб аталган мустабид ҳокимият бутунлай барҳам топди. Биз ўз давлатчилигимизга, ўз инон-ихтиёримизга эга бўлдик. Бугун аксарият кишилар ҳар жиҳатдан ўзларини бир мунча эркин ҳис этаётганлари жуда катта ғалабадир. Навбатдаги вазифа ўзларини эркин ҳис этаётган ана шу кишиларга — ишбилармонлару тадбиркорларга янада кенгроқ имкониятлар яратишдан иборат. Шундай қилсак, уларнинг сафлари кун сайин ошади, борди-ю, мустақилликка эришдик, шунинг ўзи кифоя, деб қўл қовуштириб ўтираверсак, истиқлолдан маҳрум бўлиб қолишимиз ҳеч гапмас.

Табиий, салкам бир ярим аср мобайнида жилови ўзгаларнинг қўлида бўлиб келган, эндигина мустақиллик йўлига қадам қўя бошлаган юртда ҳамма нарсани жумладан, халқнинг фикрлаш тарзини, маънавияти ва маданиятини ҳам бирдан юксак даражага кўтариб бўлмайди. Бутун-бутун авлодларнинг қон-қонига сингиб кетган қуллик, тобелик руҳиятидан халос бўлиш осон иш эмас. Бунинг учун кишиларни энг аввало мустақиллик руҳида тарбиялаш, ҳурфикрлиликка ўргатиш лозим. Ана шу мақсадда халқимиз ўтмишини ҳар томонлама холис ва ҳаққоний тадқиқ этиш, бу борада юзаликка ёки бир ёқламаликка асло йўл қўймаслигимиз лозим. Мен шуни назарда тутиб айрим фикр-мулоҳазаларимни ўртага ташламоқчиман.

Кейинги йиллардаги айрим расмий ҳужжатларда, публицистик мақолаларда, нутқларда халқимиз Октябр инқилобидан кейин босиб ўтган тарихий йўл баъзан ортиқ даражада қораланмоқда. Албатта, уларда гарчи бир ёқламалик сезилса-да, маълум даражада мантиқ бор. 80-йилларга келиб, халқда тузумга нисбатан эътироз, келажакка ишончсизлик вужудга келди. Босиб ўтилган тарихий босқичларнинг ҳар бир жабҳасидаги субутсизлик, қатъиятсизлик, сиёсий бебурдлик ва ғоявий тутуруқсизлик шундай хулоса-якунга олиб келиши табиий эди. Салкам 74 йиллик жамият бошқарувида шундай услуб қарор топдики, оқибатда ҳар бир янги тарихий даврда бошқарувдаги давомийлик принципи бузилди. Масалан, мамлакат сиёсий ҳокимияти тепасига янги раҳбар келиши билан, у ўз фаолиятини ўтмишдошини танқид қилишдан, у амалга оширган ишларни йўққа чиқаришдан бошларди. Унинг фикри давлат ва партия сиёсатининг асоси қоида-кўрсатма, сўзсиз бажарилиши лозим бўлган йўл-йўриқ сифатида қабул қилинарди. Шу аснода ҳамма ишни тубдан қайта бошлашга тўғри келарди. Янги иш услубига кўникиш учун ҳам маълум вақт ўтиши зарур бўларди. Бундай сиёсатдан жамият ҳам оддий халқ ҳам жабр кўрарди. Бундан ташқари, шўро тузуми даврида ҳамма соҳада бошлиқ гапини асослашга хизмат қилувчи мафкура вужудга келтириларди. У демократик кучлар ривожига ўзига хос тўсиқ бўларди. Бунинг оқибати ўлароқ жамиятда маънавий қашшоқлик, баъзан сиёсий маданиятсизлик, ҳатто, ғоявий бебурдлик, бир қолипдаги ягона мафкура ҳукмронлиги қарор топарди. Бундай ҳоллар айниқса 50-йилларнинг иккинчи ярмидан кейин анъанага айланиб қолди. Ўша кезларда шахсга сиғиниш ва унинг салбий оқибатларини тугатишга киришиш билан бир қаторда ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг турли соҳаларида ислоҳотлар бошланди. Лекин бу ислоҳотлар кейинги босқичларда халқ хоҳиш-иродасига мос бўлмаган, пухта ўйланмаган қадамлар, волюнтаристик йўл бўлиб чиқди. Биз шахсга сиғинишга қарши кураша туриб, амалда ўзимиз шахсга сиғиниш ҳолатини вужудга келтирдик. 80-йилларнинг ўрталаридан бошлаб эса қариб 20 йиллик тарихимизни «турғунлик йиллари» деб танқид остига олдик. Бутун бир тарихий даврни ана шу тамға остида оммавий равишда инкор қилдик. Сирасини айтганда, совет кишилари на ўтмишини биладиган, на келажагини ўйлайдиган манқуртларга айланиб қолганди. Бундай қусур-нуқсонлардан, афсуски, ҳозир ҳам кўпчилигимиз халос бўла олганимиз йўқ.

Сир эмас, бугунги янгиланиш жараёнида ҳам ўзига хос талай камчиликларга йўл қўйилмоқда. Улар қандай баҳоланишини келажак кўрсатади. Аммо амалга оширилаётган эзгу ишларимиз ниҳоятда кўп. Атоқли давлат арбоби ва таниқли адиб Шароф Рашидов шахсига нисбатан муносабат ўзгаргани, унинг номи оқланиб, эндиликда 75 йиллик юбилейига қизғин ҳозирлик кўрилаётгани жумҳуриятимиз ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётида адолатни қарор топтириш соҳасида олиб борилаётган улуғ ишларнинг ёрқин намунасидир. Менимча Ш. Рашидов номининг оқланиши фақат бир шахснинг эмас, балки бутун ўзбек халқининг топталган қадр-қимматини тиклашга молик тадбирдир. Чунки, Шароф Рашидов гарчи йирик раҳбар бўлса-да, ҳеч қачон халқдан узоқлашиб кетмаган, эл-юртдан узилиб қолмаган инсон эди. Унинг ҳар бир хатти-ҳаракатида, юриш-туришида, гап-сўзида халқчиллик сезилиб турарди, ўзбекона тантилик, бағрикенглик устивор эди.

Ҳар гал шу ҳақда ўйласам, ўзим гувоҳ бўлган бир воқеа кўз ўнгимга келаверади. 70-йилларнинг ўрталари, Наманган аврли шойи газламалар комбинатининг янги ишлаб чиқариш корпуси фойдаланишга топширилиш арафаси. Шу муносабат билан комбинатда тантанали йиғилиш ўтказиладиган бўлди. Унда Шароф Рашидов ҳам иштирок этиши олдиндан маълум эди. Шунга кў-

Давоми еттинчи бетда

ЧОРЛОВ. С. МАҲКАМОВ олган сурат

Наим ҒОЙИБОВ:

ОЗОДЛИК ТУЙҒУСИ

Узбекистон Республикаси Халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий ассоциацияси раиси Наим ҒОЙИБОВ мухбиримизнинг мустақиллик ҳақидаги саволларига жавоб беради.

— Наим ака, сиз узоқ йиллар давомида собиқ комфирқа Марказий қўмитасида ва давлат ташкилотларида ишлагансиз. Айтинг-чи, қачонлардир Узбекистон мустақил бўлишига ишонармидингиз?

— Гапнинг очиғи бир мен эмас, кўпчилик комфирқа ғояларини озодлик деб тушунганмиз. Унинг йўл-йўриқларини амалга оширишга астойдил киришганмиз. Лекин барибир қалбимизнинг бир чеккасида озодлик туйғуси бор эди. Турфа характерли одамлар бўлганидек, коммунистларнинг ҳам ҳар хили бўлади. Улар орасида ватан мустақиллигига, озодлигига ишонганлар ва бу йўлда курашганлар кўпчиликни ташкил қилади. Энг муҳими озодлик туйғуси муқаддас.

Тарихдан маълумки, бирор империя узоқ яшаб қолмаган. Собиқ СССР деб аталган империянинг парчаланиши, унинг исканжасида бўлган халқларга мустақиллик ва озодлик берди. Жумладан, жонажон Ўзбекистонимиз ҳам ана шу буюк неъматни қўлга киритди.

— Кечирасиз, Ўзбекистоннинг мустақил деб эълон қилинганлигини қачон эшитдингиз ва қандай ҳолатга тушдингиз?

— 1991 йил 31 августда ҳурматли президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини эълон қилганда залда ўтирган эдим. Бу сўз чақмоқдек чақнади. Лекин бир лаҳза залдагилар карахт бўлиб қолдилар. Сўнг гапнинг асл моҳиятини тушуниб етгач, ўринларидан туриб, олқишладилар. Энг зўр орзуси ушалган одамнинг ҳолига тушдим. Қулоқларим остида мустақиллик сўзи жаранглаяпти-ю, ичимда «наҳотки, илоё рост бўлсин!» дейман. Ўша лаҳзаларда ҳақиқатнинг борлигига яна бир карра имон келтирдим.

Мустақиллик шунчаки оддий сўз эмас, унга эришгунча халқимиз қанча-қанча курашларни, оғир дамларни бошидан кечирди. Қанча-қанча доноларнинг умри ҳазон бўлди. Айримлар ўйлаганчалик, мустақилликка бирдан эришганимиз йўқ. Ютуғимиз шундаки, уни тинч йўл билан эълон қилиб, тинчлик билан амалга оширяпмиз.

— Наим ака, мана мустақиллик эълон қилинганига ҳам бир йил тўлди. Оз бўлса-да, муваффақиятларимиз бор. Лекин ана шу мустақилликни янада мустаҳкамлаш учун нималарга эътибор бериш керак, деб ўйлайсиз.

— Тўғри айтдингиз, мустақилликнинг биринчи қадамлари хайрли бўлди. Энди ҳамма гап уни бус-бутунлигича сақлаб қолишда ва халқимиз онгига сингдиришда. Агар халқ уни чинакам миллий туйғу ва онг билан қабул қилмаса келажакда бироз қийинчиликларга дуч келишимиз мумкин.

Биринчидан, одамларнинг ҳар томонлама саводини ошириш билан бирга, ларда мустақил ҳаётни, давлатни бошқариш учун табиий кўникма ҳосил қилиш керак. Бунинг учун халқаро қонун-қоидаларни ўрганиш зарур. Сиёсат, иқтисод, маданият ва тижорат ишларини зукколик, тадбиркорлик билан амалга оширишда жаҳоннинг илғор тажрибаларидан ўрганиб, турмушга тезроқ татбиқ этиш мустақилликнинг пойдевори ҳисобланади. Бунга биринчи галда тил билиш орқали эришилади. Тил ўрганишни фақат ёшларга ташлаб қўймасдан, ҳамма ўрганиши шарт, деб ўйлайман. Масалан, мен инглиз тилидан бирорта сўзни билмасдим. Лекин ассоциацияга ишга ўтгач тилни астойдил ўргана бошладим. Ҳозир натижа ёмон эмас.

Иккинчидан, ҳамма соҳада ишбилармонликни ўрганиш зарур. Аслида, ота-боболаримиз тажрибали ишбилармонлар бўлишган. Афсуски, социалистик тузум «шарофати» билан уларнинг анъаналаридан, тажрибаларидан узилиб қолдик Халқимиз табиатига, характерига мос келмайдиган бегона анъаналарни сингдиришга беҳуда уринишлар бўлди. Лекин улар ҳеч нарса бермади. Энди ота-боболар йўлига қайтиш, уларнинг ўлмас анъаналарини тиклаш пайти келди.

Ишбилармонлик фақат шахсий бойлик оттириш эмас. Шундай деб ўйлаганлар катта хато қилади. Жаҳон ишбилармонлари тажрибаларидан маълумки, бу йўлни танлаганлар биринчи галда одамларга ва жамиятга ёрдам беради. Ҳомийлик ишларини беминнат амалга оширади. Бизга ҳам шундай ишбилармонлар керак. Шунда мустақилликни янада мустаҳкамлаш мумкин.

— Шу ўринда Сиз раҳбарлик қилаётган ассоциация республика мустақиллиги йўлида қандай муҳим вазифаларни амалга ошираётганлигини билишни истардик.

— Мустақиллик туфайли Марказ буйруғидан қутилдик. Москвадан бериладиган ҳар хил кўрсатмалар барҳам топди. Энди мустақил равишда иш олиб бораяпмиз. Чет давлатларнинг бизникига ўхшаш ташкилотлари билан тенг ҳуқуқ асосида алоқалар ўрнатяпмиз. Масалан, Ҳиндистон, Покистон, Туркия, Хитой, Корея ва қатор араб мамлакатлари билан бевосита маданий-маърифий ҳамда илмий соҳалар бўйича алоқалар ўрнатиляпти. Бу учун керакли ҳужжатлар имзоланган.

Халқ дипломатиясини ривожлантиришга жиддий эътибор бериляпти. Чунки тараққий этган мамлакатлар билан фақат расмий эмас, балки юксак халқ дипломатияси орқали муомала қилиш мумкин. Бу ишга кенг халқ оммасини жалб этиш ниятидамиз. Собиқ «Ватан» жамияти кўпгина яхши ишларни қилган. Уларнинг ибратли тадбирларини давом эттириш билан бирга бевосита чет эллардан ташкил қилинган туркистонликлар маданий марказлари билан алоқа ўрнатдик.

Ассоциация фаолиятидан миллий урф-одатлар ва қадриятларни тарғиб қилиш, ватандошларимизни Ўзбекистондаги қариндошлари билан бевосита алоқа ўрнатишлари учун имконият яратиш, биродарлашган шаҳарлар ўртасида дўстлик алоқаларини ўрнатиш ҳамда ривожланган мамлакатлар билан касбий тажриба алмашиш сингари ишлар ўрин олган. Энг муҳим вазифалардан бири жамоатчилик йўли билан халқлар ўртасида тинчликни сақлашга ҳисса қўшиш, республикамизнинг ички ва ташқи сиёсатини хорижга тарғиб қилишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги байрами муносабати билан инглиз тилида «Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки қадамлари» деган тўплам чоп этдик. Уни ўзимизга ўхшаган ташкилотларга тарқатдик. Улар ҳам республикамиз мустақиллигини байрам қилиб, жамоатчилик асосида эътироф этадилар. Худди шу ном да суратлар кўргазмасини ташкил этдик. Шунингдек, бир неча тилларда чиқадиган «Ўзбекистон контакт» журнали ва «Ойдин» газетасининг мустақилликка бағишланган махсус сонлари босилади.

— Байрам тилакларингиз.

— Халқимиз бағри кенг, меҳмондўст ва яхшилик қилишни азалдан хуш кўради. Тилагим яхшилик ва эзгулик халқимиз қалбини тарк этмасин. Бир-биримизга нисбатан дилозор бўлмайлик. Дилозорлик бор жойда барака бўлмайди. Мустақил Ўзбекистон Шарқнинг ривожланган тинчлик ўлкаси бўлиб қолиши учун куч-ғайратимизни аямайлик. Барча хонадонларга мустақиллик руҳи абадий ёр бўлсин!

А. ЖУРАЕВ
суҳбатлашди

Бернора ҚОРИЕВА:

БАЙРАМ ДАВОМ ЭТАДИ

Шу йил 2—9 сентябр кунлари қадим Самарқанд шаҳрида Узбекистон Республикаси мустақиллигининг бир йиллигига бағишланган қўғирчоқ театрлари III республика фестивали бўлиб ўтади. Бу ҳақда фестивал ташкилий қўмитаси раҳбари, Узбекистон Театр арбоблари уюшмаси раиси Бернора ҚОРИЕВА мухбиримизга шундай деди:

— Фестивални Ўзбекистон республикаси маданият ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказаяпмиз. Фестивални айнан мустақиллик байрамига бағишладик. Чунки мустақилликнинг театр санъати ривожига янги уфқлар очди. Айниқса, болалар театрларига эътибор кучайди. Бозор иқтисодиёти бу соҳани ҳам четлаб ўтмади, албатта. Лекин мураккаб шароитда ҳам болалар театрларига ҳар қачонгидан эътиборини кучайтириш зарур деб ўйлайман. Чунки ҳозирги оғир шароитда кўпроқ болалар театрлари қийин аҳволга тушиб қоляпти. Имкони бўлса уларни инқироздан қутқариб қолиш керак. Шуларни ҳисобга олиб республикада учинчи марта қўғирчоқ театрлари фестивалини ўтказишга қарор қилдик.

Фестивал Самарқанддаги Ҳамид Олимжон номидаги вилоят драма ҳамда қўғирчоқ театрлари биносида Регистон майдонида бўлиб ўтади. Фестивал репертуаридан республикамиздаги барча қўғирчоқ театрлари спектакллари ўрин олган. Намойиш этиладиган ҳар бир спектаклни баҳолаш учун ҳакамлар ҳайъати тайинланган. Улар саҳна асарини баҳолаш билан бирга мутахассислар ва меҳмонлар иштирокида асарнинг муҳокамасини ҳам ўтказадилар.

Фестивалга хориждан ва ҳамдўстлик мамлакатларидан меҳмонлар таклиф қилинган. Айниқса, кўрикдан ташқари намойиш этиладиган Канада қўғирчоқ театри спектакли фестивал қатнашчиларига манзур бўлади, деб ўйлайман. Шунингдек, Қозоғистоннинг Толғор шаҳридан, Чимкент вилоятидан, Олмалиқ шаҳридан келган театр ижодкорлари кўрикдан ташқари саҳна асарлари билан қатнашадилар.

Фестивал сўнгида республика қўғирчоқ театрлари аҳволига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтади. Унда шу соҳанинг етук мутахассислари билан бирга фестивалда қатнашган барча театр санъаткорлари ҳам иштирок этиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар. Ўйлайманки, бу фестивал кўпроқ ёшлар қалбида чуқур из қолдиради. Болаларни сеҳрли эртаклар оламига бошлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, халқимизни ва барча театр санъаткорларини улуғ айём — мустақиллик байрами билан самимий табриклайман. Ҳамманинг хонадонига осойишталик тилайман. Мустақиллик байрами эса давом этади. Барча театр санъати мухлисларини Самарқандга — фестивалга таклиф қиламан.

ФОЖИАНИНГ ЯНГИЧА ТАЛҚИНИ

АШТАРХОНИЙЛАР СУЛОЛАСИНИНГ энг сўнгги вакили бўлмиш Абулфайзхон (1711—47) ўз акаси Убайдуллохонни (1702—11) турли фитналар ила қатл эттириб, Бухоро тахтини ноқонуний, зўравонлик билан эгаллайди. Абулфайзхон ўзининг 37 йиллик ҳукмронлик даврида тахт васвасасига берилиб яқинлари, қариндошуруғлари, Бухоронинг забардаст фарзандлари ёстиғини бирма-бир қуритади. Натижада мамлакат ичдан емирилади. Ушбу воқеаларни сотқин Ҳаким бий оталиқ орқали билиб турган Эрон ҳукмдори Нодиршоҳ қулай вазиятдан фойдаланиб Бухорони тинч йўл билан ўзига тобе қилади.

Фитратнинг «Абулфайзхон» трагедияси тарихнинг айнан ўша мудҳиш даври асосида битилган. Фитрат фожианинг асл моҳиятини хонлар, сарой аҳли, кишилар муноҳабати ва тақдири воситасида кўрсатаркан, томошабинни Ватан тақдири учун, ўз ичимиздаги Ҳаким бий оталиқ, Раҳим қўрчи каби ёғийлардан ҳушёр бўлишга, Абдулфайзхондек миллат тақдирига, тупроқ муқаддаслигига бефарқ хонлардан ҳазар қилишга чорлайди.

«Абулфайзхон» илк бор 1990 йили Қашқадарё вилоят театрида жонланди ва бу ҳақда профессор М. Қосимовнинг «Инсон фожиалари» тақризи чоп этилди. Орадан бир йилча вақт ўтгач, мазкур трагедия Бухорода Ўзбекистон халқ артисти Убайдулла Баҳоев томонидан саҳнага қўйилди. Режиссёр «Абулфайзхон»нинг бош ғоясини теран англаган. Ҳатто унинг мажозий-фалсафий қирраларини ҳам имкон қадар англаб, қаҳрамонлар ҳаракати, безаклар, ҳолат ва куйлар воситасида томошабинга етказа олган.

Саҳна Қуръон оятларининг маҳзун овози билан бошланади. Сукунат, Илоҳий оҳанг томошабинни ўзга руҳий оламга етаклагандек. Қоронғуликдан Абулфайзхон чиқиб келади. Ўйчан, қайғули. Хўш, унга яна нима керак? Тахт қўлида, егани олдида, емагани ортида. Айш-ишрат... У на ҳудодан, на бандасидан қўрқади. Тахт хоннинг «Каъба»сига айланган. Абулфайзхон ўзини дунёнинг устуни деб билади. Шунинг учун тангригагина хос сўзни қатъият билан айтишдан қайтмайди: «Бунларнинг ўлими қўлимиздадир».

Пардалар ораси фожиа руҳига мос куй ва қўшиқ силсиласи билан боғланган. Маҳзун куйлар кечаётган воқеалар устида теранроқ мушоҳада этишга ундайди. Абулфайзхоннинг туш кўриш саҳнаси (қора шарпанинг пайдо бўлиши, хонни бир аёл арқон билан бўғмоқчи бўлгани, лаганда Фарҳод оталиқнинг боши олиб келиниши ва ҳ. к.) жуда яхши ижро этилган. Ҳаракатлар ишонарли. Ҳатто қадим Хитой театрида бўлганидек, душманнинг қай томондан келиш - масаласи ҳам пухта ўйланган. Халқимиз душманни - асосан чап томондан кутади. Лекин режиссёр Абулфайзхоннинг душманини кутилмаган томон — ўнгдан келтиради. Хон қалтирайди, қўрқади. Қилган жиноятлари олдида изтиробга тушади.

Ўзбекистон халқ рассоми Борис Ким саҳнани трагедия руҳига мос тарзда безаган. Қонли воқеалар кечаётиру, бироқ Бухоронинг қадим обидалари, Минораи калон сукут сақлайди. Бешинчи пардада тикилган беш дор соясининг қадим Бухоронинг устига тушмоқда. Режиссёр ҳаракатларни шундай аниқ режалаштирганки, дорнинг соясининг мазлум Сиёвуш соясининг бошида турибди. Демак, кучга асосланган тузум, хусусан Абулфайзхон, Раҳим бийга ўхшаш хонлар тиккан дорлар бутун бир мамлакат, миллатнинг устига, келажагига тикилгандек...

Абулфайзхон ролини ижро этган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Файзулла Абдуллаев хон образига юкланган зулм салтанати ва унинг жирканч оқибатларини очишдек масъулиятни, умуман, тушунган. Юзида қайғу аломатларининг тез алмашиниши, тушидаги ҳолати, Нодиршоҳнинг олдида Ҳаким бийга кин ва кек сақлаб туриши, ҳибсда болалари билан йиғлаб кўришиши табиий. Аммо Улфат ва Қози Низом билан биринчи саҳнадаги диалог бир қадар сунъийроқ чиққан. Абулфайзхондаги бир ўчиб, бир ёниш, қатъиятсизлик, шубҳакорлик етишмайди. Иброҳим бий ва Раҳим қўрчига қарата «Сақловда турингиз» деб жон-жаҳди билан айтиши ҳам трагедия моҳиятига зид. Бу ерда хон айёрлик, ички заҳархандалик билан гапирмоғи шарт эди.

Йўлдош Кенжаев Раҳим қўрчи ролини маромига етказиб ўйнаган. Раҳим қўрчи — тўқсабо, сўнг оталиқ ва ниҳоят, Бухоро тахтини қонунсиз эгаллаган, манғитлар сулоласининг бошловчиси Ҳаким бий оталиқнинг шуҳратпараст ўғлидир. Ундаги манфаатпарастлик, айёрлик, вазиятга қараб ўзгарувчанлик табиатини И. Кенжаев яхши англаган. Иккинчи пардада Улфат Абулфайзхон томонидан Ҳаким бийга элчи бўлиб бораётган пайт Раҳим қўрчи унинг йўлини тўсади. Бу ҳолат трагедияда йўқ. Аммо Раҳим қўрчининг мазкур ҳаракати яхши топилма. Раҳим қўрчи бу ҳаракати билан Улфатга ва у орқали хонга: «ҳаддингиздан ошманг, ҳали ўртада мен бор. Мен билан ҳам ҳисоблашинг. Отамга қараганда мен ўн чандон кучлироқман... Эртага Бухоро тахти меники бўлғусидир...» демоқчидек бўлади.

Нодиршоҳ ролини ижро этган Шамсиддин Йўллиев унинг айёр сиёсатдон, жанг кўрган саркарда, юрт босиб олиш «назарияси»ни нозик илғаган. Нодиршоҳ учун «ҳар ўлкани урушиб олмак сиёсат эмас. Уруш чораларнинг энг сўнггисидир. Бир ўлкани олмоқ учун энг яхши чора — шул ўлканинг ўзиндан дўстлар топмоқ, шуларни ишламоқдир». Нодиршоҳнинг ўзини тутиши, вазиятга қараб ўзгариши, кўз ҳаракатлари, Абулфайзхонга Бухоро тахтини отигагина қайта топшираётиб кўз ости билан Ҳаким бийга маъноли қараб олишлари табиий, таъсирчан. Аммо режиссёр Абулфайзхон ва унинг яқинларини кутиб олиш саҳнасини бир қадар қайтадан кўриб чиқиши лозимдек. Чунки Фитрат трагедияда Нодиршоҳнинг ўта айёрлигини кўрсатиш учун унинг ўз ўғлига қилган насиҳатини келтиради. У фарзандини отдан тушиб, хон билан қучоқлашиб кўришишга, яқинларига ҳурмат кўрсатишга «чақиради» ва ўзи ҳам Абулфайзхонни кўргач, тахтдан тушиб, эшиккача келиб хонни қарши олади. Тўғри, у ғолиб. Лекин масаланинг «таги нозик». Бухоро тахтини тинчгина эгаллаб, Абулфайзхонни қўғирчоққа айлантириб, бутун ишларни сотқин Ҳаким бий оталиққа топшириб Бухоронинг иттифоқчиси — Хоразмни қўлга киритиш керак.

Барно Қодиров хонни қотилликларга ундовчи Улфат ролини яхши ижро этган. Унинг юз ҳаракатлари асардагидек совуқ, ҳаракатлари бежо, кўзлари уккинидек ўлжа пойлаб турувчи.

Иброҳим бий тўғриликнинг ёмон оқибатларга олиб боришини билса-да, ундан қайтмайдиган зот. Унинг сўзлари бир қарашда Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар»идаги Юсуфбек ҳожининг нуроний, донишмандона чеҳрасини эслатади. Иккинчи пардадаги Иброҳимбий ва Абулфайзхон мунозараси, яъни Иброҳим иноққа оталиқ мансабини топширганда ундан тониш, хоннинг шаънига аччиқ сўзлар айтиш ҳолатини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Исомиддин Жумаев бир қадар сунъийроқ ўйнайди. Мақсадга эмас, овозга куч бериш устунлик қилгандек. Лекин бешинчи пардадаги Раҳим қўрчининг Ўғузхон ва Чингиз ясоғини унутиб, ўзини хон кўтаришига қарши, зиндондан озод этилиб, кўзи ожиз бўлса-да, жасорат, нафрат билан сўзлаши жуда табиий, қайғули чиққан. Айниқса, «жигарим» дейишида ўкинч, ғазаб бор. Танида табиий қалтироқ. Ожиз ва ҳақиқатпарвар инсоннинг мураккаб ҳолати теран англаланган.

Хоннинг иноғи, сўнгра оталиғи Ҳаким бий роли Саломиддин Атоев томонидан ижро этилган. Ҳаким бий Эрон ҳукмдори Нодиршоҳнинг малайи. Ўз манфаати йўлида нафақат дўсту ёрни, балки Ватан, миллатни ҳам сотади. Бош мақсади: Абулфайзхоннинг тахтини ўғли Раҳим қўрчига олиб бериш. Нодиршоҳ билан хуфия сирлашиб, Бухоро ўлкасининг ички таназзулидан бохабар қилиб турғувчи манфур зот. С. Атоев образ моҳиятини англаган. Унинг табиатидаги айёрлик, тил учида сўзлаш, мунофиқлик каби қирраларини очишга ҳаракат қилган. Ҳаким бийнинг ўз уйидаги ҳолатидан кўра Нодиршоҳнинг олдида ўзини тутиши табиийроқ чиққан. У Улфат билан дўқ уриб эмас, унинг ва хоннинг устидан ғалабаси муқаррар бўлгани учун истеҳзоли кулиброқ, мулойимроқ ва айни замонда таҳқиромуз гапирмоғи шарт.

Арқдаги ур-йиқит, ўлдир-куйдир, тахтдан қулатиш, эгаллашларни кўриб қотиб кетган Қурбонгул образини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Жумагул Бобоева ўйнаган. Унга Абулайзхоннинг Раҳим қўрчи томонидан қамалиши одатий бир ҳол. У гўё фожиалар устидан кулгандек таассурот қолдирса-да, бефарқликка ботган. Ж. Бобоева образ мақсадини тўғри англаб ижро этган.

Сиёвуш (Зайниддин Каримов), Ризоқули (Убайдулла Очилов), Жаллод (Ҳусан Козимов), Абулмўмин (Анвар Мавлонов), Дарвеш (Бафо Баҳоев), Мир Вафо (Раҳим Шукуров), Қози Калон (Баҳодир Болтаев) ролларининг ижроси ҳам томошабинни бефарқ қолдирмайди.

ФИТРАТ МИЛЛИЙ ТАРИХИМИЗНИНГ мураккаб, шиддатли ва қалтис, ҳалокати аниқ, ўзгариши муқаррар бир чорраҳасини ўзи яшаб турган, моҳиятан худди шунга ўхшаш бир даврда (1920 йиллар) қаламга олди. 70 йил кейин ҳам шуни қатъий айтиш мумкинки, биз моҳиятан гўё асар воқеалари юз берган ва фожиа яратилган даврдаги каби бир замонда яшаяпмиз. Шунинг учун «Абулфайзхон» трагедияси бугун ҳам қадрли. Чунки Фитрат зўравонлик, босқинчилик, кучга асосланган тузумнинг тарихий таназзулини башорат қилган бўлса, биз, бугунги авлод бу тарихий ҳақиқатни ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз.

Хулоса қилиб айтганда, Фитратнинг табаррук руҳини шод этган С. Айний номидаги Бухоро вилоят театрини янги саҳна асари билан табрикласа бўлади.

Илҳом ҒАНИ,
филология фанлари номзоди

СОЗ ВА ОҲАНГ УЙҒУНЛИГИ

ДАСТАВВАЛ СЎЗ ПАЙДО БЎЛГАНМИ ё оҳанг?.. Албатта, оҳанг бирламчидир. Чунки, ҳали одам пайдо бўлмасдан бурун ҳам табиатнинг азалий оҳанглари мавжуд бўлган. Худди шу оҳангларга тақлидан инсон овози яралган.

Инсон овози... У ўз сеҳри билан одамий руҳларни уйғоқликка, эзгуликка чорлайди. У ибтидодан интиҳога қадар мангу оҳангларни ўз товуш кенгликларига сингдира олади. Бу овоз юракдаги сим-сим туйғуларнинг, долғали ҳаяжонларнинг, қувончлар ила қайғуларнинг тирик суратидир. Қўшиқ эса, тил ва дилнинг уйғунлашуви... Шунинг учун ҳам биз қўшиқни яхши кўрамиз. Қўшиқда (агар у чинакам яхши қўшиқ бўлса) ҳар бир одам ўз сўзларини, ўз товушларини, ўз қалб оҳангларини айрича — айрича кўра олади.

Баҳодир Ражабов... У кейинги йилларда қўшиқчилик санъатимизга ўзига хос овоз, ўзига хос оҳанглар билан кириб келаётган ёш хонандаларимиздан бири саналади. У эндигина халқ орасида танила бошлади. Унинг қўшиқларини Бухорода, Хоразмда, Самарқандда мухлислар севиб тинглайдилар. Бухороликлар ёш хонанданинг хизматларини «Ўзимизнинг Баҳодир» деган кутлов билан тақдирлаганлар.

Баҳодир Ражабовнинг ойнаи жаҳондаги бир қатор чиқишлари кўплаб қўшиқсеварлар томонидан қизғин кутиб олинди. Албатта, элнинг назарига тушиш осон эмас ва бунга сазовор бўлгандан кейин, элнинг назарини кўтариш ҳам осон эмас. Бу машаққатли йўл юксак ижодий ҳаяжонлар билан йўғрилади.

Баҳодир қадимий ва улуғвор Хоразм оҳангларининг сирларини ўрганиш учун машаққатли изланишлар олиб бораётган ёш хонандаларимиздан. Албатта, кўҳна Хоразм оҳангларининг ўзи сеҳрли бир дунёдир. Бу оҳанглар дунёсига киришнинг ўзи битмас-туганмас мўъжизалар диёрига кириб қолиш билан баробар. Бунда кимдир ҳайратланади, кимдир эсанкираб қолади, кимдир эса юксак ижодий ҳаяжонлар билан яшай бошлайди. Баҳодир худди шу учинчи табақа вакиллари сирасидан десак хато бўлмас. Чунки унинг қўшиқларида Комилжон Отаниёзов, Ҳожихон Болтаев каби Хоразм санъати юлдузларининг соҳир оҳанглари, жозиб овозларининг садолари бор. Шунинг учун Ўзбекистон ва Туркманистон халқ артисти ёш хонанданинг устози Бобомурод Ҳамдамов юксак ишонч билан Баҳодирга оқ фотиҳа берган.

Баҳодир Ражабов, асосан, ўзбек халқининг классик қўшиқларига кўпроқ мурожаат этади. У Навоий, Махтумқули, Атойи, Машраб каби улуғ шоирларимизнинг ғазалларини қўшиқ қилиб ижро этиб келмоқда. Бу каби улуғларнинг сўзларини эл орасида ўз имкони қадар ёйиш ҳар бир киши учун савобдир.

Баҳодир Бухоро шаҳридаги Абдулла Қаҳҳор номидаги ўрта мактабда мусиқа илмидан дарс беради. Унинг шеъриятга ихлоси баланд. Гоҳо ўзи ҳам шеър машқ қилиб туради:

Мансабинг бўлса агар ҳар
кима сен даркорсан,
Воажаб, бўлсанг ғариб ҳар
кўчада сен хорсан.

Албатта, хонанданинг шеърият билан яқин бўлмоғи ва бу санъатга ихлос қўймоғи унинг ижодий савиясининг камолини таъмин этади. Ҳар қандай хонандага мусиқа ва овозни ҳис этишнинг ўзи камлик қилади. У сўзни ҳам ҳис этмоғи, сўз кучини илғамоғи ва сўзга суянмоғи керак. Арзимас шеърни, яхши мусиқа, яхши овоз билан ижро этиш, ўлимга чиройли либосларни кийгиздириб қўйишдай гап. Қўшиқ санъатининг асоси ҳам сўз, мусиқа ва овоз уйғунлигидадир.

Ўйлаймизки, Баҳодир қўшиқчилик санъатидаги бу қонуниятни тўғри илғайди. Биз Баҳодирдан нима учун сиз эстрада йўлини танламадингиз деб сўраганимизда, у: «Отадан ўзиб, онадан тўзиб қаёққа ҳам борар эдик. Ота-боболаримизнинг бизга мерос қолдирган санъати бор, биз худди шу санъатни бошга кўтармоғимиз керак. Қолаверса, бу санъат ҳар биримизнинг руҳимизда яшаб келаяпти. Ўткинчи ҳою-ҳавасларга берилмасдан ўз анъаналаримизни қадрлаганимиз ва қўлимиздан келса, уларни юксалтиришимиз керак», деб жавоб берди.

Ҳақиқатан ҳам, бизнинг боболаримиз, момоларимиз вазмин, залворли қўшиқларни тинглаб улғайганлар. Уларнинг қалби ҳам, ақлу идроки ҳам худди шунга мутаносиб баландликка кўтарилган. Ўзлигимизга қайтаётган ҳозирги мураккаб жараёнда Хоразм мақомларига, Фарғона оҳангларига, халқ бахшиларининг достон-термаларига барибир руҳий муҳтожлик сезамиз. Чунки, одам руҳиятига қўшиқ ва мусиқа каби тез таъсир кўрсата оладиган бирон бир восита йўқ. Буни бошқалардан ҳам кўра Баҳодир Ражабовга ўхшаб, эндигина қўшиқчилик санъатига кириб келаётган ёш хонандаларимиз кўпроқ ҳис қилмоғи зарур. Баҳодирнинг бу борада ҳам ўз қарашлари бор. У ҳозирда улуғ шоир Махтумқулининг бир қатор шеърларини ўзига хос услубда, таъкидлаш керак, халқимизнинг руҳига жуда яқин бир услубда қўшиқ қилиб тайёрламоқда. Ҳар қандай ҳофиз, ҳар қандай хонанда халқнинг юрагидан дарёдай оқиб чиқаётган қувончлар ила қайғуларнинг оҳангларини топа билса, уни албатта санъат руҳи қўллайди. Аввало, ҳар кимнинг қалбига илҳом ёр бўлсин.

Эшқобил ШУКУР

АЙЁМ АРАФАСИДА

В. МОЛГАЧЁВ ва А. ТИШНЕНКО олган суратлар

ГАВҲАР ТУПРОҚ ДОНАЛАРИ

Ушбу суратда Олмониянинг Мюнхен шаҳрида истиқомат қилаётган ватандошимиз Муҳаммад Ёқуб Ўқиён ва унинг оила аъзоларини кўриб турибсиз. Ёқубжон ака хорижда умрининг ҳар куни ҳар сониясини она юрт соғинчида кечирган ва ўтган йил кузида туғилиб ўсган маскани Бувайда туманига муқим яшашга келган Ҳожар онанинг (бу ҳақда газетамизда мақола берилган эди) кенжа фарзанди.

Муҳаммад Ёқуб Ўқиён Мюнхендаги енгил машиналар заводида муҳандис бўлиб ишлайди. Афғонистонда таваллуд топган. Турмуш ўртоғи Раҳимахон Ўқиён шифохонада ҳамшира. Тўнғич фарзандлари Явузхон иқтисод дорилфунунида таҳсил кўрмоқда, кенжалари Ўғузхон лицейда. Уларнинг ҳар бири бир қанча жаҳон тилларини билиш билан бирга хорижда туғилиб-ўсганликларига қарамай, она тиллари — ўзбек тилида ҳам бемалол гаплаша оладилар.

Ўтган жума куни Муҳаммад Ёқуб Ўқиён таҳририятимиз меҳмони бўлди. Самимий ўтган суҳбатда хориждаги ватандошларимизнинг мустақил Ўзбекистонга меҳр-муҳаббати, ўзаро борди-келди алоқалари хусусида сўз борди.

— Она тилимиз биз учун ҳамиша Ватан ва миллат тимсоли бўлиб келди, — дейди Муҳаммад Ёқуб Ўқиён. — Истибдод ҳукмрон айрилиқ йилларида кўнглимизда келажакка ишонч туйғуларини уйғотиб келган ягона тилсимот ҳам она тилимиз бўлди.

Бугун ҳижрон қорлари эриб қалбимизда висол чечаклари барқ уриб очилди. Бу мустақиллик шарофатидир. Уч ҳафта мобайнида ота макон ҳавосидан баҳра олиб яшадик, қариндошуруғларимиз билан дийдор кўришиб, қайтадан туғилгандай бўлдик.

Кўпгина суҳбатларда мустақиллик бизга нима берди деган савол ва унга берилган кўплаб жавобларни эшитиб руҳимиз янада юксалди. Ҳа, истиқлол, биргина истиқлол туфайли бизга ўхшаган ватандошлар учун Ўзбекистон эшиклари очилди. Ахир, беш-олти йил муқаддам келиб-кетиш у ёқда турсин, хат ёзиб-хат олиш ҳам ғоят мушкул эди.

Эрта-индин, тўғрироғи 1-сентябр куни бутун жумҳуриятда мустақиллик байрамининг бир йиллиги нишонланади. Биз ана шундай шодиёнани Мюнхенда Мурод Аҳмедов, Ёқуб Турон, Темур Хўжа, Чиғатой Хўжа, Анвар Хўжа ўғли каби ватандошларимиз билан нишонлаймиз. Уларнинг қувончлари ҳам бизникидан ортиқ бўлса ортиқки, кам эмас. Ҳаммамизнинг номимиздан жаъми ватандошларимиз, ёруғ юз ўзбек халқимизни бу улуғ айём билан чин юракдан муборакбод этамиз.

Мустақил Ўзбекистонимиз эл сайлаган биринчи Президенти Ислом Каримов саркорлигида жаҳон минбаридан барқарор ўрин олишига тилакдошмиз!

Яна шуни айтишни жудажуда истар эдимки, биз ватандошлар Ўзбекистон гавҳар тупроғининг сочилган доналаримиз. Жисму руҳиятимизда — бир парча Ватан — барҳаёт Ўзбекистон мавжуд!

С. ҲАКИМОВ

МАЪРИФАТ — ЭЛ ҚАНОТИ

Бу йилги 1 сентябр биз учун уч карра байрам: республикамиз мустақиллигининг бир йиллигини нишонлаймиз; янги ўқув йилининг биринчи куни; муаллимлар олий илмгоҳи асосида ташкил топган университетимизда биринчи қўнғироқ жаранглайди.

Шундай хосиятли кунда талабаларимиз билимдон, имонли, миллий ғурурли, Ватанни, ҳамжиҳатликни ардоқловчи шахслар бўлиб етишсинлар, деб астойдил ният қилмоқдамиз.

Ҳар бир фан кишиси янги кашфиётлар хаёли билан заҳмат чекса ва унинг иқтисодий самарадорлигини ўйласа; республикамиз фанини умумжаҳон талаблари даржасига кўтаришга интилса; ҳар бир зиёли истиқлол осонлик билан келмаганини ва унга қарши кучлар ҳали оз эмаслигини халққа тушунтирса; дин пешволари фақат ўқимишли ва ақил халқгина ўзига хон — ўзига бек бўлишини оммага англатиб, ёшларни инсоний камолот, маънавий гўзаллик, руҳий поклик, инсоф ва адолатга чорлаш билан бирга, уларнинг дунёвий билимларга эга бўлиши ҳам фарз эканлигини уқтирсалар; Аллоҳнинг иноятн билан ҳукумат курсисига ўтирган шахслар адолат билан давлат ишини юритиб, халққа жабр қилмасалар, шак-шубҳасиз, истиқлол истиқболи порлоқ бўлади.

Шу йилнинг февралида республикамиздаги кўп олий билимгоҳлар негизида дорулфунунлар ташкил этишга фармон берилди. Бу — узоқни мўлжаллаб қилинган сиёсат. Бу — ҳозирги ўтиш давридаги тўғри йўл. Чунки бугун ва эртага Ўзбекистон мустақиллигини таъминлашда жуда кўп билимдон, курашчан мутахассислар зарур. Университетимизга бу йил кирганлар орасида Тошкент, Самарқанд, Қарши, Наманган ва бошқа вилоятлардан кегланлар бор.

Андижон давлат муаллимлар олий билимгоҳи республикада кекса институтлардан бири эди. Унинг моддий-техника базаси анча яхши, илмий-педагогик кадрлар кўп. Аммо бу моддий-техника базаси замон талаби даражасида эмас, профессор-ўқитувчилар малакаси ҳам юксак деб бўлмайди, улар янгиликка ва янгиланишга тайёр эмаслар, талабаларнинг компютер саводхонлиги паст, илмий изланишлар, чет тилини ўрганишга иштиёқлари сust, ўқув режалари такомиллаштирилмаган ва ҳоказо... Бу масалаларни ҳал этиш учун энг аввало ички имкониятларни излаб топмоқдамиз... Қисқа муддат ичида бир миллион сўмлик лаборатория жиҳозлари сотиб олинди. 400 ўринли янги ётоқхонанинг қурилиш-лойиҳалаш ишлари битказилди.

Университет тизимида янги ташкил топган ўқув бошқармасининг ташаббуси билан барча факултет ва кафедралар иш ҳажмлари қайта кўриб чиқилди. Бўш жойларга малакали мутахассис-педагогларни таклиф қилиш имконияти яратилди. Университет қошида кимё, биология, ўзбек тилшунослиги ва Ўзбекистон тарихи фанлари бўйича аспирантура очишга рухсат олинди. Анқара ва Мозони Шариф университетлари билан профессор-ўқитувчилар ва талабалар, ўқув-методик ва илмий асарлар айирбошлаш тўғрисида шартномалар тузилди. Ватандошимиз Боймирза Ҳайит, туркиялик Лутфуллоҳ Темур университетимизнинг дастлабки хорижлик меҳмонлари бўлдилар. Яқинда профессор-ўқитувчиларимиздан уч нафари Туркияга 6 ойлик тажриба ўрганишга жўнаб кетади. Жорий имтиҳон ва синовлар сони ҳам минимумга келтирилиб, давлат имтиҳонларини диплом иши ёқлаш билан алмаштириш назарда тутилмоқда. Тажриба тариқасида айрим факултетларда қишки ва ёзги сессияларда тест-синов усули жорий этилди.

Бироқ, республикамиздаги янги ташкил топган дорулфунунлар қад ростлашлари учун ҳали кўп ижтимоий ва маъмурий тадбирлар ўтказилиши керак. Энг аввало, улар давлат томонидан қатъий муҳофаза қилиниши зарур.

Келажакда ҳар бир университетда якка тартибда ўқув режалари билан ишлаш, бюжетдан ташқаридаги ташкилотлар буюртмасига кўра айрим ихтисосликларга тўлиғича шартнома асосида қабул этиш, профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимларга уларнинг меҳнати самарасига қараб маош белгилаш каби ҳуқуқлар берилмоғи керак.

Андижон қадимдан ўзига хос маданият ўчоқларидан бири. Лекин негадир кейинги вақтларда Андижондан, айниқса, аниқ фанлар ва техника соҳасида юрт айвонини тутувчи устунлар саноқли чиқди. Бунинг асосий сабаби, менингча, шу кунгача деярли барча энг билимдон ёшлар марказга бориб ўқишга интилгани бўлса керак. Вилоятларда дорулфунунлар очилиши муносабати билан бу тенгсизлик ўз-ўзидан йўқолди, деб ўйлайман. Дорулфунунимиздаги бу йилги тестсиновга ажратилган 375 ўринга 386 нафар медалист ҳужжат топширгани даъвомиз исботидир.

Ёзги таътил даврида истиқлол учун курашган халқ фарзандларининг фаолиятларига бағишланган кўргазмалар ташкил этилди. Улар орасида соҳибқирон Амир Темур билан республика президенти Ислом Каримовга алоҳида ўрин ажратилди.

Шу кунларда юртдошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур музейини ташкил этмоқдамиз. Истибдод қурбонлари — Чўлпон, Фитрат, Дукчи Эшонлар хотира-тарих музейи барпо қилинади. Уларнинг ҳаёт йўли ҳақида илмий-амалий анжуманлар ўтказилади. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 510 йиллигига университет ҳовлисида Бобур ҳиёбони яратилиб, ҳайкали ўрнатилади.

Бу ишлар Мустақиллик беражак ҳосилнинг илк нишоналари, холос. Яқин келажакда ўзбеклар дунёдаги энг илғор халқларга етиб олишига шубҳа йўқ. Зеро, бугун унинг қанотларига чирмалган бандлар узиб ташланди. Қаноти эркин халқнинг парвози баланд бўлажак.

Қодиржон ПАРПИЕВ,
профессор, Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат дорулфунуни ректори вазифасини бажарувчи

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» ОЙНОМАСИ ЎҚУВЧИЛАРИГА

Азиз биродарлар! Қадрли дўстлар! Маълумингизким, «Шарқ юлдузи» ойномасида икки йил давомида (1990 йилнинг март ойидан 1992 йилнинг февраль ойигача) Қуръони каримнинг маъно таржимаси чоп этилди. Таҳририятга келган кўплаб хатларда ойнома мухлислари муқаддас Китобни жамлаб, яхлит ҳолда чоп этишни сўраганлар.

Кўп минг сонли ўқувчиларнинг талаб ва истакларини инобатга олиб, «Шарқ юлдузи»нинг 8- ва 9-сонларини жамлаб Қуръони каримнинг тўлиқ маъно таржимасини нашр этяпмиз.

Хабарингиз бор, қоғоз, босмахона ва бошқа харажатлар ўнлаб, йигирмалаб марта ошди. Шунга яраша барча нашрлар нархи ҳам кескин кўтарилди. «Шарқ юлдузи» эса обуначиларга ҳамон 2 сўм (бир қути гугурт баҳосида) етказиб берилмоқда. (Ҳолбуки, бунча маблағ ойноманинг Сизга етиб бориши учун сарфланадиган йўлкирани ҳам кўтармайди). Очиғини айтсак, харажатларни қопламаслик оқибатида «Шарқ юлдузи» ёпилиш даражасига тушиб қолди. Шундай оғир шароитни ҳисобга олиб, мазкур нашр нархини обуначига 60 сўм, чакана савдода шартнома баҳосида, деб белгилашга мажбур бўлдик. Муқаддас Китобни чоп этишдан мурод — бир томондан кўплаб ўқувчилар талабини қондириш, иккинчи томондан, севимли ойномангизни мушкул аҳволдан чиқариш учун оз бўлса ҳам кўмаклашиш. Бундан дилингиз ранжимайди, деб умид қиламиз.

«Шарқ юлдузи»нинг Қуръони карим маъно таржимаси чоп этилган ушбу сонини олиш учун хонадонингизга хизмат қиладиган алоқа бўлимига ўзингиз бориб учрашиб, қуйидаги манзилга 60 сўм маблағ ўтказишингизни сўраймиз:

Тошкент шаҳри, Промстройбанк Октябрь бўлимининг Ғ. Ғулом номидаги нашриёт ҳисоб рақами 000363413. МФО 172682301.

«Шарқ юлдузи» ойномаси учун, деб ёзилсин.

ТАҲРИРИЯТ

«ФЕНИКС—ГУЛИ» ПАРВОЗ ҚИЛМОҚДА

Ўзбекистон «Ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Хитой Халқ Республикасининг Шинжонг райони авиакорхонаси билан ҳамкорликда Тошкент — Ўрумчи ҳаво йўли бўйлаб самолётлар мунтазам қатновини бошлади. Биринчи парвозда «Феникс-Гули интернейшнл» корхонаси ҳам қатнашди. Бу корхона ўзбек миллий санъатини хорижий элларда намойиш этиш билан шуғулланади. Унинг раҳбари, раққоса Гулчеҳра Юсуповадир.

— Гули, бундай корхонани очишдан мақсад нима?

— Ҳозирги иқтисодий қийинчилик ўзбек санъати жамоалари олдига ҳам қатор муаммолар қўймоқда. Лекин мустақилликка эришган ва жаҳон даврасига чиққан эканмиз, демак санъатимизни ҳам бевосита кўзкўз қиладиган пайт келди. Шу мақсадда авиакомпания қошида қўшма корхона туздик.

— Ҳомийлар кимлар?

— АҚШнинг Калифорния штатидаги «Феникс» фирмаси ва Ўзбекистон саноат-қурилиш банки. Жамоамиз шу ҳомийлар фаолиятини, хизматини ва маҳсулотларини жаҳон мамлакатларида ўзбек санъати воситасида тарғиб қилади.

— Аниқроқ айтиб бersangиз?

— «Феникс» фирмаси медицина асбоблари, ойна ва гўшт маҳсулотлари тайёрлаш билан шуғулланади. Биз асосан фирма ва авиакомпания хизматини реклама қиламиз. Концертлар берамиз. Хорижликларни Ўзбекистон сафарига чорлаймиз.

— Дастлабки қадамлар қандай бўлди?

— Шу йил февралда рўйхатдан ўтган бўлсак, майнон ойларида Бирлашган Араб Амирлиги мамлакатида ўзбек санъати ўн кунлигида иштирок этдик. Чиқишларимизни маҳаллий телевидение олиб кўрсатди. «Қулф» ва «Ал Халич» газеталари мақолалар босиб чиқарди.

— Ўрумчи сафарида кимлар қатнашди?

— Бу сафаримизда республикада хизмат кўрсатган артист Элмурод Исломов, созандалар Мирҳосил Азизов, раққоса Раъно Зокирова, Олим Орифжонов ва мен иштирок этдим. Шинжонг диёрида икки мамлакат авиаторлари учрашувида берган концертларимиз уйғур дўстларимизга ғоят манзур бўлди.

— Режалар қандай?

— Шу йилнинг ўзида қўшма корхонамиз Ҳиндистонда ўзбек миллий таомлари ва санъати кунларини ўтказади. Энди сафимизга пазандалар ҳам қўшилади. Малайзияда эса бир ой давомида маданиятимиз кунлари ўтказамиз. Унда халқ амалий санъати намойишига кенг ўрин берилади.

Абдулла ПЎЛАТОВ,
Тошкент — Ўрумчи — Тошкент парвози қатнашчиси.

ЎЗЛИГИНИ АНГЛАЁТГАН ЮРТ

Давоми. Боши бешинчи бетда.

ра, ўша йиллар иш услубига мувофиқ, бўлажак йиғилиш тадбирлари ипидан-игнасигача юқори идораларда қайта-қайта кўриб чиқилди. Айниқса, сўзга чиқувчилар билан алоҳида «ишланди», айтиладиган фикрлар ғоят силлиқланди. Аммо йиғилишда қизиқ ҳол рўй берди. Сўзловчилардан, аниқроғи, шу корхонанинг илғор ишчи аёлларидан бири кутилмаганда «қоидани бузиб» Шароф Рашидовга мурожаат қилиб қолди. Ундан ишчиларга қулайлик яратиш учун битта автобус ажратишда ёрдам беришини сўради.

Учрашув масъулларининг рангида ранг қолмади. Битта автобусни ҳам жумҳурият раҳбаридан сўрайдими, бу қандай гап, дегандай, қўрқиб, энди буёғи нима бўларкин дея бир-бирларига қараб қўйдилар. Дарҳол бу ишчи аёлнинг нутқини олдиндан ким кўриб берганини суриштира бошлашди. Бироқ, ҳеч ким мен деб жавоб беришга ботина олмади.

Йиғилиш якунида Шароф Рашидов нутқ сўзлади. Қурувчиларга самимий раҳмат айтди. Сўнгра меҳрибонлик билан ишчиларга мурожаат қилиб улар кўтарган масала ўринли эканини, ишчиларга фақат биттагина автобус ажратиш эмас, бошқа қулайликлар ҳам яратиш даркорлигини, бу борада жумҳурият ҳукумати ўз ёрдамини аямаслигини билдирди. Пировардида, ҳалиги илғор ишчи аёлга дангалини айтгани учун миннатдорчилик изҳор этди. Қисқаси, Шароф ака, мен жумҳурият раҳбариман, автобусдан бошқа ишим йўқми, деган хаёлга бориб ўтирмади, аксинча, ким бўлишидан қатъий назар ўзига мурожаат этган ҳар бир одамга ғоят эътиборли эканлигини намоён қилди. Аммо бу ишни бевосита бажариши лозим бўлган маҳаллий раҳбарлар-чи? Уларнинг катта раҳбардан гап эшитмаслик учун ноўрин ҳадиксираш-лариюз ўз лоқайдликларини хаспўшлашга уринишлари қолди, холос.

Бу БИЛАН НИМА ДЕМОҚЧИМАН. Бугунги кунда танқидга, борди-ю, у дўстона ва жамият учун фойдали бўлса, кенг йўл очиб бериш керак. Айни чоғда танқидчилар ҳам ҳар бир сўзни, ҳар бир таклифни ўйлаб, мавридини билиб айтишлари лозим. Худди шунингдек, ўтмишни ҳудабеҳуда қоралайвериш, тарихни нохолис титкилайвериш ҳам одобдан эмас. Жумҳуриятимизда мустақилликни янада мустаҳкамлаш учун кураш кетаётган ҳозирги бир пайтда бу иш мутлақо ўринсиздир. Энг муҳими, биз босиб ўтилган йўлдан, у хоҳ узоқ ўтмишга, хоҳ яқин ўтмишга тааллуқли бўлсин, одиллик билан хулоса чиқармоғимиз керак. Жумҳуриятимизни мустақил давлат сифатида дунёга танитиш жараёнида барча даражадаги шахсий ғаразларни четга суриб қўйиб, ягона мақсад сари интилмоғимиз лозим. Аниқроғи, нуқул бир-бирини инкор қилавериш асосида эмас, балки бир-бирини тўлдириш, бири бажариб улгурмаганини иккинчиси давом эттириб, охирига етказиш қоидаси бўйича иш тутсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

Мустақиллигимизни асраб қолиш ва ривожлантиришда тарихимизни чуқур ўрганиш, шу пайтга қадар унутилган, топталиб келинган қадриятларимизни қайта тиклаш ҳам катта аҳамиятга эга. Жумҳуриятимизда бу борада катта ишлар қилинмоқда. Шу билан бирга баъзан маънавий ҳаётимизда, хусусан, ўлкамиз тарихини ҳар томонлама теран таҳлил этишда бир ёқламаликка йўл қўйилаётганлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Ҳолбуки, шусиз ҳам Октябр инқилобидан сўнг биз 1917 йилгача бўлган даврни яккаш танқид қилиш билан машғул бўлгандик. Халқимизнинг қадимий бой анъаналари ва тарихи деярли тилга олинмасди, онгли суръатда яширилиб, сунъий равишда сохталаштирилганди.

Аслида бизнинг халқимиз ўтмишда ҳар жиҳатдан устун бўлган. Бор ҳақиқатни рўй-рост айтишдан қўрқмаган. Халқимизнинг ана шундай довюрак фарзандларидан бири Файзулла Хўжаев эди. У қатағонлар авжига чиққан пайтларда ҳам рост сўздан қайтмаган. Ўз нутқларида, мақолаларида Ўрта Осиё Россия томонидан истило қилинганини тарихий далиллар асосида такрор-такрор исботлаган. Бу тарихий факт. Бироқ тарихимизнинг кейинги босқичларида бу далиллар тилга олинмай қўйди, биз ҳақиқатдан кўз юмиб, худди тўтиқушлардек, Ўрта Осиёнинг Россияга ғўёки қўшиб олингани ва бу ишнинг «буюк тарихий аҳамияти» ҳақида гапира бошладик. Бу бизнинг тарихий жараёнларни ҳаққоний ва холис баҳоламаслигимиз, аксинча, уни бўяб кўрсатишимиз оқибати, маънавиятимиздаги кечириб бўлмайдиган ожизлик ва журъатсизлик эди.

Шоир ва публицист Жамол Камол яқинда «Ўзбекистон овози» газетасида эълон қилинган бир мақоласида шундай бир мисолни келтирди: «Чор Россияси Туркистонни истило этгач, шарқшунос В. Бартольд бу ўлкага бир неча бор ташриф буюриб, сўнг Санкт-Петербург Фанлар академияси илмий кенгашида ҳисоб беради. Ҳисоб бериб дейдики, биз шу пайтгача маданий савияси ўзимиздан паст бўлган халқларнинг ерларини босиб олгандик. Энди бўлса, Туркистон мисолида тамом тескари аҳволга дуч келиб турибмиз... Туркистонликлар биз-нинг ҳарбий устунлигимизга тан беришди, аммо маънавий устунлигимизни тан олишгани йўқ. Вазифа — ана шуни тан олдиришдан иборатдир... То шуни тан олишмас экан, биз узил-кесил ғалаба қозондик, деб айта олмаймиз».

У ШБУ МИСОЛДАН КЎРИНИБ ТУРИБДИКИ, Туркистон халқларининг маданияти ва маънавияти жуда улуғ. Унинг улуғлигини кейинги йилларда ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда рўй берган жараёнлар ҳам тасдиқлади. Босқинчилар ўзларининг маънавий жиҳатдан устунликларини Туркистон халқларига тан олдира олмадилар. Халқларимиз истиқлолга эришиб, мустақилликнинг ойдин йўлига чиқиб олдилар. Эндиликда ана шу йўлдан келажак сари дадил одим ташламоқдалар. Ишқилиб, истиқлолимизнинг умри боқий бўлсин.

Турсунбой ФАЙЗУЛЛАЕВ,
тарих фанлари номзоди.

ЎзАО АХБОРОТИ

«ОЛТИН ВОДИЙ» САХОВАТИ

Фарғонадаги «Олтин водий» универсал биржаси ташкил топганига ҳали бир йил ҳам тўлгани йўқ. Шунга қарамай, биржа ўз йўналиши бўйича катта ютуқларни қўлга киритди. Айни чоғда хайриясавоб ишларида ҳам фаол қатнаша бошлади. Жумладан, Тошкентдаги Насриддин Афанди номидаги театр-студиясига, жумҳурият болалар жамғармасининг Фарғона бўлимига, Фарғона шаҳридаги кўзи ожизлар ва кўнгиллилар жамиятларининг ҳар бирига икки минг сўмдан, Фарғона вилоят оналарни ва болаларни ҳимоя қилиш ташкилоти ҳамда шаҳар халқ маорифи бўлимига 100 минг сўмдан, вилоят меҳр-шафқат жамғармаси ва вилоят болалар театрига 10 минг сўмдан, вилоят ногиронлар жамиятига 4 минг сўм, шаҳардаги Жўйидан маҳалла қўмитасига 6 минг сўм, вилоятдаги Навоий номидаги давлат хўжалигига 3 минг сўм ёрдам пули ўтказди. Бу маблағлар эзгу мақсадлар учун сарфланмоқда.

Биржа аҳли Мустақиллик байрами кунларида ҳам муҳтожлардан ўз саховатларини дариғ тутмасликка аҳд қилганлар.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!
ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Газета ва журналларга обуна варақчасини сиёҳли ручкаларда ҳатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақчасидаги «ПВ-Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.

ХАЙРИЯ САЙЛИ

Шу кунларда шаҳар-қишлоқларимизда Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллик шодиёналари бошланиб кетди. Умуман олганда, республикамиз истиқлоли қутлуғ келди. Бир йил давомида бошимиз тўйдан чиқмади. Ўтган йили бир неча ой улуғ Навоийнинг 550 йиллик юбилейини тантана билан нишонладик. 1992 йил эрта баҳорида элимиз Наврўз байрамини шоду-ҳуррамлик билан ўтказди. Шу аснода яна бир хайрли ишга қўл урилди. Республика «Наврўз» хайрия жамғармаси ташкил этилди. У қисқа вақт ичида савоабли ишларни амалга оширди. Жумладан, чернобилчиларга ва Ижтимоий таъминот вазирлигига 1 миллион сўмдан, Самарқанд фирмасига 2 миллион сўм, пойтахтимиздаги Собир Раҳимов туманида ёнғиндан талофат кўрганларга 100 минг сўм ҳайрия пули ўтказди.

Истиқлол байрами арафасида жамғарма ўзининг илк «Хайр-саховат юриши»ни бошлади. Бу сайл шу йил 23 августда Чирчиқда бўлиб ўтди. Унда, чунончи, Жигаристон фожиасидан омон қолган Қурол Рахов оиласига жумҳуриятимиз президентининг 50 минг сўмлик ҳадя пули топширилди. Турмуш ўртоғи поезд ҳалокати туфайли ҳалок бўлган Фотима Давлатёровага 10 минг сўм ёрдам пули берилди.

Хайрия сайлида таниқли хонандалар, раққосалар, аскиячилар қатнашдилар, миллий ва замонавий куй-қўшиқлар, рақслар ижро этилди. Сайл давомида жамғарма ҳазинасига 1 миллион сўм пул тушди. Шундан 40 фоизи Чирчиқ шаҳрида яшовчи муҳтожларга тарқатилади.

О. БУРИЕВ

ЭЪЛОН

«ТЎМАРИС»

фирмаси

корхона ва ташкилотларга

Этикеткалар, ёрлиқлар, бланкалар

тайёрлаб беради.

Қоғоз фирма ҳисобидан.

Босма маҳсулотлар

жумҳуриятнинг исталган ерига жўнатилади.

Корхоналар, консерва ва ичимлик сувлари ишлаб чиқарувчи заводларни ҳамкорликка таклиф этамиз.

Фирма, шунингдек, корхона ва ташкилотлар тарихи ва фаолиятига онд буклетлар, расмли китоблар, кино ва видеофильмлар ҳам тайёрлайди.

Маълумотлар учун телефон: (712) 41-53-03.

БАЙРАМГА НЕГА БОРОЛМАДИК?

Биласиз, Наманган гуллар диёри. Шаҳарда ҳар йили гул байрами ўтказиш доимий анъанага айланиб қолган. Наманганликлар бу сафарги байрамни Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллигига бағишлаб, 22—23 август кунлари ўтказишни мўлжаллашган экан. Шу муносабат билан шаҳар ҳокимиятидагилар муҳарририятимизга телеграмма йўллаб, бизни байрамга лутфан таклиф этишган, ҳатто, борадиган меҳмонлар сони ва ташриф вақтини олдиндан маълум қилишимизни сўраган эканлар. Шунинг ўзиёқ наманганликлар ҳафталигимизни ниҳоятда севиб ўқишларидан, ижодий жамоамизни беҳад ҳурмат қилишларидан далолат беради. Афсуски, биз гул байрамига боролмадик. Боиси — телеграмани 11 кун кечикиб — 25 августда олдик. Ҳолбуки, у 14 август куни эрталаб соат 10.20 да Намангандан узатилган, Тошкентдаги 47-алоқа бўлими томонидан эса шу куни соат 11.30 да қабул қилинган.

Одатда бундай шошилинчномалар зудлик билан телеграмма олувчининг қўлига етказиб берилиши лозим. Биз эса телеграммани 11 кундан сўнг таҳририятимизга келадиган хатлар қутисидан топдик. Қизиқ, таҳририятимиз жойлашган бинога келган алоқа ходими наҳотки атиги 3-4 дақиқа вақтини сарфлаб, шундоққина учинчи қаватга кўтарилишни, жилла қурса, жадвалга қараб телефон рақамларимизни топиб, пастдан бирров бизга қўнғироқ қилишни ўзига эп кўрмаган бўлса?

47-алоқа бўлимидагилар, жумҳурият Алоқа вазирлиги бу ҳолни қандай баҳолашар экан?

А. ҲАЙДАРОВ

БАСТАКОРЛАР ЙИҒИНИ

Ўзбекистон Бастакорларининг таъсис пленуми бўлиб ўтди. Пленумда атоқли бастакорлар, композиторлар ва мусиқашунослар қатнашдилар. Пленумда асосан бастакорларнинг долзарб муаммолари ва ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Биринчи масала бўйича бастакор Раҳматжон Турсунов маруза қилди. Музокараларда Ф. Мамадалиев, Н. Қулабдуллаев, С. Ҳайитбоев, Т. Отабоев, Ҳ. Жўраевлар сўзга чиқдилар.

Пленумда бастакорларнинг мустақил уюшмасини тузиш ҳақида таклиф киритилди. Бу тадбир Бастакорлар қурултойида амалга оширилиши белгиланди. Қурултой шу йилнинг октябрь ойида ўтказишга қарор қилинди.

Пленум ташкилий иш олиб бориш учун Бастакорлар уюшмасининг таъсис кенгашини сайлади. Кенгаш раиси этиб бастакор А. Исмонов сайланди.

С. БЕГМАТОВ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси жамоаси ёзувчи Дилшода Саидолимовага укаси

Фурқат ЭРГАШЕВ

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ШУМ БОЛАНИНГ ЧОЙХОНАСИ

ТУШУНТИРДИМ

ҲАЕТИЙ ҲАНГОМА

Мустақиллик эълон қилинганда севинчимни кўрсангиз эди, юрагим тарс ёрилиб кетаёзди. Бор овозда бақиргим келади, денг. Қарсак чалиб, дикинг-дикинг сакрайман. Пастдаги қўшним «дупирлатманг», дея иситгич трубасини «тақ-тақ» уриб тартибга чақирди. Бундан деярли ҳафа бўлмадим, чунки мустақиллигимизни кўролмайдиганлар ҳам бор-да. Шодлигимдан ухлаёлмай тонггача ағанаб чиқдим. Эрталаб у-бу еган бўлдим, томоқдан нарса ўтармиди. Қафасдан бўшаган эркин қушдек отилиб кўчага чиқдим. Боғчасида тер тўкаётган қўшним билан қувноқ саломлашдим.

— Мустақиллик муборак бўлсин, қўшни! — дедим теримга сиғмай.

У анча анграйиб турди.

— Мустақиллик муборак бўлсин, дейман. Эшитдингизми?

Қўшним чуқур «уҳ» тортди ва:

— У сиз билан менга нимаям берарди. Ундан кўра ойлигимни оширсин, қойил қолай. Мустақиллик раҳбарлар учун яхши-да, — деди.

— Нега энди? — ҳайрон бўлдим. — Ҳаммамизга яхши бўлади.

— Мен билан сизга ҳеч қачон яхши бўлмайди. Мустақил бўлиб олган раҳбарлар ўз ойлигини оширади. Мустақил бўлгач, ҳоҳлаган ишини қилаверади-да. Кейин эсингиздан чиқарманг, замон ўзгарса ҳам, нарх-наво ошса ҳам доимо уларга маза бўлган.

— Қўйсангиз-чи, — дейман қизишиб. — Бекорга бир кун байрам деб эълон қилинмади, ахир.

— Шунча байрам нима берди? «Урра-урра», деб томоқни йиртганимиз қолди. Ҳаммаси атайин ичиш учун ўйлаб топилган. Байрам яқинлашдими, ҳамма ароқ излаб қолади. Натижада ҳамма ёқни алкаш босиб кетди.

Бу гаплардан мантиқ тополмай асабийлаша бошладим. Кайфиятим бузилиб ўзоқлашдим. Аммо бутун вужудимни қоплаган қувонч мени тарк этмади. Мустақилликнинг нақадар зарурлиги тўғрисида тўйиб-тўйиб гаплашгим, хумордан чиққунча баҳслашгим, келди. Автобусда икки йигит қизғин суҳбатлашишарди. Ҳойнаҳой мустақиллик тўғрисида бўлса керак. Чидаб туролмадим, суриниб-суриниб яқинлашдиму, гап суқдим,

— Жумҳуриятимизда мустақиллик эълон қилиниб оламшумул иш бўлди-а?

Уларнинг хурсанд нигоҳига қараб завқим ошади. Ҳамфикрлар топилди, мириқиб суҳбатлашиб оламан.

— Кейин-чи? — қистайди биринчиси.

Иккинчиси хурсанд давом этади.

— Кейин гуручни дамлашдан олдин бир ҳовуч тоғ писта мағизидан солдик. Ярим соатдан сўнг дам товоқни кўтарсак, саримсоқ илик бўлиб кетибди: мени олинг, акажон, олинг акажон, деб ўзи оғзингизга кираман дейди. Пистанинг мазаси гуручга урган. Бай-бай-бай... Гуруч данакдек катталашиб қозондан бир-бирини етаклаб чиқиб келаяпти... Биринчиси «қулт» этиб ютинди.

Юрагим асабий ура бошлади, сиғралиб олдинга ўтиб кетдим. Ишхонамга яқинлашсам майдончада ҳар кунгидек бир неча киши чекиб ўтиришибди.

— Мустақиллик муборак, азизлар! Бахтимиз бор экан, тарихий иш бўлди-а! — дедим бор овозда.

Икки-уч кишининг қулоғи динг бўлди. Атрофга алангжаланг қараб, тамакисини охиригача чекмай илдам жўнаб қолишди.

— Неча йиллаб орзиқиб кутган кунимиз ҳам келди. Мана, мустақилликка ҳам эришдик, — дедим ишхонадагилар билан хурсанд қўл олишаётиб.

— СССРни йўқ қилиб бекор иш қилдик, — деди биров асабий бурнидан тутун чиқараркан. — Энди ҳолимиз нима кечади, бизни ким ҳимоя қилади?!

— Ўзимиз! — дедим бўйин томирим бўртиб.

— Қандай қилиб? Мисол учун менинг вақтим йўқ. Томорқамни ағдаришим, экишим... Эҳ-ҳе, бош қашишга қўл тегмаяпти. Қудратли давлатимиздан ҳаммаси қўрқар эди. Энди қўрқмай қўйишди. Мустақиллик эълон қилиниши билан чет элликлар турнақатор бўлиб кела бошлашди. Олдинлари Ўзбекистонга шунақа келишганини эслайсизми? Қўрқишарди, келишолмас эди. Энди бемалол. Чегараларимизни билиб олиш учун келишаяпти. Мақсади шу.

— Нимасини айтасиз, — деди таассуф билан сочига оқ оралагани. — Одамлар ҳеч кимга қулоқ солмай қўйди. Тартиб-интизом қолмади. Ҳамма томонни савдогар босиб кетди. Тағин тижоратчиларга кенг йўл эмиш...

Камқон бўлмасамда, қон миямга тепди.

— Мустақиллик учун овоз бердик-ку. Энди нега бунақа гапларни гапираяпсизлар?

— Овоз беринглар, дейишди. Айтганларини қилдик-да. Мен сизга айтсам мустақиллик қорин тўйғазмайди, биродар. Сталин, Брежнев боболарнинг даври ҳам зап замон бўлган эканда. Эссизгина Янаев...

— Сизга ўхшаб фақат овқатни ўйласак, озиқ-овқат қоладими. Қорни тўқ қул бўлганимиз яхши эмасми? — дейман асабим таранглашиб.

— Сафсатани қўйинг. Олдин иқтисод кейин сиёсат. Қорин тўқ бўлса бўлди-да, у ёғи билан нима ишимиз бор.

— Хато қиласиз. Энг аввало, бизга мустақиллик сув билан ҳаводек зарур. Бошқа давлатлар юз йиллаб курашиб, зўрға мустақилликка эришаяпти.

— Улар билан неча пуллик ишимиз бор. Ҳалиям кеч эмас, СССРни тиклаш керак. Шунда қорнимиз нонга тўяди.

Энди буниси ортиқча. Тоқат қилолмадим.

— Тушунмаган оми одам экансиз? — дедим рангим бўзариб.

— Мен-ку тушунаман. Сиз кўп нарсага ҳали ҳам тушунмайдиганга ўхшайсиз,— деди у ҳам вишиллаб.

— Сизга ўхшаган қоринлар ҳамма ёқни расво қилаяпти. Озиқ-овқатга жиддий зарар етказиб, иқтисодни издан чиқариб юборди. Шунга фаросатингиз етаяптими? Ўзи калла, деб қовоқни кўтариб юрибсиз-да, — дедим ғазабдан қалт-қалт титраб.

— Э, бор-е, ишингни қил, ўргилдим сендақа ватанпарвардан! — деди у. Бор ҳасрат, алам, ғазаб ва нафратим ошиб кетди. Лекин бўшашмадим, тушунмаган бу гумроҳларга тушунтира бошладим. Бошқа иложим қолмаганди, нима қилай, ахир?!

Марат ШАРИФ

Шароф БОШБЕКОВ

АЧЧИҚ ЭДИ, ШАКАР БЎЛДИ

Бир куни бизникига ойнаижаҳон орқали анча танилиб қолган сўз устаси, «Қизиқчи-91» кўрик-танловининг совриндори Рустам Мирзалиев келиб қолди. Юз-кўзидан сездимки, тағин бир янги гап топиб келган.

— Шароф ака, кеча «Ким жинни»ни кўрдим, — деди у қувлик билан боқиб. — Кейин уйга бориб роса ўйладим, ким жинни экан, деб. Хуллас, топдим!

— Хўш ким жинни экан?

Рустам бошини сарак-сарак қилганича ўйноқи жиддийлик билан деди:

— Ўн сўмга билет олиб юрибман-а...

●

Рустамнинг бир довдирроқ таниши бор эди. Бир гал кўчада учрашиб қолиб, гапга тушиб кетдик. Суҳбатимиз эрк, мустақиллик, Ўрусиянинг салкам бир ярим асрлик мустабидлиги ҳақида кетди. Шу пайтгача гапга аралашмай турган ҳалиги довдир тўсатдан билағонлик қилиб, бизга ақл ўргатиб қолди:

— Яхшиямки, бизни Ўрусия босиб олган, бўлмаса Англия-панглия, Гермон-пермон босиб олиб қўярди. Унда, худо билади, ҳозир биз кимларнинг уйида хизматкор бўлиб юрардик!..

Рустам унга бир қаттиқ тикилди-ю, сўнг гўё арзимас нарса ҳақида гапираётгандай, бепарвогина деди:

— Шу калланг бўлса, сен ҳозир менинг уйимда хизматкор бўп юрардинг...

●

Бир неча улфат чойхонада ош қиладиган бўлдик. Ҳеч ким таклиф қилмаган бўлса ҳам ҳалиги довдир келиб қолди Келасолиб қозонтовоққа аралашиб кетди. Ош масаласида улфатларнинг фикри иккига бўлинди: бир-иккитаси беҳили ош қиламиз деса, қолганлар саримсоқли бўлсин дейишди. Анча тортишдик. Кейин бир қарорга келолмай, ҳаммамиз жим бўлиб қолдик. Шунда ҳалиги довдир бир қўлига беҳи, иккинчисига саримсоқни олиб:

— Хўш, шундай қилиб, бунинг қайси бири ортиқча энди? — деди ишчанлик билан.

У қўлларини икки ёнга кериб турарди. Рустам аввал унинг бир қўлига, сўнг иккинчи қўлига қаради-ю, юмшоқлик билан деди:

— Ўртасидагиси...

●

Мана бу ҳангомани менга таниқли театршунос Фрунзе Жўраев гапириб берган эдилар. -

Трамвайнинг чиптаси уч тийин бўлган «коммунизм» даврида бир санъаткор машина олган экан. Биринчи кун ишхонага миниб келибди. Ҳовлида уч-тўрт ҳамкасблари гаплашиб туришган экан. Улар атай машинани кўрмаганга олишиб, у ёқ-бу ёқдан гап сотаверишибди. Машинанинг эгаси аввал ғилдиракларини намойишкорона тепиб кўрибди, сўнг эшикларини қайтадан очиб, қарсиллатиб ёпибди, энгашиб тагларини қарабди. Лекин ҳамкасблар машинани сира «пайқашмасмиш». Бола-чақа, қариндош-уруғдан ҳол-аҳвол сўрармишу, машинадан гап очишмасмиш. Ўзи айтай деса — ноқулай. Кейин мошинанинг калитини уларнинг бурнига теккизгудай қилиб қўлида айлантириб кўрибди. Барибир ҳеч ким парво қилмабди. Жа қон бўп кетган машинанинг эгаси охири чидолмай, гап очибди:

— Бу, трамвайнинг билети ҳалиям уч тийинми?

●

Шоир ва таржимон Ҳамид Исмоиловнинг қишлоғида бир бекорхўжа бўлар экан. Дарвоза олдига курси қўйиб олиб, эрталабдан-кечгача ўтган-кетганга гап ташлаб ўтираркан. Бир киши қўй етаклаб ўтиб қопти. Қўйнинг қўзичоғи ҳам бор экан.

— Мусулмонқул, — дебди у қўйнинг эгасига, — қўзичоғинг эркакми, урғочими?

— Эркак, — деб гапни қисқа қилибди қўйнинг эгаси.

Бекорхўжа бу қисқа гап-сўздан қониқмабди шекилли, яна савол берибди:

— Онаси-чи?...

●

Таниқли ва ташкилотчи ёзувчиларимиздан бири устоз Саид Аҳмадга мақтаниб қолди:

— Ҳозир кўча-ҳиёбонларнинг ўрисча номларини ўзгартириб, ўзимизнинг ўтиб кетган олим, ёзувчиларимизнинг номини қўяяпмиз. Бир чеккадан ҳаммасини шунақа қилиб ташлаяпмиз!

Саид Аҳмад ака унинг гапини бўлдилар:

— Жа унақа қиворманглар, ҳали ўладиганлар бор...

●

Ичкиликвозликка қарши кураш айни қизиб, бир кружка пиво ичганни ҳам миршаблар мошинага солиб олиб кетадиган замонлар. Домла Азиз Абдураззоқовнинг бир эски сумкалари бўларди. Жуда машҳур сумка эди, чунки унда ё тўла, ё ярми ичилиб, тиқинланган виноми, ароқми, конякми, албатта топиларди. Бир куни Азиз ака «Табассум» радиожурнали таҳририятига келиб қолдилар. Қўлларида ўша машҳур сумка. У киши билан сўрашяпмизу, лекин ҳамманинг кўзи «хазина»да. Радиожурналнинг режиссёри Раҳмат Жумаев сўмкани умид билан кўтариб-кўтариб қўйди-да, Азиз акадан сўради:

— Устоз, сўмка оғирми?

Азиз ака ҳазин овозда жавоб қилдилар:

— Йўқ, бўтам, замон оғир...

●

Яқинда Фарғона вилоят театрининг 60 йиллик юбилейи бўлиб ўтди. Шу пайтгача театрнинг номи «Максим Горький» эди, юбилейдан олдин унга Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номи берилди. Анжуман иштирокчиларидан бири шу масалада жуда чиройли гап қилди:

— Илгари театримизнинг номи «Горький» яъни АЧЧИҚ эди, ҳудога шукрларки, энди ШАКАРжонов бўлди!

●

Ўша театр юбилейида камина ҳам табрик сўзи билан чиқиши керак эди. Бу жамоа мен учун ниҳоятда қадрдон — демак, жўялироқ гап қилишим керак. Нима дейишимни билмайман. Кечаси билан поездда йўл юрганмиз — уйқунинг тайини бўлмаган, бунинг устига Машраб Бобоев билан... бирга келганмиз. Қани энди Бошбековнинг бошига бирон ақллироқ фикр кела қолса!

Бахтимни қарангки, айни ўша кезларда «Темир хотин» спектаклидаги робот аёл ролининг ижрочиси, Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотининг соҳибаси Ойкарам Ҳалимова фарзанд кўрган эди. Яна, денг, «Темир хотин» фильмидаги робот аёлни ўйнаган севимли санъаткоримиз, асли фарғоналик синглимиз Дилором Эгамбердиева ҳам яқинда она бўлган эдилар. Шу нарса туртки бўлди-ю, — умрида шеър ёзмаган одам! — шеърга ўхшаган бир нима қоралаб, ўқиб бериб қўя қолдим:

Не балолар ёғилса ҳам
Аёл бешик қучаверар.
«Туғмоқ зарар!» дея баъзи
Маддоҳлар лоф ураверар.
Биров алла айтса, улар
Томоғидан бўғаверар.
Лек қасдма-қасд ўзбекларнинг
Роботи ҳам туғаверар!

МУСТАҚИЛЛИК ҲАҚИДА КИМ ҚАНДАЙ ЁЗАР ЭДИ?

Абдулла ОРИПОВ:

Кеча оқшом хонамда хаёл суриб ётганда
Телевизор хиринглаб хира ханда отганда,
Кўз илиниб, ногоҳон болалар уйғотганда,
Мен сени кутиб олдим, азизим, Мустақиллик.
Дарҳол союзга чопдим, азизим, Мустақиллик.
Индо бер, шу пайтгача қайда, қайларда эдинг.
Хонанданинг хониши, ҳамда найларда эдинг,
Билмадим, қандай сирли, пинҳон жойларда эдинг
Тўнғиб қолмайсан энди аёзда, Мустақиллик,
Қолиб кетмайсан энди қоғозда, Мустақиллик...

Рассом Ҳабибулло РАҲМАТУЛЛАЕВ

Йўлдош ЭШБЕК:

Ўркач-ўркач тўлқинларнинг қаърида
Темир сандиқ қалқиб-қалқиб келади,
Юз эллик йил сузган сандиқ бағрида
Ана, Мустақиллик оқиб келади.
Тулпормидинг, тўбчоқмидинг, келмадинг
Етмиш тўрт йил юрдим пою-пиёда,
Шу пайтгача нималигинг билмадим,
Мустақиллик, бормисан-ей, дунёда...

Икром ОТАМУРОД:

Безиб кетдим бу Тош Шаҳардан
Кенг далани орзу этаман.
Мустақиллик тегди бизга ҳам
Энди қишлоғимга кетаман.
Зангор-зангор даштлар қўйнида
Тўрғайли манзилни соғиндим.
Усган қўзигулни соғиндим,
Жануб қушларига ошиён,
Тўрғайли манзилни соғиндим.
Мустақилман, бунда нетаман,
Кетаман дедимми, кетаман!
Кетдим!
Кетдим!!
Кетдим!!!

Эшқобил ШУҚУР:

Муз устида, музлар устида
Суякларим қисирлайди-ей,
Жонга тегди бу қўҳна устал
Қимирласам, ғижирлайди-ей.
Мустақиллик, келармикан деб
Қарай-қарай кўздан қоламан,
Мана, энди мустақил бўлдим
Янги кресло ҳам оламан!

Абдунаби ҲАМРОЕВ

ЕНГ ИЧИДАГИ ГАПЛАР

Айрим «асарлар»нинг ёзилишида бош эмас, қўл ишлатилган, холос.

●

«Шакарнинг ози ширин», деган доно нақлга бугунги кунда юз фоиз амал қилаяпмиз.

●

ХОТИН: — Бу кунимдан ўлганим яхши!

ЭР: — Менинг ҳам...

ХОТИН: — Унда мен ўлмай қўяқоламан.

●

ЭР: — Бу уйда хўжайин менми, ёки сен?

ХОТИН: — Мен! Мен!!! Хўш, нима эди?

ЭР: — Й...ўқ, шунчаки сўраган эдимда...

Абдуазиз ҲОШИМОВ

қирқиш чизиғи

«ЎзАС» муштарийларининг ютуқли лотореяси

Исмингиз ва фамилиянгиз _____

Касбингиз ва ёшингиз _____

Турар жойингиз _____

Ҳафталигимизни қачондан бери ўқийсиз? _____

1993 йил учун қачон ва қаерда обуна бўлдингиз? _____

Обунани расмийлаштирган алоқа бўлимининг рақами, пул тўланганлигини қайд этган касса аппаратининг номери (обуна квитанциясидан кўчириб ёзинг) _____

ОБУНА—93

Сизни омад кутади, муштарий!

Ҳурматли газетхонларимизнинг талаб ва истакларини инобатга олиб, ютуқли лотерея ўйинини давом эттиришга қарор қилдик.

Лотерея ўйинида газетамизга 1993 йил учун обуна бўлган муштарийлар иштирок этишлари мумкин. Муштарийлар лотереясида жами

100 минг сўмлик

100 500 1000

қимматбаҳо ютуқлар ўйналади.

Омадингиз келса йил давомида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»ни мунтазам ўқийсиз ҳамда қимматбаҳо ютуққа эга бўласиз.

Ўйинда қатнашиш учун энг аввало ўзингизга қулай алоқа бўлимида обунани расмийлаштириш лозим. Шундан кейин эълон қилинаётган лотерея билетининг саволларига жавоб қайтарасиз ва уни редакциямизга жўнатиб юборасиз. Исмингиз, фамилиянгиз, турар-жойингиз, обуна расмийлаштирилган алоқа бўлимининг рақами, вақти аниқ кўрсатилиши керак.

Газетамиз ҳомийлари, бир неча жамоатчилик ташкилотлари, жамғармалар, биржалар ҳам омадлилар учун ўз совринларини эълон қилишган.

Обуна мавсумини ўтказишда фаол иштирок этган ташкилотчиларга ҳам алоҳида мукофотлар берилади.

кишини газетамизга обуна қилдирган кишилар муҳарририятимизнинг махсус совринларига эга бўладилар.

Обуна баҳоси: бир йилга 180 сўм, олти ойга 90 сўм.

Ф СП—1

Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси» "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" 64593 (курсаткичи)

газетасига ОБУНА

обуна сони

1993 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(касби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

ГАЗЕТАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

64593

п.в. жойи

(нашр кўрсаткичи)

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати"

(нашр номи)

обуна янги манзилга юбориш	баҳоси	сўм	обуна сони
	баҳоси	сўм	

1993 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(касби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ» ҲАФТАЛИГИ ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ

ҲАММУАССИС: МАДАНИЯТ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ХАЛҚ АКАДЕМИЯСИ

Ўзбекистон адабиёти ва санъати

Манзилгоҳимиз: Тошкент-700083, Ленинград кўчаси, 32. Телефонлар: қабулхона — 33-52-91, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-56-49

«ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА» Издается на узбекском языке

Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди.

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳрир ҳайъати: Мурод АБДУЛЛАЕВ (ижтимоий ҳаёт бўлими мудири), Ашурали ЖЎРАЕВ (санъат бўлими мудири), Мирзо КЕНЖАБЕК, Камол МАТЕҚУБОВ (наср ва назм бўлими мудири), Маҳмуд САЪДИЙ (адабиётшунослик ва танқид бўлими мудири), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Саъдулла ҲАКИМ (масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Аҳмадали АСҚАРОВ, Ҳамидулла АКБАРОВ, Шароф БОШБЕКОВ, Эркин ВОҲИДОВ, Одил ЕҚУБОВ, Нафиса ЗОҲИДОВА, Пўлат ЗОҲИДОВ, Баҳодир ИЎЛДОШЕВ, Дадахон НУРИЙ, Абдулла ОРИПОВ, Турсуной СОДИҚОВА, Тошпўлат ТОЖИДДИНОВ, Жавлон УМАРБЕКОВ, Тўхтасин ҒАФУРБЕКОВ

Навбатчи муҳаррир — Ашурали ЖЎРАЕВ
Босмахонага топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 19.40
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

БАҲОСИ 3 СЎМ

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64593. Буюртма № Г—288 213 минг 790 нусхада чоп этилди.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12